

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛТЕТИ**

**Спорт турларини ўқитиш методикаси кафедраси**

**СПОРТ МАХОРАТИНИ ОШИРИШ (БАСКЕТБОЛ ВОЛЕЙБОЛ)  
ФАНЛАРИДАН**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА  
(махсус сиртқи 3-курс талабалари учун )**

**5112000-Жисмоний маданият бакалавр таълим йўналиши  
талабалари учун**

**Тузувчи: Педагогика фанлари номзоди, доцент А.Т.Содиков**

**ЖИЗЗАХ-2019**

Ушбу ўқув услубий мажмуа Олий ва Ўрта махсус вазирлиги томонидан тасдиқланган 2017 йил “\_\_\_” -даги \_\_\_\_\_ ва рўйхатига олинган фан дастури асосида ишлаб чиқилган

**Тузувчи:**

А.Т.Содиқов - «Спорт турларини ўқитиш методикаси» кафедраси доценти педагогика фанлари номзоди.

**Тақризчи:**

Б.А.Бўрибоев - “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” кафедраси доценти, педагогика фанлар номзоди.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Спорт турларини ўқитиш мектодикаси кафедрасининг 2019 йил \_\_\_ йиғилишининг №1 сонли, Жисмоний маданият факультетининг Илмий кенгашининг 2019 йил \_\_\_ № 1 сонли, институт Илмий кенгашининг 2019 йил \_\_\_ № сонли қарори билан тасдиқланган.

**Кафедра мудири:**

**катта укитувчи Б. Султонов**

## **МУНДАРИЖА**

<b>№</b>	<b>Таркиб мазмуни</b>
<b>1</b>	<b>Үқув материаллари:</b>
<b>2</b>	Маъруза мавзулари
<b>3</b>	Амалий машғулот мавзулари
<b>4</b>	Семинар машғулот мавзулари
<b>5</b>	Мустақил таълим машғулотлари
<b>6</b>	<b>Глассарий</b>
<b>7</b>	<b>Иловалар:</b>
<b>8</b>	<b>Фан дастури</b>
<b>9</b>	<b>Ишчи фан дастури</b>
<b>10</b>	Тарқатма материаллари
<b>11</b>	Тестлар
<b>12</b>	Баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича услугбий кўрсатмалар
<b>13</b>	Фанга оид бошқа материаллар
<b>14</b>	ЎУМ нинг электрон вариант

## **1-Мавзу: Basketbo va Voleybol o‘yinida tayyorgarlik turlarining o`rni va ahamiyati**

**Режа:**

- 1.Sport mashg‘u!otlarida tayyorgarlik turlari**
- 2.Sport mashg‘ulotlarida vosita va usullarining qoilanishi**

**Таянч иборалар:** баскетбол, волейбол, тўп, ўйин, майдон, қоидалар, техника, тактика, жисмоний сифатлар, жисмоний ривожланиш, ишчанлик қобиляти, ўйинчилар, тарих, ривожланиш

Sportchilarni tayyorlashning zamonaviy tizimi murakkab, ko‘p omilli hodisa bo‘lib, u sportchining eng yuqori ko‘rsatkichlarga erishishini ta’minlovchi maqsad, vazifalar, vosita va usullarning tashkiliy shakllari, moddiy-texnik sharoitlar va shuningdek, sportchini musobaqalarga tayyorlanishning tashkiliy-pedagogik jarayonini o‘z ichiga oladi. Sportchini tayyorlash tizimi tarkibini quyidagi omillarga ajratadilar:

- sport mashg‘uloti;
- sport musobaqalari;
- mashg‘ulot va musobaqalarning natijalariga ta’sir ko‘rsatuvchi mashg‘ulot va musobaqalarga taalluqli bo‘lmagan omillar.

Sport mashg‘uloti sportchilarni tayyorlash tizimining eng muhim tarkibiy qismi sifatida maxsus pedagogik jarayon bo‘lib, sportchini tarbiyalash, unga o‘rgatish va funksional imkoniyatlarini oshirish yo‘li bilan jismoniy kamolotga hamda yuqori sport natijalariga erishishini ta’minalash maqsadida jismoniy mashqlardan foydalanishga asoslanadi.

Sport mashg‘uloti jarayonida shunday umumiy va xususiy vazifalar hal qilinadiki, ular pirovard natijada sportchining mustahkam salomatligini, ma’naviy va aqliy tarbiyasini, uyg‘un jismoniy rivojlanishi, texnik va taktik mahoratini, maxsus jismoniy, psixik, axloqiy va irodaviy fazilatlari, shuningdek sport nazariyasi hamda usuliyati sohasidagi bilim va ko‘nikmalarining yuksak darajada shakllanishini ta’minalaydi.

Sport mahorati cho‘qqilariga uzoq muddat davomida, yil bo‘yi amalgaloshiriladigan mashg‘ulotlar jarayonida, jismoniy mashqlar va dam olish oralig‘ini to‘g‘ri tashkil qilish, mashg‘ulot va musobaqa yuklamalari hajmi va shiddatining optimal nisbatiga rioya qilgan holda ularni asta-sekin oshirib borish; sportga xos turmush tarzi doirasida hayot va faoliyatning umumiy rejimini tashkil qilish yo‘li bilan erishish mumkin. Basketbolning alohida turlarida mashg‘ulot sportchining individual xususiyatlarini va shu turlarning o‘ziga xos jihatlarini e’tiborga olgan holda o‘tkaziladi.

Sport mashg'uloti natijasida sportchi organizmida xilma-xil morfologik va funksional o'zgarishlar yuz beradi, ular turli funksional tizim va mexanizmlarning imkoniyatlarini aks ettiradigan biologik jarayondir. Odatda, umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlik darajasi farqlanadi.

Umumiy jismoniy tayyorgarlik sog'liqni mustahkamlovchi, jismoniy va organizmdagi organ hamda tizimlar funksional imkoniyatlarini rivojlanish darajasini oshiruvchi mashqlar ta'siri ostida, mushak faoliyatining har xil turlariga muvofiq ravishda o'zgarishidir.

Maxsus jismoniy tayyorgarli — bu sport ixtisosligi predmeti sifatida sportchi tomonidan tanlangan sport turida mushak faoliyatining muayyan takomillashuvining natijasi hisoblanadi. Ayrim mutaxassislar yana yordamchi shug'ullanganlik holatiga ham ajratadilar, ularning fikricha, bu maxsus shug'ullanganlik holati uchun asos yaratadigan maxsus va umumiy shug'ullanganlik o'rtaqidagi oraliq holatdir.

Sportchining shug'ullanganligini tayyorlanganlik holatidan - uning musobaqalarda maksimal imkoniyatlarini yuzaga chiqarib, yuksak sport natijalarni namoyish etish qobiliyatlari majmuasini aks ettiruvchi ancha keng tushunchadan farqlay bilish kerak.

Tayyorlanganlik shug'ullanganlikdan tashqari sport mahoratining boshqa tarkibiy qismlarini: nazariy bilimlarni, maksimal natija ko'rsatish uchun psixologik hozirlikni, sport bellashuvlariga safarbarlik va h.k.ni o'z ichiga oladi. Sport takomillashuvining ana shu bosqichiga xos yuksak darajadagi tayyorlanganlik holatini, odatda, yuqori natijalarga tayyorlik yoki sport formasi holati deb ataydilar.

Sportchining sport mashg'uloti asosini tamoyillarning ikki guruhi tashkil etadi.

Birinchi guruh har qanday o'rgatish va tarbiyalash jarayoniga xos bo'lgan umumiy didaktik tamoyillarni qamrab oladi. Ularga: ilmiylik, o'qitish (o'rgatish)ning tarbiyaviy xususiyati, onglilik va faollik, ko'rgazmalilik, mustahkamlik, tizimlilik va izchillik, tushunarlik, jamoa bo'lib ishlash, individual yondashuv kiradi.

Ikkinci guruh - mashg'ulotlar ta'siri va sportchi organizmining ularga ko'rsatadigan reaksiyasi orasidagi, shuningdek, mashg'ulot jarayoni mazmunining har xil tarkibiy qismlari orasidagi qonuniyatli aloqalarni aks ettiruvchi sport mashg'ulotining o'ziga xos tamoyillari majmuasidir. Bu yuqori natijalarga yo'naltirish, chuqurlashtirilgan ixtisoslashuv, umumiy va maxsus tayyorgarlik birligi, mashg'ulot jarayonining uzluksizligi, davomiyligi va maksimal yuklamalarga intilish birligi, yuklamalar dinamikasining to'lqinsimonligi, mashg'ulot jarayonining siklliligidir.

Sport mashg'uloti uchun o'ziga xos xususiyat — tanlangan sport turida sportchi erishishi mumkin bo'lgan maksimal sport natijalariga erishishga yo'naltirilganligi, mashg'ulot jarayonining barcha alohida jihatlari — uning maqsadlari, vosita va usullari tarkibi, rejorashtirish xususiyatlari, qo'llanadigan yuklamalar kattaligi va tavsifi, musobaqa faoliyatining xossalari va h.k.lar bilan belgilanadi.

Yuksak natijalarga intilish mashg'ulotlarning yanada samarali usullarini, mashg'ulot jarayonini o'lchamli o'tkazish variantlarini, hajmi, xususiyatlari va shiddatiga ko'ra juda yuqori mashg'ulot yuklamalari, dam olish oralig'i, ovqatlanish, tiklovchi tadbirdarning maxsus tizimini qo'llashni talab qiladi. Tajribalardan

ma'lumki, faqat shu holdagina zamon talab darajasiga javob beruvchi natijalarga erishish mumkin.

Shaxsni jismoniy rivojlantirish zarurati umumiylar va maxsus tayyorgarlikning qonuniy aloqasini, ularning birligini taqozo etadi. Bir tomonlama maxsus tayyorgarlik har tomonlama funksional tayyorlik darajasining pasayishiga yoki tayyorlikning alohida tomonlari, boshqalariga ziyon yetkazgan holda bir tomonlama rivojlanishiga olib kelishi mumkin. Umumiylar jismoniy tayyorlik, bir tomondan, sport ixtisoslashuviga bilvosita ta'sir ko'rsatuvchi ko'nikma va malakalarning takomillashuvi hamda sifatlarning rivojlanishiga yo'naltirilishi kerak, boshqa tomondan esa har tomonlama tayyorlik maxsus mashg'ulotlarning shunday tashkil etilishini talab qiladiki, ular mavjud funksional imkoniyatlarni Basketbolning muayyan turiga xos jihatlar bilan bog'lashga xizmat qilishini ta'minlash zarur.

Umumiylar maxsus tayyorlik nisbati ko'p yillik va yil davomidagi mashg'ulotlarning tashkil etilishi xususiyatlari bilan belgilanadi, shuningdek, sportchining yoshiga, uning sport mahorati saviyasiga, sport ixtisoslashuviga, individual xususiyatlari jismoniy tayyorgarlik darajasiga bog'liq bo'ladi. Sport takomillashuvining dastlabki bosqichlarida umumiylar jismoniy tayyorgarlikning hissasi katta bo'lib, u eng avvalo, salomatlikni mustahkamlash, mushak faoliyatining xilmaxil shakllariga muvofiq ravishda jismoniy sifatlar va funksional imkoniyatlarni darajasini oshirish masalalariga xizmat qiladi. Keyinchalik, sportchining mahorati oshgani sari bu nisbat maxsus tayyorgarlik vositalari foydasiga o'zgara boshlaydi, umumiylar jismoniy tayyorlik esa tobora yordamchi vositaga aylana boradi. Umumiylar maxsus 8 tayyorgarlikning nisbati hamda yo'nalishidagi tebranishlar har xil variantlarda bo'lishi mumkin, murabbiyning bu nisbatlarni qanchalik to'g'ri rejorashtirgani har bir sportchini sport natijalarining o'sish darajasi va sur'atida aks etadi.

Mashg'ulot jarayonining uzlusizligi quyidagi qoidalar bilan tavsiflanadi:

— sport mashg'uloti ko'p yillik va yil davomidagi tayyorgarlik jarayoni sifatida tashkil etiladi, uning barcha halqlarini o'zaro bog'liq, bir-birini taqozo etadi va maksimal sport natijalariga erishish vazifasiga yo'naltirilgan bo'ladi;

— har bir keyingi mashg'ulot, mikrotsikl, bosqich va h.k. ta'siri avvalgi natijalarning go'yo navbatdagi qatlamini hosil qilishi, ularni mustahkamlashi va rivojlantirishi kerak;

— sport mashg'ulotida ish va dam olish shunday reglamentlanadiki, bu Basketbolning muayyan turida sport mahoratining darajasini belgilovchi sifat va qobiliyatlarning optimal rivojlanishini ta'minlashi kerak, ya'ni takroriy mashg'ulotlar, mikro- va hatto mezotsikllar sportchining yuqori yoki tiklangan ish qobiliyati sharoitida ham, turli darajadagi charchoq holatlarida ham o'tkazilishi mumkin.

Mazkur qoidalar har xil yoshda va malakali sportchilarni tayyorlash amaliyotida turlicha aks etadi. Masalan, I sport razryadiga ega bo'lgan yosh sportchilar, odatda, har kungi bir martalik mashg'ulotlar bilan qanoatlanadilar, katta yuklamali mashg'ulotlarni ham nisbatan kam qo'llaydilar (haftada 1—2 marta). Yuqori toifali sportchilarni tayyorlashda bunday tartib nari borsa shug'ullanganlikning erishilgan darajasini saqlab turishga yordam berishi mumkin. Shu sababli har kuni 2—3 marta

mashg‘ulot o‘tkazish va haftasiga 4—6 marta katta yuklamali mashg‘ulotlarni qo‘llash zarur.

Zamonaviy sport mashg‘ulotlariga xos xususiyat bajariladigan ish hajmini asta-sekin oshirib borib, maksimal mashg‘ulot yuklamalari kattaliklariga intilishdan iborat. Bu takomillashuvning har bir keyingi bosqichida sportchining oldiga uning funksional imkoniyatlari chegarasiga yaqin talablar qo‘yish imkonini beradi, moslashuv jarayonlarining jadal kechishida bu hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Mashg‘ulot yuklamalarining asta-sekin oshirib borilishida ularni quyidagi o‘lchamlari farqlanadi:

- yillik yuklamalarni 100 dan 1500 soatgacha oshirish;
- hafta davomidagi mashg‘ulotlar miqdorini 3 martadan 15 martaga (undan ham ko‘p bo‘lishi mumkin) yetkazish;
- kun davomidagi mashg‘ulotlar miqdorini 1 martadan 3—4 martagacha yetkazish;
- hafta davomidagi katta yuklamali mashg‘ulotlar miqdorini 5—6 martaga yetkazish.

Bundan tashqari, mashg‘ulot jarayoni shiddatini oshirishning quyidagi yo‘nalishlarini ajratib ko‘rsatish lozim:

- tor ixtisoslikka nisbatan kech o‘tish;
- umumiy va maxsus tayyorgarlik vositalari nisbatini sezdirmay, asta-sekin o‘zgartirib, maxsus tayyorgarlik hissasini oshirib borish;
- maxsus sifatlarning rivojlanishiga yordam beruvchi «qattiq» rejimdagi ish hissasining umumiy hajmini oshirish;
- sportchi organizmining tegishli funksional imkoniyatlari chuqur safarbar etilishini ta’minlaydigan tanlab yo‘naltirilgan mashg‘ulotlar miqdorini ko‘paytirish;
- musobaqalar miqdorini oshirish;
- mashg‘ulot faoliyatida sportchilarining ish qobiliyatini oshirish va undan keyingi tiklanish jarayonlarini tezlashtirish maqsadida qo‘srimcha omillarning (fizioterapevtik va b. vositalar) qo‘llanishini asta-sekin kengaytirib borish.

Bir tomondan, mashg‘ulot jarayoni shiddatini oshirishning yuqorida sanab o‘tilgan imkoniyatlaridan oqilona foydalanish optimal yosh zonasida rejali taraqqiyotni va yuqori natijalarga erishishni ta’minlaydi. Boshqa tomondan, o‘smir yoshdagи sportchilarни tayyorlashda katta mashg‘ulot yuklamalari, maxsus tayyorgarlik mashqlari, jarayonlarini jadallashtirish vositalariga keragidan ortiq berilish ular organizmining jismoniy va ruhiy imkoniyatlari nisbatan tez tugashiga, sport natijalarining o‘smay qolib ketishiga olib keladi.

Mashg‘ulot yuklamalari dinamikasining to‘lqinsimonligi va ko‘p variantliligi tamoyili asosida shiddatli mushak faoliyatidan keyin charchash va tiklanish, mashg‘ulot natijasida moslashish jarayonlarining kechishi, mashg‘ulotlarning ustuvor yo‘nalishi o‘zgarishi tufayli ish hajmi va shiddatining o‘zaro ta’siri qonuniyatları va boshqa qator sabablar yotadi.

Mashg‘ulot jarayonining turli tuzilmalar birligiga yuklamalar dinamikasining to‘lqinsimonligi xos. Bunda yuklama to‘lqinlari uning nisbatan yirikroq birliklarida aniq ko‘rinadi. Qonuniy to‘lqinsimon tebranishlar mikrotsikllar seriyasi yoki 2—3

mezotsikldagi yuklamalar dinamikasini ko'rib chiqqanda ko'zga tashlanadi. Mashg'ulot yuklamalarining to'lqinsimon o'zgarishi ustuvor yo'nalishi turlicha bo'lgan 10 ish shakllari orasidagi, mashg'ulot faoliyati hajmi va shiddati, charchash va tiklanish jarayonlari orasidagi ziddiyatlarni bartaraf etishga imkon beradi. Yuklamalarning ko'p variantliligi sport mashg'uloti oldida turgan vazifalarning rang-barangligi, mashg'ulot jarayonining turli tuzilmalarida (mikro-, mezo-, makrotsikllarda) sportchi ish qobiliyatini hamda tiklanish jarayonlarini boshqarish zarurati bilan belgilanadi. Sportchi organizmiga har tomonlama ta'sir ko'rsatadigan sport mashg'uloti usul va vositalarining xilma-xil shakllari, alohida mashg'ulot va uning qismlarida kattaligi turlicha bo'lgan yuklamalarni qo'llash mashg'ulotlar jarayonidagi yuklamalarning ko'p variantliliginini ta'minlaydi.

Yuklamalarning ko'p variantliligi sport natijalari darajasini belgilovchi omillarning har tomonlama rivojlanishini ta'minlashga yordam beradi, alohida mashqlar mashg'ulot va mikrotsikllar dasturlarini bajarishda ish qobiliyatini oshirishga, bajarilgan ishning yig'indi hajmini ko'tarishga, tiklanish jarayonlarining jadallahuviga hamda funksional tizimlarning charchashi va o'ta zo'riqishi holatlari oldini olishga ko'maklashadi.

Sport mashg'ulotining asosiy qonuniyatlaridan biri sikllilikdir. U mashg'ulot jarayonining nisbatan yakunlangan, tuzilma birliklari: alohida mashg'ulot, mikrotsikllar, mezotsikllar, bosqichlar, davrlar, makrotsikllarni muntazam ravishda takrorlab turishdan iboratdir.

Mashg'ulotlar quyidagicha farqlanadi:

— mashg'ulotning davomiyligi 2—3 kundan 7—10 kungacha davom etadigan mikrotsikllar;

— mezotsikllar - 3 dan 5—8 haftagacha; — mashg'ulot bosqichlari — 2—3 haftadan 2—3 oygacha;

— davrlar — 2—3 haftadan 4—6 oygacha; — makrotsikllar — 3—4 oydan 12 oygacha.

Mashg'ulotni har xil sikllar asosida qurish mashg'ulot jarayonining vazifalari, vosita va usullarini tizimlashtirish va uning boshqa tamoyillari: uzlusizlik, umumiy va maxsus tayyorgarlik birligi; mashg'ulotlar davomiyligi va maksimal shiddatli yuklamalarni bajarishga intilish birligi; yuklamalar dinamikasining to'lqinsimonligi bajarishini eng yaxshi tarzda ta'minlash imkonini beradi.

Mashg'ulot sikllarini oqilona qurish, hozirgi vaqtida, sportda takomillashuvning eng muhim zaxiralaridan biri allaqachon chegara oldi kattaliklariga yetib qolgan mashg'ulot faoliyatining miqdoriy o'lchamlarini nisbatan barqarorlashtirgan holda mashg'ulot jarayonini optimallashtirish hisoblangan bir vaqtida alohida ahamiyatga ega.

## **1.1. Sport mashg'u!otlarida tayyorgarlik turlari**

Basketbolchilar tayyorgarligining zamонавиу тизими sportchini musobaqalarga tayyorlashning tashkiliy-pedagogik jarayonini, ularning eng yuqori sport

ko'rsatkichlariga erishishini ta'minlovchi maqsadlar, vazifalar, vosita va usullar, tashkiliy shakllar, moddiytexnik sharoitlar va b.ni o'z ichiga olgan murakkab, ko'p omilli hodisa hisoblanadi. Sport tayyorgarligi yosh sportchilar uchun muhim rag'bat sanalib, tirishqoqlik bilan qat'iy shug'ullanishga, butun kuch-quvvatini maqsadga erishish uchun sarflashga intilishni kuchaytiradi. Ayni vaqtda sport bilan muntazam shug'ullanish - bu eng yaxshi insoniy fazilatlarning rivojlanishiga, mard, kuchli, mehnatga chidamli va chiniqqan, Vatan himoyasiga tayyor shaxslarni tarbiyalashga yordam beruvchi juda kuchli omildir.

Sport tayyorgarligi ko'p yillik va yil bo'yli davom etadigan jarayon bo'lib, pirovard natijada sportchining mustahkam sog'ligini, ma'naviy hamda aqliy tarbiyasini, uyg'un jismoniy rivojlanishini, texnik va taktik mahoratini, maxsus jismoniy, psixik, axloqiy va irodaviy fazilatlarini, shuningdek, sport nazariyasi va usuliyati sohasida bilim hamda ko'nikmalarning yuqori darajasiga erishishini ta'minlaydigan masalalarni hal etadi. Shunga ko'ra sport tayyorgarligida uning nisbatan mustaqiljihatlarini, bir-biridanfarqlovchijiddiybelgilar: texnik, taktik, jismoniy, psixologik, nazariy va integral tafovutlarga ega turlarini ayirib ko'rsatish mumkin. Bu sport mahoratining tarkibiy qismlari haqidagi tasavvurlarni tartibga soladi, ularni takomillashtirishning vosita va usullarini, o'quv-mashq jarayonini nazorat qilish va boshqarish yo'llarini tizimlashtiradi. Shu bilan birga hisobga olish kerakki, tayyorgarlik turlarining birortasi alohida holda namoyon bo'lmaydi, ular eng yuksak sport natijalariga erishishga yo'naltirilgan murakkab majmuani hosil qilib birlashadi.

Sport tayyorgarligining har bir turi boshqa turlarga bogliqligini, ular tomonidan taqozo etilishi va, o'z navbatida, ularga ta'sir ko'rsatishini ham e'tiborga olish zarur. Masalan, sportchining texnikasi jismoniy sifatlarning rivojlanishi darajasiga, ya'ni kuch, tezkorlik, egiluvchanlik va b.ga bevosita bogliq. Jismoniy sifatlarning (masalan, chidamlilikning) namoyon bo'lishi darajasi texnikaning tejamkorligi, charchoqqa maxsus psixik barqarorlik, murakkab sharoitlarda musobaqa bellashuvining oqilona taktik tuzilmasini amalga oshira bilish bilan chambarchas bog'liqdir. Ayni paytda tak12 tik tayyorgarlik yuqori darajadagi texnik mahorat, yaxshi funksional tayyorlik, mardlik, qat'iyat va tirishqoqlikni rivojlantirish evaziga amalga oshiriladi.

Basketbolchilar tayyorgarligining eng muhim qismlaridan biri sportchining asosiy harakat sifatlarini rivojlantirish va tarbiyalashga qaratilgan jismoniy tayyorgarlik sanaladi. Odatda, Basketbolda har tomonlama jismoniy rivojlanishga ega bo'lgan sportchilar yuqori ko'rsatkichlarni namoyish qila oladilar.

Jismoniy tayyorgarlik sport tayyorgarligining bir turi bo'lib, u Basketbolchining harakat sifatlari: kuchi, tezkorligi, chidamliligi, chaqqonligi, egiluvchanligi va b.ni ustuvor rivojlantirishga, shuningdek, sog'Mikni, organizmdagi eng muhim organ va tizimlarni mustahkamlashga, ularning funksiyalarini takomillashtirishga yo'naltirilgan bo'ladi. Jismoniy tayyorgarlik umumiy va maxsus turlarga bo'linadi.

Umumiy jismoniy tayyorgarlikning (UJT) maqsadi organizmning yuksak darajadagi ish qobiliyatiga erishishidan iborat bo'lib, u sportchi organizmini umumiy rivojlantirish va mustahkamlash: ichki organlarning funksional imkoniyatlarini

oshirish, mushaklar tizimini rivojlantirish, koordinatsiya qobiliyatlarini yaxshilash, gavda tuzilishidagi nuqsonlarni tuzatishga yo'naltiradi. Bunda Basketbol ixtisosligining xususiyatlari va talablari hisobga olinadi. Ularga snaryadlarda (gimnastika devori, o'rindig'i va b.), snaryadlar bilan (to'ldirma to'plar, qumli qoplar, shtanga blinlari, gantellar va h.k.), trenajyorlarda bajariladigan mashqlar, harakatli va sport o'yinlari, krosslar, chang'ida yurish, suzish va b. kiradi.

Maxsus jismoniy tayyorgarlik (MJT) Basketbolchining alohida mushak guruhlarini rivojlantirishga, uning tanlangan sport turi texnikasini chuqur o'zlashtirib, natijalarini o'stirib borishiga bevosita yordam beradigan tegishli harakat ko'nikmalarini egallashiga qaratilgan bo'lishi lozim. U harakatlar amplitudasi, mushak kuchlanishlarining xususiyati va kattaligi, yurak-qon tomir, nafas olish tizimlariga beradigan yuklamasi, psixik zo'riqishlar va h.k. nuqtayi nazaridan o'xhashroq mashqlardan iborat boiishi kerak. Bularga Basketbolning tanlangan turi elementi, qismini yoki uni to'laligicha o'z ichiga oladigan maxsus tayyorlov mashqlari kiradi. Sportchining, mahorati ortib borgani sayin UJT mashqlari miqdori kamayib, ixtisoslashuvga ko'proq yordam beradigan, ya'ni MJT mashqlari tanlanadi.

Sportchining mashg'ulotlari tizimida UJT va MJT mashqlari hajmi ma'lum darajada uning tayyorlanganligi tarkibiy qismlari darjasini bilan belgilanadi. Agar sportchida muayyan mushak guruhlari kuchi yetarlicha rivojlanmagan, bo'g'imlari harakatchanligi kam yoki yurak-qon tomir va nafas olish tizimlar ish qobiliyati pastroq bo'lsa, jismoniy tayyorgarlikning tegishli vosita va usullaridan foydalaniladi.

UJT va MJTga ajratiladigan vaqt Basketbolning turiga bog'liq. Masalan, uzoq masofaga yuguruvchilarda UJT hissasiga kamroq vaqt to'g'ri keladi, chunki mashg'ulotlarning ko'proq qismini (85% gacha) yugurish egallaydi, balandlikka sakrovchilarda esa tor ixtisoslik mashg'ulotlariga kamroq vaqt ajratiladi. Zamonaviy sakrovchilar bir yilda to'liq yugurib kelishdan balandlikka 2000 tagacha sakrashni bajaradilar va bunga 6 soatga yaqin vaqt sarflaydilar. Lekin ularda sakrash, yugurish bilan bog'liq shtanga bilan bajariladigan, egiluvchanlikni rivojlantiruvchi, alohida mushak guruhlarini mustahkamlashga qaratilgan va b. mashqlarning hajmi juda katta.

Sport mahorati oshib borar ekan, UJT vositalari tobora ko'proq jismoniy tayyorlanganlikning tarkibiy qismlarini saqlab turishga, qator hollarda esa mustahkamlashga yo'naltiriladigan bo'ladi. Ular orasida barcha Basketbolchilar uchun umumiyligi bo'lgan tarkibiy qismlar mavjud. Bular, eng avvalo, yurak-qon tomir va nafas olish tizimlarining ish qobiliyati, modda almashinushi hamda ayiruv jarayonlaridir. Mazkur tizimlarning funksional imkoniyatlarini kengaytirish uchun uzoq muddatli yugurish, kross, chang'ida yurish, suzish va h.k.ni keng qo'llash lozim, bu organizmning tiklanish qobiliyatlarini yaxshilashga va maxsus mashg'ulotlar hajmini oshirishga imkon beradi.

Jismoniy tayyorgarlikda sport ixtisosligiga, Basketbolning tanlangan turiga muvofiq funksional imkoniyatlarni oshiradigan mashqlar katta ahamiyatga ega. Masalan, sakrovchi va uloqtiruvchilar kuchni imkon qadar tez, uzoq masofalarga yuguruvchilar esa sekinroq, lekin ko'proq muddat rivojlantiradigan mashqlarni bajarishlari zarur. Jismoniy tayyorgarlik vositalari sifatida xilma-xil mashqlar va boshqa sport turlarini qo'llaganda, ular qanday muayyan vazifalarni bajarish uchun

kerakligini aniq bilish shart. Mashqlarni chuqur o'ylamay tanlash salbiy samara berishi mumkin.

Basketbolda eng yaxshi natijaga erishish uchun mukammal texnikani — mashq bajarishning eng to'g'ri va unumli usulini egallash lozim. Mukammal texnika deganda yuksak sport natijalariga eri14 shishga yordam beradigan, to'g'ri asoslangan va maqsadga muvofiq harakatlarni tushunish kerak. Bunda har doim sportchining o'ziga xos xususiyatlarini, shuningdek, harakatlar bajariladigan shart-sharoitlarni hisobga olish zarur.

Sport texnikasi harakatning to'g'ri, asoslangan shakligina emas, jiddiy irodaviy va mushak kuchlanishlarini namoyish etish, harakatlarni tez bajara olish, mushaklarni vaqtida bo'shashtirish malakasi hamdir. Yuksak sport texnikasi sportchining a'lo darajadagi jismoniy tayyorgarligiga asoslanadi, zamonaviy texnikani egallab olish uchun u kuchli, tezkor, chaqqon, egiluvchan, chidamli bo'lishi kerak.

Samarali texnikani muvaffaqiyatli egallahning asosiy shartlaridan biri takomillashuvning barcha bosqichlarida sportchining mashg'ulotlarga ongi munosabatda bo'lishi, har bir harakatni chuqur anglashidir. Sportchi harakatlarni ko'r-ko'rona «ko'chirib olishi», kimningdir maslahatlariga o'ylamay qulq solishi mumkin emas. U o'zi qo'llayotgan texnika nima uchun eng to'g'ri ekanligini anglab yetishi zarur.

Harakat ko'nikmasini mustahkamlash va takomillashtirishni tor tushunish va qollash noto'g'ri. Texnikani takomillashtirish butun sport faoliyati mobaynida davom etadi. Hatto shogird eng yuksak darajadagi natijani ko'rsatganida ham, murabbiy texnikaning ayrim elementlarini takomillashtirish, texnik xatolarni bartaraf etishni yodidan chiqarmasligi lozim.

Sportchining harakat ko'nikmalari zaxirasi qanchalik boy bo'lsa, u o'z texnikasini shunchalik samarali takomillashtiradi. Harakat ko'nikmalari zaxirasini har xil umumiyl va maxsus tayyorlov mashqlarini keng qo'llash yo'li bilan yaratish, bunda jismoniy sifatlarni rivojlantirish hamda texnikani yanada takomillashtirish orasidagi uзвиy aloqadorlikni hisobga olish zarur.

Sport texnikasini o'rganish va takomillashtirish jarayonida harakatlar bajarilishining to'g'riliгини doimo baholab borish, xatolarni aniqlab, ularni o'z vaqtida to'g'rinish, yaxshisi ularning paydo bo'lishiga yo'l qo'ymaslik kerak. Mashqning to'g'ri bajarilishini tahlil qilishda harakatlarni his etish, shuningdek, o'z harakatlarini (texnika elementlarini) ko'zgu oldida nazorat qilish muhim ahamiyatga ega. Harakatlarning kinematik va dinamik xususiyatlari to'g'risidagi kinolavhalarni qayta-qayta kofrish, videomagnitofonda yozuvlarni tomosha qilish, tezkor axborot ko'rsatkichlari bilan tanishish nazoratning yaxshi vositasi sanaladi. Bu mashqlarni turlicha (maksimal usuliyat bilan, zo'riqishsiz va b.) bajargan holda yugurish tezligi, uloqtirish uzoqligi, sakrash balandligi va h.k.da natijalarga tezroq erishish uchun eng ko'p kuchlanish namoyish qilish qobiliyatini tarbiyalash bilan bog'liq harakatlar texnikasidagi nuqsonlarni aniqlash uchun ham zarur. Bunda videotasmaga harakat ritmini yozib olish va boshqa o'lchash usullari yordamda tahlil etish mumkin.

Basketbolchilar harakatlarning yanada tejaml va oqilona bo'lishiga urinib, funksional imkoniyatlarni kengaytirish asosida texnikani muntazam takomillashtirib

borishlari kerak. Odatda, harakatlar texnikasini o‘rganish va takomillashtirish, uni yangi darajada mustahkamlash mashg‘ulotlar jarayonida yuz beradi. Albatta, mashg‘ulotlarda ko‘pgina boshqa vazifalar ham hal etiladi, lekin barcha holatlarda texnikaga ko‘p vaqt ajratish, Basketbol sportining murakkab turlarida sifatli o’sishni namoyon etish uchun bir necha oy davomida faqat texnika ustida ishlash ko‘proq samara beradi. Va, aksincha, Basketbolchida jismoniy tayyorgarlikning yetarli emasligi texnik mahoratning o‘sishiga to‘sinqilik qilsa, avval oylar davomida jismoniy tayyorgarlikni maromiga yetkazib, yangi darajaga ko‘tarilgandan keyingina texnikani rivojlantiradigan mashqlarni yaxlit holda kiritish lozim.

Texnikani takomillashtirishga yo‘naltirilgan mashqlar va mashg‘ulotlarning takrorlanishi koordinatsion qiyinchiliklardan ko‘ra ko‘proq bajarilayotgan harakat va faoliyatlarning shiddati va xususiyatlariga bog‘liq. Mashqni takrorlashlar soni shunday bo‘lishi kerakki, o‘rganilayotgan harakat erkin, ortiqcha zo‘riqishlarsiz bajarilishi lozim. Biroz charchoq paydo bo‘lsa, mazkur mashqlarni takrorlashni to‘xtatish, lekin boshqalarini takrorlab, charchoq holatidan chiqish va texnikani takomillashtirish, masalan, 400 m g‘ovlar osha yugurish yoki 3000 m to‘sqliar osh yugurshi masofasi (stepelchez).

Kichik yuklamali tez-tez o‘tkaziladigan mashg‘ulotlar maksimal yuklamali har zamonda o‘tkaziladigan mashg‘ulotlarga nisbatan ancha samarali. Birinchi holatda kichik va o‘rta kuchlanishlar sarflanadi. Imkon chegarasidagi kuchlanishlar talab etilgan harakat koordinatsiyasi o‘zlashtirilganidan keyin tavsiya etiladi. Shuning uchun mashqlarning o‘ziga xosligini hisobga olish lozim: bir xillarida harakatlarning to‘g‘ri texnikasiga imkon chegarasidan uzoq sharoitlarda erishish mumkin (marafon yugurishi); boshqalarida esa faqat imkon chegarasiga yaqin sharoit bo‘lishi shart (sprintdagi start).

Sport taktikasi — raqib bilan bellashuv olib borish san’ati bo‘lib, uning asosiy vazifasi raqib ustidan g‘alabaga erishishi, o‘zi uchun maksimal bo‘lgan natijalarni ko‘rsata olishi, Basketbolchining jismoniy va psixik imkoniyatlaridan eng oqilona tarzda foydalanishidir.

Taktika Basketbolning barcha turlarida juda zarur. U yurish, o‘rta va uzoq masofalarga yugurishda eng katta ahamiyatga ega. Musobaqalar raqib bilan bevosita munosabatda bo‘lmay o‘tkaziladigan turlarda (sakrash, uloqtirishlar) uning ahamiyati bu qadar jiddiy emas. Taktik san’at Basketbolchiga o‘z sport texnikasini, jismoniy va axloqiy-irodaviy tayyorgarligini, o‘z bilimlari hamda turli sharoitlarda turli raqiblar bilan bellashish tajribasini unumliroq qo‘llay olishga imkon beradi. Umuman, taktik mahorat belgilangan rejani aniq bajarish, og‘ishlar yuz berganda vaziyatni tez baholab, eng samarali yechim topish uchun sharoit yaratadigan bilimlar, ko‘nikma va malakalarning boy zaxirasiga asoslanishi zarur.

Taktik tayyorgarlikning vazifalari quyidagilardan iborat:

- taktikaning umumiyligini qoidalari o‘rganish;
- sport bellashuvlarining mohiyati va qonuniyatlarini (ayniqsa, Basketbolning tanlangan turida) bilish;
- o‘z turi bo‘yicha taktikaning yo‘llari, vositalari, shakl hamda turlarini o‘rganish;

- eng kuchli sportchilarning taktik tajribasini bilish;
- mashg'ulotlarda prikidkalar, musobaqlarda (taktik mashqlar) taktika elementlari, yo'llari, variantlaridan amaliy foydalanish;
- raqiblarning kuchini aniqlash, ularning taktik, jismoniy, texnik va irodaviy tayyorgarligini, ularning musobaqa bellashuvlarini olib borish malakasini vaziyat hamda boshqa tashqi shart-sharoitlarni hisobga olgan holda o'rganish.

Mazkur vazifalar asosida sportchi murabbiy bilan birgalikda o'tkaziladigan musobaqa uchun taktik harakatlar rejasini ishlab chiqadi. Musobaqlardan so'ng taktikaning samaradorligini tahlil qilib, kelajak uchun xulosalar chiqarishi kerak.

Taktikani o'rgatishning asosiy vositasi — o'ylab chiqilgan reja bo'yicha mashqni takroran bajarish, masalan, tezligini muayyan tarzda o'zgartirib yugurish, belgilangan balandlikdan sakrashni boshlash; Ico'zda 'Hash; uloqtirishda birinchi urinishdayoq eng yjutilgan vaziyatga javoban o'rganil taktik sxemani o'zgartirish va h.k.

Ma'lumki, taktik mahorat jismoniy sifatlarni va irodaviy fazilatlarni rivojlantirish, texnikani takomillashtirish bilan chambarchas bog'liq. Ba'zan, mo'ljallangan taktik kombinatsiyani amalga oshirishdan avval sportchining funksional imkoniyatlari va texnik mahoratini oshirish zarur bo'ladi.

Basketbolchilar tayyorgarligida nazariy tayyorgarlik muhim ahamiyatga ega. Nazariy tayyorgarlikning vazifalari o'z ichiga quyidagi masalalarini oladi:

- jismoniy tarbiya tizimi va sport nazariyasi to'g'risidagi umumiyy tushunchalar;
- mamlakatimizda va jahon miqqosida jismoniy tarbiya hamda sportning rivojlanish istiqbollarini bilish;
- Basketbol sporti nazariyasi va amaliyotini bilish;
- sportchini psixologik jihatdan tayyorlash masalalarini bilish;
- sportchining gigiyenik rejimi, shifokor nazorati va o'z-o'zini nazorat qilish masalalarini bilish;
- Basketbolning ixtisoslashtirilgan turida jarohatlarning oldini olish masalalarini bilish.

Nazariy tayyorgarlikda Basketbolning tanlangan turi bo'yicha mashg'ulot usuliyatiga alohida e'tibor qaratilishi zarur. Basketbolchilarning o'z ixtisosliklariga tatbiqan kuch, tezkorlik, chidamlilik, chaqqonlik va egiluvchanlikni rivojlantirishning vosita va usullarini bilishlari; o'zlarida irodaviy hamda axloqiy fazilatlarni to'g'ri tarbiyalay olishlari; yil davomidagi va istiqboliy ko'p yillik mashg'ulotlarni rejorashtirish bilan tanish bo'lishlari; sport musobaqlari ahamiyatini tushunishlari, ularda ishtirok etish qoidalari hamda ularga bevosita tayyorlanish xususiyatlarini yaxshi bilishlari; o'quv mashq jarayoni va musobaqa natijalarini tahlil qila olishlari; o'z-o'zini nazorat qilish va mashg'ulotlar kundaligini tutib, unga o'z sport faoliyatlari haqidagi mulohazalarini muntazam yozib borishlari juda muhim.

Bu moddalar bo'yicha nazariy bilimlarni o'quvchilar ma'ruzalar, suhbatlarda, o'quv mashg'ulotlaridagi tushuntirishlar vaqtida egallaydilar. Sport nazariyasi va usuliyati fanini yanada chuqurroq o'rganish uchun Basketbolchilarga maxsus adabiyotlar tavsiya etiladi va keyin ular muhokama qilinib, tahlildan o'tkaziladi.

Bugungi kunda sportda o‘z bilimlarini muntazam to‘ldirib, ilm-fan, ilg‘or sport amaliyoti yutuqlarini kuzatib boradigan, o‘z funksional va texnik tayyorgarligidagi eng kichik o‘zgarishlarga ham e’tiborini qaratib, ongli ravishda shug‘ullanadigan sportchilar yuqori sport natijalarga erishadilar.

Mashg‘ulot jarayoni — bu har doim ham belgilangan maqsad sari zinapoyalar orqali yuqoriga ravon, bir maromda odim tashlab ko‘tarilish emas. Bir qarashda kutilmagandek tuyuladigan parvozlar ham, tasodifiy muvaffaqiyatsizliklar, qulashlar ham bo‘ladi. Ba’zan sport yutuqlari darajasida barqarorlik yuzaga keladi va sportchi yangi muvaffaqiyatlar uchun kuch hamda bilim to‘plab olguncha oylar, yillar o‘tib ketadi. Basketbolchi uchun sport tayyorgarligi nazariyasini bilish juda muhim. Jismoniy mashqlar ta’siri ostida qanday jarayonlar ro‘y berishini biladigan sportchi mustaqil bo‘ladi, busiz esa sportda katta yutuqlarga erishish mumkin emas. Murabbiy va shifokor bilan hamkorlikdagi faoliyat sport mahorati cho‘qqilariga olib chiqadigan asosiy yo‘ldir.

Sport bilan shug‘ullanganda salomatlikni mustahkamlash, jismonan rivojlanish, yanada kuchli, tezkor, chaqqon, chidamli bo‘lish mumkin. Sport kun tartibiga rioya qilishga o‘rgatadi, organizmni chiniqtiradi, lekin u yana sportchining axloqiy-irodaviy fazilatlari rivojlanishiga, psixologik tayyorgarligiga ham ta’sir ko‘rsatadi.

Hozirgi vaqtida yirik musobaqalarda raqobat nihoyatda kuchli bo‘lgan sport kurashining murakkab sharoitida sportchilar teng texnik va jismoniy tayyorgarlikka ega bo‘ladilar, bir xil taktikadan foydalanadilar, lekin kimda axloqiy, irodaviy hamda maxsus ruhiy tayyorgarlining rivojlanish darajasi yuqoriroq bo‘lsa, ko‘proq shu g‘alabaga erishadi. Sport amaliyotida bunday misollarni ko‘plab keltirish mumkin: mavsumning shak-shubhasiz peshqadami ruhiy tayyorgarlik darajasi zaifligi tufayli finalga chiqsa olmaydi, ilg‘orlar safiga kirmagan sportchilar esa ko‘p jihatdan irodalarini imkon qadar safarbar eta olganlari uchun kubok hamda gramprilarda, jahon championatlarida, olimpiada o‘yinlarida g‘alabalarga erishadilar.

Axloqiy, irodaviy fazilatlar va maxsus psixologik tayyorgarlikning yuqori darajasi turli sifatlarning majmuali tarzda namoyon bolishini ko‘zda tutadi. Ulardan hatto bittaginasining yetarlicha rivojlanmaganligi ko‘pincha yuqori malakali sportchilarning mag‘lubiyatga uchrashiga sabab bo‘ladi. Shu sababli psixologik tayyorgarlik sportchining takomillashuv yo‘lidagi barcha bosqichlarda uni tarbiyalashda jiddiy o‘rinni egallashi kerak.

Sportchining psixologik tayyorgarligini umumiy psixologik tayyorgarlik va muayyan musobaqaga psixologik tayyorgarlik turlariga bo‘lish mumkin. Bunday bo‘lish shartli, chunki o‘quv-mashq jarayoni har doim bellashuvlar bilan o‘rin almashadi va umumiy ruhiy tayyorgarlikning vazifalari musobaqa faoliyati sharoitida hal etiladi.

Umumiy psixologik tayyorgarlik mashg‘ulotlar va musobaqalar davomida har kuni amalga oshirilib, sportchining ko‘proq sport mahoratini mustahkam va muvaffaqiyatli o‘zlashtirishiga yordam beradigan ruhiy tayyorgarligini rivojlantirishga yo‘naltiriladi. Bularga quyidagilar kiradi:

— sportchida muntazam shug‘ullanishga, kun tartibiga rioya qilish va musobaqalarda qatnashishiga moyillik uyg‘otadigan sabablarning to‘g‘ri hamda barqaror tizimini yaratish;

— sportda takomillashish va musobaqalarda muvaffaqiyatlari ishtirok etish uchun zarur bo‘lgan o‘z sifatlari hamda psixikasi to‘g‘risida aniq tasavvurlar hosil qilish;

— hissiy barqarorlik va maksimal yuklamalarga dosh berishga ko‘maklashadigan xarakter xususiyatlari hamda asab tizimiga xos sifatlarni shakllantirish;

— texnika va taktikani egallash uchun zarur bo‘lgan o‘ziga xos jarayonlarni rivojlantirish (ritm, vaqt sevgisi, makonda mo‘ljal ola bilish, harakatning turli elementlari ustida o‘z-o‘zini nazorat qilish qobiliyati va h.k.);

— o‘zini, o‘z hissiyotlari va kechinmalarini boshqarish, barcha chet qo‘zg‘atuvchilardan chalg‘ish, mashg‘ulot va musobaqa faoliyati jarayonida yuzaga keladigan noqulay psixik holatlarni ongli ravishda bartaraf etish malakalarini rivojlantirish;

— harakatlar koordinatsiyasi va dinamikasini buzmagan holda maksimal kuchlanishlarni oson va bemalol amalga oshirish malakasini egallash.

Basketbolning har qanday turida sportchi har xil darajali zo‘riqish bilan kurash olib bora olishi, bir faoliyatdan boshqasiga tez «ko‘chish»ga qodir bo‘lishi kerak. Buning uchun ma’lum lahzada kurashdan tez chiqib ketish, bo’shashish, asab tizimiga dam berish va shu tariqa qisqa muddatli bo‘lsa ham to‘la psixologik va fiziologik dam olishni ta’minlay bilish kerak. Ayni paytda har lahzada maksimal bo’shashishdan maksimal safarbarlikka o‘tishga va tez kurashishga kirishishni o‘rganish zarur. Bevosita musobaqalarda ishtirok etishdan awal sportchi diqqatini to‘laligicha mashqni bajarishga qarata olishi, doimiy qo‘zg‘atuvchilardan chalg‘ib, musobaqa sharoiti, tomoshabinlar, hakamlar va boshqalarning salbiy ta’siriga berilmaslikni bilishi lozim.

O‘zini boshqara olishga erishish uchun har xil musobaqalarda muntazam qatnashish, o‘z ustida qat’iyat bilan ishslash, o‘z imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarish usullaridan doimo foydalanib turish kerak. Sportchini o‘zi va raqiblari hatti-harakatlarini tahlil qilishga, to‘g‘ri va xato bajarilgan ishni aniq farqlashga, texnika va taktikani takomillashtirishning yangi-yangi yo‘llarini o‘ylab ko‘rishga muntazam o‘rgatib borish shart.

Muayyan musobaqalarga psixologik tayyorgarlik musobaqaga taxminan bir oy qolganda boshlanadigan erta hamda musobaqa oldidan va uning davomidagi bevosita tayyorgarlik turlariga bo‘linadi.

Musobaqaoldi erta psixologik tayyorgarlik quyidagilarni nazarda tutadi:

— bo‘lajak bellashuvlar sharoiti va asosiy raqiblar to‘g‘risida ma’lumot olish;

— sportchining shug‘ullanganlik darajasi to‘g‘risidagi tashxisiy ma’lumotlarga, uning shaxsiga xos xususiyatlari, tayyorgarlikning hozirgi bosqichidagi psixik holatiga oid axborotlarga ega bo‘lish;

— olingan ma’lumotlar asosida bo‘lajak musobaqalarga mo‘ljallangan faoliyat dasturini, undagi chiqishlarning maqsadini (sportchi bilan birgalikda) aniqlab olish;

— bo‘lajak bellashuvlar batafsil dasturini ishlab chiqish;

— sportchini irodaviy sifatlarni, ishonch va tezkor fikrlash qobiliyatini takomillashtirishga yo'naltirgan holda musobaqa faoliyatini modellovchi sharoitlarda qiyinchiliklar va kutilmagan to'siqlarning yengib o'tilishini tashkil etish;

— sportchining musobaqalarga tayyorlanish jarayonida haddan ortiq psixik zo'riqishni susaytiradigan sharoitlarni yaratish hamda usullardan foydalanish;

— belgilangan tayyorgarlik dasturiga muvofiq ravishda musobaqalarda ishtirok etishning shaxsiy va ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan to'g'ri sabablarini qo'llab-quvvatlash. Musobaqa arafasida va ular davomidagi bevosita psixologik tayyorgarlik quyidagilardan iborat:

— bevosita har bir chiqish oldidan psixologik moyillikni yaratish va psixik holatni boshqarish; — chiqishlar orasidagi tanaffuslarda psixologik ta'sir ko'rsatish va asabiy-psixik tiklanish uchun sharoit yaratish;

— navbatdagi chiqish paytida va u tugaganidan so'ng psixologik ta'sir ko'rsatish.

Har bir startga chiqish oldidan psixologik moyillikni yaratish bo'lajak sport musobaqasi tavsiotlarini aniqlashtirishni, maksimal irodaviy kuchlanishlarga va zarur irodaviy fazilatlarni namoyish etishga tayyor bo'lish uchun sharoit yaratishni, shuningdek, sportchining hissiy zo'riqishlarini kamaytiradigan ta'sirotlar tizimini nazarda tutadi.

Bir startga chiqish davomida psixologik ta'sir ko'rsatish quyidagilarni o'z ichiga oladi: kurash vaqtidagi hatti-harakatlarni qisqacha tahlil qilish va ularga tahrir kiritish; irodaviy kuchlanishlarni rag'bathantirish hamda zo'riqishlarni kamaytirish; malakaviy chiqishlardan so'ng psixik holatni me'yorga keltirish; sportchining imkoniyatlari va keyingi chiqishlari istiqbolini xolis baholashga halal beradigan hissiyotlarni bartaraf etish; o'z kuchiga ishonchni hosil qilish; o'tgan chiqishlarni tahlil qilish va navbatdagisini raqiblarning kuchini hisobga olgan holda taxminan dasturlashtirish; asabiy-ruhiy tiklanish uchun sharoit yaratish (faol dam olishning har xil vositalari, turli o'yinlar uyushtirish, chalg'itish, o'z-o'zini ishontirish yo'llari va boshqalarni qo'llash orqali ruhiy charchoq va zo'riqishlarni kamaytirish).

Psixologik tayyorgarlik jarayonida ikkita nisbatan mustaqil va ayni paytda chambarchas bog'liq bo'lgan yo'nalishlarni farqlab ko'rsatish mumkin:

- axloqiy va irodaviy fazilatlarni tarbiyalash;
- maxsus psixik imkoniyatlarni takomillashtirish.

Axloqiy fazilatlarini tarbiyalash sportchida umuminsoniy axloq tamoyillariga mos tasavvurlar, tushunchalar, maslak va qarashlar, ko'nikma va malakalarini shakllantirishda; vatanparvarlik, sportga, o'z jamoasiga sadoqat hislarini singdirishda ifodalanadi.

Sportchilarni axloqiy tarbiyalashga oid tadbirlar orasida quyidagilar ajralib turadi: tarbiya mavzuidagi muntazam suhbatlar, sport tarixidan ma'ruzalar, ajoyib kishilar hayotidan hikoyalar; kino hamda videofilmlar tomosha qilish; adabiy asarlar o'qish; mashhur kishilar bilan uchrashuvlar o'tkazish; sportchilarni jamoat ishlariga jalg qilish; sport jamoalari an'analarini mustahkamlash (g'oliblarni qutlash, terma jamoa a'zoligiga tantanali ravishda qabul qilish, tug'ilgan kunlami nishonlash,

teatrlar, muzeylar, tarixiy joylarga borish, shahar tashqarisiga sayrlar, sayohatlar uyuştirish va h.k.).

Sportchini irodaviy jihatdan tayyorlashning eng muhim vazifalari quyidagilar:

- muvaffaqiyatga erishish uchun o‘zini maksimal safarbar etishga o‘rganish;
- o‘z hissiy holatini boshqarishga o‘rganish;
- o‘zida maqsadga intiluvchanlik, qat’iyat, mardlik, tirishqoqlik, chidam, sovuqqonlik, mustaqillik va tashabbuskorlik singari fazilatlarini tarbiyalash.

Agar sportchini tarbiyalash jarayoni taktik-texnik mahoratni takomillashtirish, jismoniy sifatlarni rivojlantirish va tayyorgarlikning boshqa jihatlari bilan uzviy bog‘liq bo‘lsa, axloqiy-irodaviy tayyorgarlik samarali amalga oshiriladi. O ‘quv-mashg‘ulot jarayonida axloqiy-irodaviy tayyorgarlik usuliyatining amaliy asosi quyidagilardir: mashg‘ulotlar dasturi va musobaqa rejalarini so‘zsiz bajarishga muntazam ravishda o‘rgatib borish; mashg‘ulotlarga doimiy ravishda qo‘sishma murakkabliklar kiritib turish; musobaqa usulidan keng foydalanish va mashg‘ulot jarayonida yuksak raqobat iqlimini yaratish.

Axloqiy va irodaviy fazilatlarni tarbiyalash jarayonida turli usullar - ishontirish, majburlash, og‘irlashtirilgan yuklamalarni asta-sekin oshirib borish, musobaqalashuv usullari keng qo‘llaniladi. Ulardan to‘g‘ri foydalanish sportchilarni intizomga, o‘ziga nisbatan talabchan bo‘lishga, maqsadga erishish yo‘lida qat’iyat va matonat bilan harakat qilishga, qiyinchiliklarni yengishga, o‘z kuchiga ishonishga, mard, jur’atli, g’alabaga intiluvchan, mashg‘ulotlar hamda musobaqalar sharoitida o‘z kuchini imkon qadar safarbar eta oladigan bo‘lishga o‘rgatadi.

Sportchining ruhiy imkoniyatlarini takomillashtirishda eng muhim yo‘nalishlardan biri Basketbolchingin hissiy qo‘zg‘alish darajasini pasaytirish va tinchlantirish hisoblanadi. Bu yerda murabbiyning og‘zaki ta’sir ko‘rsatishi (tushuntirish, ishontirish, ma’qullah, maqtash va b.) kabi usullardan foydalanish mumkinki, ular yordamida sportchining hissiy zo‘riqishi darajasi pasaytiriladi, o‘z kuchiga ishonchi oshiriladi, musobaqadagi chiqishi uchun haddan ortiq mas‘uliyat tuyg‘usi kamaytiriladi.

Hayajon darajasini susaytirishga yordam beradigan harakatlar va tashqi ta’sirlarni qo‘llash bilan bog‘liq yo‘llar ancha samarali hisoblanadi; hayajonlanish holatiga xos yaqqol ifodali harakatlarni ixtiyoriy ravishda to‘xtatib turish; nafas olish va chiqarish oraliqlarini o‘zgartirib yoki uni tutib turib, nafas olishni ixtiyoriy ravishda boshqarish, tinchlantiruvchi autogen mashg‘ulotni qo‘llagan holda asosiy mushaklar guruhini galma-galdan bo‘shashtirish (o‘tirib yoki yotib); chegaralangan mushaklar guruhini taranglashtirish va bo‘shashtirishni almashlash; yuz mimikasi, yuz ifodasi, qo‘l va oyoqlar motorikasi, shuningdek boshqa tashqi belgilarni nazorat qilish hamda ularni me’yordagi tinch holatga mos darajaga keltirish; uqalash va o‘zo‘zini uqalashning tinchlantiruvchi usullari.

Bo‘lajak chiqish oldidan sportchining safarbarligini oshirish, musobaqalarda uning bor imkoniyatini ishga solishga erishish maqsadida hayajon darajasini orttirish uchun ta’sir ko‘rsatish natijalariga ko‘ra teskari yo‘nalishga ega bo‘lgan, lekin ruhiy zo‘riqishni kuchaytiradigan, g’alabaga e’tiborni jamlaydigan va h.k. o‘sha usullar

guruhidan foydalaniladi: murabbiyning og‘zaki ta’siri (ishontirish, talab qilish, maqtash va shu k.).

Sport fikrlarni jamlash; texnik-taktik hamda jismoniy imkoniyatlardan maksimal foydalanishga moyillik yaratish; o‘zo‘ziga «Nima qilsang ham, faqat g‘olib chiq!», «Bor imkoningni ishga sol!», «0‘zingni qo‘lga ol va maqsadingga erish!», «Tinchlan!», «Hayajonlanma!» kabi buyruqlar berib, bundan to‘g‘ri foydalana bilishdan iborat og‘zaki ta’sir ko‘rsatish usullari muhim ahamiyatga ega

. Integral tayyorgarlik musobaqa faoliyatida sport mahoratining har xil tarkibiy qismlari — texnik, taktik, jismoniy, psixologik va nazariy tayyorgarlikni koordinatsiyalash va amalga oshirishga qaratiladi. Sportchi tayyorgarligining har bir jihatni ma’lum darajada tor yo‘naltirilgan usul va vositalar natijasida shakllanadi. Bu shunga olib keladiki, lokal mashqlarda namoyon boladigan alohida sifat va qobiliyatlar ko‘pincha musobaqa mashqlarida tola darajada namoyon bo‘la olmaydi. Shuning uchun tayyorlanganlik jihatlarini, sifat va qibiliyatlarni birlashtirishga yo‘naltirilgan alohida tayyorgarlik bo‘lishi zarur. Uning maqsadi — birgalikda musobaqa faoliyati muvaffaqiyatini belgilovchi rang-barang tarkibiy qismlarning majmuali tarzda namoyon bo‘lish samaradorligi hamda uyg‘unligini ta’minlashdan iborat. Integral tayyorgarlikning asosiy vositalari sifatida quyidagilarni aytishimiz mumkin: har xil miqyosdagi musobaqalar sharoitida bajariladigan va Basketbolning tanlangan turiga mansub mashqlarni; tuzilishi, funksional tizimlar faoliyatining xususiyatiga ko‘ra musobaqalar sharoitiga imkon qadar yaqinlashtirilgan maxsus tayyorlovchi mashqlarni qo‘llanilishidan iborat

. Basketbolda siklik xususiyatli mashqlarda integral tayyorgarlik muammosi u qadar jiddiy emas, chunki bu mashqlarda (sportcha yurish, o‘rtalik, uzoq va o‘ta uzoq masofalarga yugurish) texnik usullarni va taktik harakatlar zaxirasi cheklangan, mashg‘ulotlarda bajariladigan ish esa (uning asosiy hajmi) musobaqalardagiga maksimal dara24 jada (shakli, tuzilishi, organizmdagi tizimlarning faoliyat ko‘rsatish xususiyatlari bo‘yicha) yaqinlashtirilgan bo‘ladi. Basketbolning boshqa turlarida (g‘ovlar osha yugurish, sakrash, ayniqsa, langarcho‘p bilan sakrash, uloqtirishlar) texnik usullarni, individual taktika, psixik belgilarning rang-barang va murakkabligi alohida usullarni va harakatlar, sifat va xususiyatlarni takomillashtirish bilan bog‘liq o‘xhash mashg‘ulot ishining nihoyatda katta hajmlarda bajarishini taqozo etadi. Ularni musobaqa bellashuvlarining og‘ir sharoitlarida amalga oshirish maxsus va maqsadli takomillashtirishni talab etadi.

Yanada to‘laqonli, har tomonlama integral tayyorgarlik uchun majmuali takomillashuvni ko‘zda tutadigan umumiyo yo‘nalish bilan bir qatorda yana quyidagi ustuvor yo‘nalishlarni ham farqlab ko‘rsatish lozim:

- individual texnik-taktik harakatlarni takomillashtirish;
- funksional imkoniyatlarni imkon qadar safarbar etish qobiliyatini takomillashtirish;
- yuksak ish qobiliyatini ta’minlash uchun maksimal harakat faolligidan nisbiy bo‘shashish davrlariga ko‘chish qobiliyatini takomillashtirish.

Bu yo‘nalishlarni rivojlantirishga xilma-xil usuliy uslublardan qo‘llaniladi, bular: turli modellashtiruvchi qurilmalarni qo‘llagan holda mashqlarni bajarish

sharoitlarini yengillashtirish; og‘irliklarni qo‘llash va mashg‘ulotlarni noqulay sharoitlarda (iqlimni, joyni, qoplamani almashtirish) o‘tkazish yo‘llari bilan sharoitni murakkablashtirish.

Integral ta’sir ko‘rsatuvchi vositalar hajmi yillik siklning mas’uliyatlari musobaqalari yaqinlashgan sari oshib borishi kerak, ko‘p yillik rejada esa ularning eng keng qo‘llanadigan o‘rni — individual imkoniyatlarni maksimal darajada ro‘yobga chiqarish bosqichida. Lekin integral tayyorgarlik vositalari yil davomidagi mashg‘ulotlarning boshqa davrlarida ham, ko‘p yillik mashg‘ulotlarning boshqa bosqichlarida ham o‘z o‘rniga ega bo‘lishi lozim. Bu sportchining o‘sib borayotgan funksional imkoniyatlarini musobaqa faoliyatini muvaffaqiyatli ta’minalash zarurati tufayli yuzaga keladigan real talablar bilan rejali tarzda bog‘lash uchun sharoit yaratadi.

Integral tayyorgarlik sportchining qobiliyatlarini majmuasini musobaqalarda maksimal imkoniyatlarni namoyish etish hamda yuksak natijalar ko‘rsatishga olib kelishi zarur. Bunday holat shug‘ullanganliknmg yuksak darajasi va sport mahoratinining boshqa tarkibiy qismlari: nazariy bilimlar, maksimal natija ko‘rsatishga psixologik moyillik, sport bellashuviga safarbarlik, tashqi chalg‘ituvchilarga e’tibor bermaslik va b. ni o‘z ichiga oluvchi tayyorlanganlik sifatida ta’riflanadi. Sport takomillashuvining mazkur bosqichiga xos bo‘lgan eng yuqori darajadagi tayyorlanganlik holatini, odatda, yuksak natija ko‘rsatishga tayyorlik yoki sport formasi holati deb ataydilar.

Sport formasi holati musobaqalar davrining boshlanishigacha egallanishi, uning davomida yuksalib borishi va hal qiluvchi musobaqalar paytida o‘zining eng yuqori darajasiga yetishi shart. Uzoq muddatli musobaqalar mavsumi davomida yaxshi sport formasida bo‘lgan Basketbolchi yanada yuqoriroq natijalarga intiladi va ularga erishadi.

Eng kuchli sportchilar tajribasidan ko‘rish mumkinki, yuksak sport formasi holati uzoq davom etadi. Mashg‘ulot — bu boshqariluvchi jarayon, shuning uchun sport formasi holati ham boshqarilishi hamda 2—4 oygacha va undan ortiq davom etishi mumkin. Buning uchun o‘quv-mashq jarayonini usuliy jihatdan to‘g‘ri tashkil qilish, faoliyatni oqilona boshqarib dam olish oraligM va organizmni tiklash vositalari bilan almashtirish, mashg‘ulot va musobaqalarda to‘lqinsimonlik hamda ko‘p variantlilik tamoyillaridan keng foydalanish, shuningdek kun tartibiga qat’iy rioya qilish zarur. Maxsus yuklamaning 6—8 hafta davomida oshirib borilishi, keyin 1—2 haftaga pasaytirilishi, yana 6—8 haftaga oshirilishi (endi boshqa darajada) va h.k. juda muhim. Individual o‘ziga xosliklarga ega bo‘lgan bunday to‘lqinsimonlik (jumladan, Basketbol turining xususiyatlari bilan ham bog‘liq) haddan ortiq charchashning oldini olib, sport formasi ni uzoq saqlab turilishiga imkon beradi.

Sport formasi holatining ko‘rsatkichlaridan biri sportchining integral tayyorlanganligi darajasi hisoblanib, u yil davomida ko‘tarilib borishi va asosiy musobaqalarning boshlanish vaqtida o‘zining cho‘qqisiga yetishi, keyin, ya’ni o‘tish davrida — ixtisoslashgan sport turi bo‘yicha mashg‘ulotlar ma’lum paytga qisqarganda, pasayishi lozim.

Basketbolchining tayyorgarligi holati yildan-yilga, tabiiyki, muayyan darajagacha o'sib borishi kerak. Biroq uning o'sishidagi aniq yosh chegaralarini belgilash mumkin emas, chunki sportchining individual xususiyatlari, yashash sharoitlari, mashg'ulot jarayonining tibbiy va ilmiy ta'minlanganligi darjasи, mashg'ulot o'tkaziladigan joyning holati, sport anjomlari va uskunalar juda katta ahamiyatga ega.

## **1.2. Sport mashg'ulotlarida vosita va usullarining qoilanishi**

Vosita — bu sportchi harakatlarining muayyan mazmuni (mashq) usul esa harakatlar, ularni qo'llashning yo'lidir. Sportchi mashg'ulotining asosiy vositalari jismoniy mashqlar hisoblanib, ularni shartli ravishda uch guruhga taqsimlash mumkin: umumiy tayyorgarlik, maxsus tayyorgarlik va musobaqaqlashuv mashqlari. Umumtayyorgarlik mashqlari sirasiga harakatlanishi shakliga ko'ra musobaqaqlashuv mashqlariga o'xhash bo'lmanan mashqlar kiradi, ular yordamida sportchi organizmini har tomonlama funksional rivojlantirish vazifasi hal etiladi, ish qobiliyati va harakatlar koordinatsiyasining umumiy darjasи ortadi.

Maxsus tayyorgarlik mashqlari tashqi shakli va sportchi organizmi funksional tizimlarining faoliyati, namoyon etilayotgan sifatlarning ichki mohiyatiga ko'ra Basketbolning tanlangan turiga juda yaqin. Ular Basketbolchilarining mashg'ulotlari tizimida markaziy o'rinnegallaydi, musobaqa faoliyati elementlarini o'z ichiga olgan vositalar jumlasini qamrab oladi, organizmning u yoki bu tizimlariga yo'naltirib ta'sir ko'rsatishga yordam beradi, jismoniy qobiliyatlarni rivojlantirish vazifalarini hal etish asosida texnik mahoratni takomillashtiradi

. Maxsus tayyorgarlik mashqlari ta'sir kuchiga ko'ra musobaqaqlashuv mashqlariga o'xhash yoki ulardan birmuncha ustunroq bo'lishi lozim. Faqat shundagina shug'ullanganlik holatiga erishish mumkin. Maxsus tayyorgarlik mashqlari musobaqaqlashuv mashqlaridan qancha kam farq qilsa, shuncha ko'p samara beradi.

Maxsus tayyorgarlik mashqlari sportchi tanasining alohida qismlariga tanlab ta'sir ko'rsatishi mumkin - bular chegaralab ta'sir ko'rsatuvchi mashqlardir; butun organizmga ta'sir ko'rsatishi ham mumkin, ya'ni mashg'ulot jarayonining u yoki bu sharoitlarida (yengillashtirilgan, murakkablashtirilgan) musobaqaqlashuv mashqlarini yaxlit takrorlaydi — bular yalpi (global) ta'sir ko'rsatuvchi mashqlar. Masalan, bosqon uloqtirishda chegaralab ta'sir ko'rsatuvchi mashqlarga tashlashning alohida elementlarini takrorlovchi mashqlar kiradi, yalpi ta'sir ko'rsatuvchi mashqlarga esa yengillashtirilgan yoki og'irlashtirilgan snaryadlami bir, ikki yoki undan ortiq marta burilib uloqtirishlarni kiritish mumkin

. Musobaqaqlashuv mashqlari — bu sport ixtisosligining predmeti hisoblangan harakat faoliyatları majmuasi bo'lib, musobaqalarning mavjud qoidalariga muvofiq bajariladi. Bu mashqlarga Basketbolning tanlangan turi va uning variantlari kiradi. Sprinterlar uchun qisqa masofalarga, estafetali, startdan, yugurish, start oldidan yugurib o'tish vositalari qo'laniladi.

Sport mashg‘ulotining vositalari ta’sir yo’nalishiga ko‘ra ikki guruhga bo‘linadi:  
— tayyorgarlikning texnik, taktik va shu kabi turli tomonlarini takomillashtirish bilan ko’proq bogiiq bo‘lgan vositalar;

— harakat sifatlarini rivojlantirish bilan ko‘proq bog‘liq bo‘lgan vositalar.

Sport mashg‘uloti usullarini amaliy maqsadlarda shartli ravishda uch guruhga taqsimlash qabul qilingan: og‘zaki, ko‘rgazmali va amaliy. Usullarni tanlashda ular belgilangan vazifalarga, umumdidaktik tamoyillarga, shuningdek, sport mashg‘ulotining maxsus tamoyillariga, sportchining yoshi va jins xususiyatlariga, ularning tasniflanishi hamda tayyorgarlik darajasiga qat’iy mos bo‘lishiga ahamiyat berishni talab etadi.

Og‘zaki usullarga hikoya, tushuntirish, ma’ruza, suhbat, tahlil, muhokama, buyruq, aytib turish va boshqalar kiradi. Bu usullar, ayniqsa, malakali sportchilarni tayyorlashda qisqa, obrazli va tushunarli shaklda qo‘llanilishi kerak, maxsus atamalar, og‘zaki va ko‘rgazmali usullarni uyg‘unlashtirish bunga jiddiy yordam beradi.

Ko‘rgazmali usullar xilma-xil bo‘lib, ma’lum darajada mashg‘ulot jarayoni ta’sirchanligini belgilaydi. Ularga, eng avvalo, murabbiy yoki malakali sportchi tomonidan mashqlar yoxud mashq elementlarining usuliy jihatdan to‘g‘ri tarzda bevosita bajarib ko‘rsatilishi kiradi. Bundan tashqari, quyidagi ko‘rgazmali qurollardan keng foydalanish zarur:

— o‘quv kino-videofilmlari, kinohalqalar, kinogrammalar, sport maydonchalari maketi, kompyuter diagnostikasi;

— harakatlar yo‘nalishini chegaralovchi eng oddiy moljallar (oriyentir);

— yoruglik bilan, ovozli signallar berish va mexanik, shu jumladan dasturli boshqariluvchi qurilmalar yordamida teskari aloqadorlikni ta’minlovchi murakkab mo’ljallar (oriyent);

Amaliy mashqlarning usullarini shartli ravishda ikki asosiy guruhchaga bo‘lish mumkin:

— tanlangan sport turi uchun xos bo‘lgan sport texnikasini, ya’ni harakat malaka va ko‘nikmalarini ustuvor tarzda o‘zlashtirishga yo‘naltirilgan usullar;

— harakat sifatlarini ustuvor tarzda rivojlantirishga yo‘naltirilgan usullar.

Usullarni har ikki guruh o‘zaro chambarchas bog‘liq, doimo birga qo‘llaniladi, sport mashg‘uloti vazifalarini hal etishning samarali yo‘llarini ta’minlaydi.

Ustuvor tarzda sport texnikasini o‘zlashtirishga yo‘naltirilgan usullar orasida harakatlarni yaxlitligicha va qismlarga bo‘lib o‘rgatish usullari ajratiladi

Harakatlarni yaxlitligicha o‘rgatish nisbatan oddiy mashqlarni, shuningdek murakkab, lekin qismlarga bo‘flish mumkin bo‘lmagan harakatlarni o‘zlashtirishda amalgalash oshiriladi. Biroq bu holatda shug‘ullanuvchilarning e’tibori yaxlit harakatning elementlarini to‘g‘ri bajarishga izchil ravishda qaratiladi. Nisbatan mustaqil elementlarga taqsimlash mumkin bo‘lgan u yoki bu darajada murakkab harakatlarni o‘rgatishda sport texnikasini o‘zlashtirish qismlarga bo‘lib amalga oshiriladi. Keyinchalik harakat faoliyatlarini yaxlitligicha bajarish murakkab mashqning ilgari o‘zlashtirilgan tarkibiy qismlarini bir butun qilib birlashtirishga olib keladi.

Harakatlarni yaxlit va qismlarga bo‘lib o‘rganish usullaridan foydalanganda, yaqinlashtiruvchi hamda taqlidiy mashqlarga katta o‘rin ajratiladi. Yaqinlashtiruvchi mashqlar ancha oson harakat faoliyatlarini rejali ravishda o‘zlashtirish yo‘li bilan sport texnikasini egallash masalalarini osonlashtirish uchun qo‘llaniladi. Masalan, yuguruvchi mashg‘ulotlarda yaqinlashtiruvchi mashqlar sifatida tizzalarni baland-balad ko‘tarib yugurish, sakrab-sakrab yugurish va h.k.dan foydalanadi. Bu mashqlarning har biri yugurishga yaqinlashtiruvchi hisoblanadi va uning alohida elementlari: itarilish, sonni yuqori ko‘tarish, antagonist mushaklar faoliyatida harakatlar koordinatsiyasi sur’atini oshirish va h.k. yanada samarali shakllanishiga yordam beradi.

Taqlidiy mashqlarda asosiy mashqlarning umumiy tuzilishi saqlanib qoladi va harakat faoliyatlarini o‘zlashtirishni osonlashtiruvchi sharoitlar ta’milanadi. Taqlidiy mashqlardan endi shug‘ullana boshlaganlar, shuningdek yuqori malakali sportchilar texnik mahoratini takomillashtirishda foydalanadi. Ular sport mashqi texnikasi to‘g‘risida tasawur hosil qilib, uni o‘zlashtirish jarayonini yengillashtiribgina qolmay, harakat va vegetativ funksiyalar orasidagi samarali koordinatsiyani ham ta’minalaydi. Masalan, uloqtiruvchilar mashg‘ulotida taqlidiy mashq sifatida oyna oldida yaxlit faoliyatni — snaryadni qo‘ldan chiqar- : may bajarish qo‘llaniladi, bunda harakat aniqligini nazorat qilgan holda asosiy e’tibor uning alohida elementlariga qaratiladi. Harakat sifatlarini rivojlantirishga ustuvor tarzda yo‘naltirilgan usullar tuzilishini mazkur usuldan bir marta foydalanish jarayonida<sup>29</sup> gi mashqning xususiyati (uzluksiz yoki dam olish oraliqlari bilan) va mashqning bajarilish rejimi (bir maromda, standart yoki o‘zgaruvchan variantlari bilan) belgilaydi. Uzluksiz usul mashg‘ulot ishining bir marotabalik uzluksiz bajarilishi bilan tavsiflanadi.

Oraliqli usulmng qo‘llanishi mashqlarning olchamli dam olish tanaffuslari bilan bajarilishini ko‘zda tutadi. Har ikkala usulda ham mashqlar bir maromda yoki o‘zgaruvchan rejimda bajarilishi mumkin. Mashqlarning tanlanishi va ularni qollash xususiyatlariga qarab mashg‘ulot umumlashtirilgan (oraliqli) yoki tanlangan (ustuvor) yo‘nalishga ega bo‘lishi mumkin. Umumlashtirilgan ta’sirda sportchining tayyorlanganligi darajasini belgilovchi turli sifatlarning parallel tarzda (majmuali) takomillashtirilishi amalga oshirilsa, tanlangan turda alohida jismoniy sifatlar ustuvor tarzda rivojlanib boradi. Bir maromdagagi rejimda ish shiddati doimiy, o‘zgaruvchan rejimda esa turli variantlarda bo‘ladi.

Boshqa mustaqil usullarni qo‘llash sifatida o‘yin va musobaqa usullarini aytib o‘tish zarur. O‘yin usuli harakat faoliyatlarini o‘yin sharoitida, unga xos bo‘lgan qoidalar, texnik-taktik usullar hamda vaziyatlar doirasida bajarishni nazarda tutadi. Uning qo‘llanishi mashg‘ulotlarning ruhiy ko‘tarinkilagini ta’minlab, doimo o‘zgarib turadigan vaziyatlarda xilma-xil vazifalarning bajarilishi bilan bog‘liq. O‘yin faoliyatining bu xususiyatlari shug‘ullanuvchilardan tashabbuskorlik, qo‘rmaslik, qat’iyat va mustaqillik, o‘z hissiyotlarini jilovlay bilish, yuksak koordinatsion qobiliyatami namoyon qilish, fikrlash va reaksiya tezkorligi, o‘ziga xos va raqiblar uchun kutilmagan texnik-taktik yechimlami qo‘llashni talab qiladi. Bularning bari Basketbolchi tayyorgarligining xilma-xil tomonlarini takomillashtirishda o‘yin usulining samaradorligini ta’minalaydi.

Musobaqalashuv usuli sportchining tayyorlanganligi darajasini aniqlashga yo‘naltirilgan va mashg‘ulot jarayoni samaradorligini oshirishning yo‘li sifatida maydonga chiqadigan maxsus tashkil etilgan faoliyatni ko‘zda tutadi. Bu usul rasmiy musobaqalarga xos sharoitlarga nisbatan yengilroq yoki murakkablashtirilgan sharoitlarda amalga oshirilishi mumkin.

Musobaqalashuv usulini qollaganda sportchining malakasini uning texnik, taktik, jismoniy, nazariy, integral va, ayniqsa, psixologik tayyorgarligi darajasini inobatga olish kerak. Musobaqalashuv usulidan shug‘ullanuvchilar organizmiga ta’sir ko‘rsatishning eng unumli usullaridan biri sifatida malakali, yaxshi tayyorlangan sportchilar bilan ishlashda foydalaniladi.

### **Nazorat savollari:**

1. Basketbolda sport mashg‘ulotlarining maqsad va vazifalari nimalardan iborat?
2. Basketbol mashg‘ulotlarida pedagogik tamoyillarni ta’riflab bering.
3. Жисмоний тайыншылар түрлөрдө нималар киради?
4. Жисмоний тайыншылардың сикли нечаhaftadan ташкил топади?
5. Жисмоний тайыншыларда mashg‘ulotlarida jismoniy tayyorgarlikning ahamiyati qanday?
6. Жисмоний тайыншыларда texnik-taktik tayyorgarlik turlarini keltiring.
7. Жисмоний тайыншыларда funksional va psixologik tayyorgarlikning ahamiyati.
8. Sport mashg‘ulotlarining vositalari nimalardan iborat?
9. Sport mashg‘ulotlarining usullari nima va qanday ahamiyatga ega?
10. Sport mashg‘ulotlarining vosita va usullarini qo‘llashda nimalarni e’tiborga olish zarur?
11. Tayyorgarlik turlarini sanab bering.
12. Tayyorgarlik davrining maqsadi nimalardan iborat?
13. Integral tayyorgarlik deganda nimani tushunasiz?

## **Мустақил ишлаш учун саволлар**

1. Баскетбол уйин тарихи.
2. Баскетбол уйинининг собик итифокда ривожланиши.
3. Узбекистонда баскетболнинг ривожланиши.
4. Баскетбол уйин техникаси.
5. Баскетбол уйин тактикаси.
6. Баскетболчиларнинг тезкорлигини ошириш омиллари.
7. Баскетболчилар чакконлигини ошириш омиллари.
8. Баскетбол майдони хажмлари ва уйин коидалари.
9. Баскетбол уйин очколар хисоби, котиб хакамнинг вазифаси
10. Волейбол уйин тарихи.
11. Волейбол уйинининг собик итифокда ривожланиши.
12. Узбекистонда Волейболнинг ривожланиши.
13. Волейбол уйин техникаси.
14. Волейбол уйин тактикаси.
15. Волейболчиларнинг тезкорлигини ошириш омиллари.
16. Волейболчилар чакконлигини ошириш омиллари.
17. Волейбол майдони хажмлари ва уйин коидалари.
18. Волейбол уйин очколар хисоби, котиб хакамнинг вазифаси.
19. Волейбол мусобакасида айланма системасининг ахамияти.
20. Олимпия тизимида мусобака утказиш тартиби.
21. Волейбол уйинида хакамлар ва уларнинг вазифалари.
22. Волейбол уйинининг низом ива унинг ахамияти.
23. Волейбол уйинининг ривожланиши.
24. Узбекистонда Волейбол уйинини ривожланиши.

## **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Айрапетянс Л.Р. Волейбол назарияси ва услубияти Дарслик Тошкент ЎзДЖТИ 2012 й
2. Расулов О.Т. Баскетбол Дарслик Тошкент 1998 й
3. Хўжаев Ф, Нигманов Б.Б Рахимқулов К.Д, “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси” (Спорт ўйинлар) Ўқув қўлланма Тошкент 2008 йил
4. Павлов Ш ва бошқалар Гандбол Дарслик Тошкент 2005 й
5. Акромов Р нинг таҳрири остида Футбол Дарслик Тошкент 2006 й

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Раҳимқулов К.Д., Усмонхўжаев Т.С. «Жисмоний тарбиядан болалар ва ўсмиirlар учун 1000 машқ ҳамда ҳаракатли ўйинлар. 2001 й.
2. Усмонхўжаев Т.С., Хўжаев Ф.“1001” ўйин. Т.: 1990 й
3. Раҳимқулов К.Д. «Кичик ёшдаги болаларнинг қадди қоматини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар» 2001 й

4. Ҳарко Броун. Традитионал Маори Гамес. - Сопйригҳт © 2006 еар.
5. Ҳўжаев Ф, Рахимқулов К.Д, Нигманов Б.Б “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва ўқитиш методикаси” (ҳаракатли ўйинлар) Ўқув қўлланма. Тошкент 2008 йил.
6. Адам Гоодес. Юлунга: Традитионал Индигеноус Гамес. - Сидней 2009 еар.
7. Астиве счоолс. Кори ки те Кура. Гамес спорт Нew Зеаланд 2012 еар.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.tdpn.uz](http://www.tdpn.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.zi-yet.uz](http://www.zi-yet.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.sport.uz](http://www.sport.uz)

## **2-МАВЗУ БАСКЕТБОЛ ВА ВОЛЕЙБОЛ ЎЙИН ТЕХНИКАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Режа:**

1. Баскетбол ўйин техникаси асослари.
2. Ўйин техникаси таснифи.
3. Хужум ва химоя техникаси.
4. Волейбол ўйин техникаси таснифи.
5. Туришлар, силжишлар, химоя тўсиқлари.

Таянч иборалар: баскетбол, волейбол, тўп, ўйин, майдон, қоидалар, техника, тактика, хужум, химоя, жисмоний сифатлар, жисмоний ривожланиш, ишchanлик қобиляти, ўйинчилар, ривожланиш

### **БАСКЕТБОЛ ЎЙИН ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ**

Ўйин техникаси – бу мусобақанинг аниқ вазифаларини муваффақиятлироқ ҳал қилишга имконият берадиган усуллар йифиндисидир. «Техника усули» термини остида, деярли бир хил ўйин топшириғини бажаришга йўналтирилган ва тузилиши бўйича ўхшаш бўлган ҳаракатлар системаси тушунилади. У ёки бу усул қўлланиладиган шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги ҳар бир усулни бажариш услубларининг шаклланиши ва такомиллашишига қизиқишини кучайтиради.

Баскетблчи яҳши натижага эришмоқчи бўлса, у кўп техник усулларни эгаллаган бўлиши, аниқ шароитга мувофиқ келадиган усулни тез танлай билиши ҳамда уларни аниқ бажара олиши лозим.

Шундай қилиб, ривожланишнинг ҳар бир даврдаги спортчи техникаси – бу ўйинчига қоидалар доирасидан чиқмай, курашнинг оғир вазиятларида муваффақиятли ҳаракат қилишга имкон берадиган энг самарали, амалда

синалган воситадир. Бир лаҳзада вужудга келадиган ўйин ҳолатларини энг яхши натижаларга эришиш учун, баскетболчи ҳар хил техник малакалар ва усулларнинг ҳаммасини эгаллаши, энг тўғри келадиган усулни ёки усулларни танлай олиши, уларни тез ва аниқ бажариши керак.


Баскетбол ўйини техникасини бир тартибда ўрганиш учун таснифдан фойдаланилади.

## **БАСКЕТБОЛ ЎЙИН ТЕХНИКАСИННИГ ТАСНИФИ**

Ўйин техникасини таснифлаш – бу маълум белгилар асосида унинг ҳамма усул, малакаларини бўлимлар ва гуруҳлар бўйича тенг ҳуқуқни тақсимлашидир. Шундай белгилар қаторига энг аввало спорт курашидаги малаканинг нимага мўлжалланганлиги белгиланиши (саватга ҳужум қилиш ёки ҳимоя қилиш учун), ҳаракат қандай бажарилиши (тўп билан ёки тўпсиз), шунингдек, унинг кинематик ва динамик тузилиши хусусиятлари киради.

Баскетбол техникасини иккита катта бўлимга: ҳужум техникаси ва ҳимоя техникасига бўлинади. Ҳар бир бўлимда иккитадан гуруҳ: ҳужум техникасида – майдонда тўпсиз ҳаракат қилиш техникаси ва тўп билан бажариладиган ҳаракатлар техникаси, ҳимоя техникасида эса – майдонда ҳаракат қилиш техникаси ва тўпни эгаллаш ва қарши ҳаракат қилиш техникасида ажралиб чиқади. Ҳар бир гуруҳ ичидаги малака ва уларни бажариш усуллари бор. Малакани бажаришнинг деярли ҳар бир усули ҳаракат тузилишининг айрим деталларини (кўрсаткичларини) очиб берадиган бир неча кўринишга эга. Бундан ташқари, усулнинг динамик структурасига, ўйинчининг ҳаракатини, дастлабки ҳолатини, йўналиши ва масофасини аниқлайдиган бажариш шартлари таъсир кўрсатади. Тавсия қилинаётган таснифда финтларга мустақил жой ажратилмайди, чунки финт – бу аниқ усулнинг фақат бир қисмини (масалан, тўпни узатиб беришда қўл кўтариш), (саватга отиш пайтида мўлжаллаш), рақибда хато реаксия туғдириш мақсади (нияти) билан ўйинчи қулай ҳолатга эришишдир.

Ўйин техникаси таснифининг принципиал чизмаси қуйидаги кўринишда берилиши мумкин:



### Баскетбол **Хужум техникаси**

**Майдонда ҳаракат қилиш техникаси.** Баскетболнинг майдон бўйлаб ҳаракат қилишлар, хужум қилиш вазифаларини бажаришга йўналтирилган ва конкрет ўйин ҳаракатларини амалга ошириш давомида юзага келган бутун ҳаракатлар тизимининг бир қисми ҳисобланади. Улар баскетбол техникаси асосларидир.

Ўйинчи майдон бўйлаб ҳаракат қилиш учун юриш, югуриш, сакраш, тўхталиш, бурилишлардан фойдаланади. Шу усуллар ёрдамида у жойни тўғри танлаб олиши, уни таъқиб қилаётган рақибдан узоқлашишга (қочишга) ва кейинги хужум учун керакли йўналишга чиқиши, бошқа усулларни бажариш учун энг яхши, қулай дастлабки ҳолатларни эгаллашга эришиши мумкин. Бундан ташқари тўп билан ажратиладиган кўпгина техник малакаларнинг ҳаракатда ва сакраб тўп отиш ва ҳаракатларнинг самарадорлиги ҳаракат пайтида оёқнинг тўғри ишлашига ва мувозанатни сақлашга боғлиқ.

**Юриш.** Юриш ўйинда майдонда ҳаракат қилишнинг бошқа усулларига нисбатан камроқ қўлланилади. Асосан ундан қисқа фазаларда позитсияни алмаштириш учун ёки ўйин ҳаракатларининг муддати сусайганда, шунингдек, югуриш билан қўшилишидаги ҳаракат темпини алмаштириш учун фойдаланилади. Одатдаги юришдан фарқли ўлароқ, баскетболчи тиззада бир оз букилган оёқлари билан бир жойдан иккинчи жойга ўтади, бу унга қўққисдан тезланиш учун имкон беради.

**Югуриш.** Югуриш ўйинда ҳаракат қилишнинг бош воситаси ҳисобланади. У енгил атлетикадаги югуришдан анча фарқ қиласди. Ўйинчи исталган йўналишда, олдинга ёки орқаси билан, ҳар хил стартга оуд ҳолатлардан майдон ичида тезлаша олиши, югуриш тезлиги ва йўналишини тез ўзгартира олиши керак.

Рақиб учун кутилмаган ҳолда югуриш тезлигини ошириш ёки стартли тезланиш спорт ўйинларида кескин югуриш дейилади. Кескин югуриш рақиб таъқибидан кутилиш ва бўш жойга чиқишнинг энг яхши воситасидир. Кескин югуришни амалга ошириш учун биринчи 4-5 қадамни шиддатли қилиб, оёқни уни томондан қўйилади. Югуриш тезлиги қадамни узайтириш туфайли оша боради. Шу пайтда ўйинчи тўпни олишга тайёр бўлиши керак.

Югуриш йўналишини ўзгартиришни ўйинчи, ҳаракат йўналишига қарама-қарши томонга, олдинга чиқариб қўйилган оёқнинг кучли итариши билан амалга оширади гавдасини янгидан танлаган йўналиши томонга эгади.

**Сакрашлар.** Сакрашлардан худди мустақил малакалардан фойдаланилишади. Улар техниканинг бошқа усулларининг элементлари ҳам ҳисобланади. Ўйинчилар кўпроқ юқорига ва узунликка-юқорига сакрашлардан ёки қайта-қайта сакрашлардан фойдаланишади. Сакрашни бажаришнинг икки усулини яни икки оёқ билан депсиниб ва бир оёқ билан депсинишни қўллашади.

**Икки оёқлаб депсиниш билан сакрашни** кўпроқ жойдан туриб асосий ҳолатдан бажаришади. Ўйинчи тезда оёқларни букади, қўлларни тирсакда бир оз букиб, орқага ўгиради ва бошни сал қўтаради. Депсиниш оёқларни кучли букиш билан, гавданинг ва қўлларнинг олдинга-юқорига кескин ҳаракати билан амалга оширилади. Югуриб келиб икки оёқлаб депсиниб сакрашни одатда, саватга тўп отиш пайтида ва шчитдан сапчиб қайтган тўп учун кураш пайтида қўллашади.

**Бир оёқ билан депсиниб сакрашни** югуриб келиб бажаришади. Депсинишни шундай бажаришадики, югуриб келишнинг инерсия кучларидан тўла фойдаланилади. Депсинишдан олдин югуришнинг охирги қадамини олдингиларидан анча катта қўйишади. Тизза буғимларида бир оз букилган депсинувчи оёқни олдинга чиқаришида ва депсиниш учун товондан оёқ учига дадил қўйишади. Бошқа оёғи билан олдинга – юқорига тез силтаб, тана оғирлигининг умумий маркази таянч устидан ўтиш пайтида эса уни тос суюги билан сон суюги қўшилган жойда ва тизза буғимларида букишади. Баскетболчи танаси юқори нуқтага етгандаги кўтарилишдан кейин оёғини тўғрилайди ва депсинувчи оёғи ёнига келтиради. Исталган усулда сакраганда ерга тушиш

мувозанатини сақлаган ҳолда, юмшоқ тушиш лозим, бунга оҳиста керилган оёқларнинг юмшатувчи букиш орқали эришилади. Ерга бундай тушиш баскетболчига ўйин ҳаракатларини бажаришга тезда киришиш учун имкон яратади.

**Тўхташлар.** Вазиятга қараб ўйинчи, кескин югуришлар ва югуриш йўналишини ўзгатиришлар билан бир қаторда рақиб таъқибидан бир оз бўлса ҳам қутилишга, бўш жойга чиқишга ва кейинги ҳужум ҳаракатлари учун имкониятга эга бўлиш мақсадида кутилмаган (қўққисдан) тўхташлардан фойдаланади.

Тўхталиш икки услубда сакраб ва икки қадам билан амалга оширилади.

**Бурилишлар.** Ҳужумчи ҳимоячидан қутилиш учун, тўпни уриб чиқаришидан сақлаш учун финтларини ишлатиб, сўнг саватга ҳужум қилиш учун бурилишлардан фойдаланади. Бурилишнинг иккита олдинга ва орқага бурилиш усули бор.

Олдинга бурилиш баскетболчи юзи билан қаёққа қараган бўлса, шу томонга қадам ташлаб ўтиш йўли билан бажарилади, орқага бурилиш эса – у орқаси билан қайси томонга қадам ташлаб ўтиш йўли билан бажарилади.

**Тўп билан бажариладиган усуллар (техникаси).** Тўп билан бажариладиган усуллар қўйидаги техник малакаларни: тўпни илиб олиш, узатиш, уруб юриш ва тўпни саватга отишни ўз ичига олади.

**Тўпни илиб олиш** – бу малаканинг ўйинчи ишонарли равища тўпни эгаллаб олиш ва у билан кейинги ҳужум ҳаракатларига киришиши мумкин.


Тўпни илиб олиш, кейинчалик тўпни ошириб бериш, олиб юриш ёки отишни бажариш учун ҳам дастлабки ҳолат ҳисобланади, шунинг учун ҳаракатлар ўз тузилишси билан кейинги усулларни аниқ ва қулай бажарилишини таъминлаши лозим. Ўйинчи тўпни хали илмай туриб, уни кейин қаёққа ва кимга узатишни билиши керак.

**Тўпни икки қўл билан илиб олиш.** Тўпни икки қўл билан илиб олиш, тўпни эгаллашнинг энг оддий ва шу билан бирга ишончли усули ҳисобланади.

Тайёрлов қисми: агар тўп ўйинчига кўқрак ёки бош баландлигига яқинлашаётган бўлса, унда қўлларни тўпга қарши чиқариш, бўш бармоқлар ва панжа билан тўпни тутиш, тўп ҳажмига нисбатан каттароқ воронкани ҳосил этиш керак.


Асосий қисми: тўп бармоқларга тегиш вақтида унга панжаларни яқинлаштириб, бармоқлар билан ушлаш керак (кафт билан эмас), қўлларни эса кўкракка тортиб, тирсак бўғинларида букиш керак. Қўлларни букиш учиб келаётган тўпнинг уриш кучини пасайтирадиган амортизатсиён ҳаракат ҳисобланади.

Якунловчи қисм: тўпни қабул қилгандан кейин гавдани яна озгина олдинга ташланади: ёйилган тирсаклар билан рақибдан сақланаётган тўпни кейинги ҳаракатларга тайёрлаш ҳолатига олиб чиқилади. Агар тўп кўқрак баландлигидан анча паст учиб келса, унда ўйинчи тўпнинг учиш баландлигига пасайтириб, одатдагидан кўра пастроқ ўтиради (1-расм).




**1-расм.** Пастлашиб келаётган түпни илиш.

**Бошдан баланд учиб келаётган түпни тутиб олиш** учун сакраш ва ёйилган панжалар билан құлларни кескин юқорига чиқариш керак (катта бармоқлар эркін ёйилған). Түп бармоқларга теккан пайитда, панжаларни яқынлаشتыради, ичига букиб улар билан түпни маңқам ушлашади, құлларни эса тирсак бўғимларига букиб, түпни пасайтиришади ва гавдага тортишади (2-расм). Паст учиб келаётган түпни тутиш пайтида құлларни пасайтиришади, панжа ва бармоқлар эса худди ёйилған косани ташкил қилишади (икки қўл жимжилоги ўртасидаги оралиқ бир неча сантиметрдан ошмаслиги керак).



**2-расм.** Юқори траектория билан узатилған түпни сакраб илиш: а – дастлабки ҳолат; б – сакраган ҳолат; в – түпни илиб олиш ҳолати; г – сўнгти ҳолат.




**3-расм.** Майдондан сапчиған түпни илиш.

**Майдондан сапчиётган түп учун кураш, түпни илиб олиш учун, қулай баландликка сакрашни кутмаслик керак.** Унга қараб ҳаракат қилиш, уни

сакрашнинг бошланғич пайтида тутиш керак. Ўйинчи тўпга томон энгашади, тезда гавдани олдига эгади, қўлларни олдинга-пастга туширади, ташки томондан панжаларни тўпга олиб келади, лекин тепадан эмас. Тўпни ушлаб олгач, у дарҳол тўғриланади ва уни ўзига тортади (3-расм).

**Тўпни ҳаракатда илиш**, ўзига узатиш ёки саватга отиш мақсадида, шундай номланувчи, икки қадамли техникани қўллашади. Агар ўйинчи тўпни тутгандан кейин югираётган оширишни ёки отишни дарҳол амалга ошироқчи бўлса, айтилган бир қўл билан, у чап оёғи билан туртки бажарилган ва ўнг оёғи олдинга чиқарилган пайтда, тўпни енгил сакраб, уни илиб олиши керак. Сўнг ўнг оёқ билан туртиш (биринчи қадам), чап оёқ билан туртиш (иккинчи қадам) ва сакраш давомида тўпни ўнг қўл билан ошириши ёки отиши керак. Агар ўйинчи ҳаракатда илиб олгандан кейин дарров чап оёғини ўқ чизифида қолдириш учун иккала оёғи билан тўхтамоқчи бўлса, у ҳолда ўйинчи ўнг оёғи билан туртки бериш бажарилган ва чап оёғи олдинга чиқсан пайтда тўпни илиб олишга ҳаракат қилиши керак. Сўнг биринчи секинлаштирувчи чап оёқ билан, иккинчи тўхтатувчи қадам ўнг оёқ билан ва ўнг оёқда бурилишларни бажариш имкониятини берадиган қилиб тўхташ керак (4-расм).



**4-расм.** Думалаб келаётган тўпни ҳаракатда илиш.

**Тўпни бир қўл билан илиш:** учиб келаётган тўпга етиб бориш ва уни икки қўл билан илишга шароит, йўл қўймаган ҳолда уни бир қўл билан илиш керак.

Тайёрлов қисми: ўйинчи қўлни шундай қилиб чиқарадики, тўпнинг учиш йўини кесиб ўтсин (панжа ва бармоқлар бўш).

Асосий қисм: тўп бармоқларга тегиши билан қўлни орқага-пастга олиб бориши керак, худди шу ҳаракат билан тўпни учиши давом эттирилаётгандек (амортизатсиён ҳаракат). Бу ҳаракатга гавданинг илиб олувчи қўл томон бир оз бурилиши ёрдам беради.

Яқунловчи қисм: тўпни бир қўл билан ушлаб, сўнг қўл билан маҳкам ушлаши, сўнг эса тезда ҳаракат қилишга тайёр бўлиши керак. Баланд учиб келаётган тўпни уни қўлидан уриб чиқариб юбормаслиги учун тирсакларни кериб (бироз ёйиб) мувозанат ҳолатига келади.

### Тўпни узатиш

**Узатиш** – бу учиш ёрдамида ҳужумни давом эттириш учун ўйинчи тўпни шеригига йўналтирилган малакадир.

Тўпни тўғри ва аниқ узатишни билиш – ўйинда баскетболчиларнинг биргаликдаги аниқ, мақсадга йўналтирилган харakterларининг асосидир. Тўпнинг ҳар хил услублари бор. Уларни у ёки бу ўйин ҳолати, тўпни узатиш лозим бўлган оралиқ, шеригининг жойлашиши ёки ҳаракат йўналиши рақибларининг қарши ҳаракат услубларини ва харakterига қараб қўлланилади.

Перефериқ қўриш, қўл ҳаракатларининг тезлиги, тадбиркорлик, аниқ ва тактик фикрлаш – тўпни хатосиз узата оладиган баскетболчиларни характерловчи сифатлардир.

Узатишнинг услубларини бажариш тезлиги ва аниқлиги маълум даражада панжа ва бармоқларининг усулни асосий қисмида жуда тез ишлашига боғлиқ. Тўпни узатишда асосан панжа ва бармоқлар билан ҳаракат қилиш керак, ўшанда узатиш йўналишини аниқлаш рақибга қийин бўлади. Тўпни қабул қилаётган шерикни қўриш керак, лекин унга қараб турмаслик лозим. Узатиш пайтида мувозанат ҳолатини сақлаш лозим, бўлмаса узатишга мўлжалланган йўналиш рақиб томондан тўсиб йў тўп олиб қўйилиши мумкин, ўйинчи эса беихтиёр хато “югуриш” қилиб қўяди (учинчи қадам қўяди ёки жойидан силжийди).


**Тўпни кўкракдан икки қўл билан узатиш** – нисбатан оддий ўйин пайтида, рақибнинг таъқиби бўшроқ бўлганда, тўпни яқин ва ўрта масофадаги шеригига аниқ ва тез йўналтиришга имкон берувчи асосий усулдир (5-расм).

Тайёрлов қисми – бармоқлари ёйилган панжа бел баландлиги тўпни эркин ушлаб туради. Тирсаклар бир оз букилган. Қўлларнинг айлана ҳаракати билан тўпни кўкрагига тортади.

Асосий қисм – тўп қўлларни охиригача тез тоғрилаш билан олдинга юборилади, орқага айланиш ҳаракатини берувчи панжалар ҳаракати билан тўлдиради.

Яқунловчи қисм: тўпни узатгандан кейин қўлларни бўш туширилади, ўйинчи тўғриланади, сўнг эса бир оз оёқларни букилган ҳолатга қайтади (шундай яқунловчи қисм узатишнинг бошқа усулларига ҳам хос). Агар рақиб тўпни кўкрак баландлигига узатишга ҳалақит берса, унда тўпни шундай юбориш мумкинки, у шериги яқинидаги майдонга урилиб, тўғри унга сапчиши мумкин. Тўпнинг тез сапчиши учун унга баъзан олдига айланма ҳаракат беришади.

Бундай узатиш пайтида оёқларни кўпроқ букиш, қўлларни эса тўп билан олдинга-пастга йўналтириш лозим.



**5-расм.** Кўкракдан икки қўллаб тўп узатиш.


**Юқоридан икки қўллаб узатишдан** кўпроқ рақиб зич ҳимоя қилаётган пайтида ўртача масофаларда фойдаланилади (6-расм).

Тўпнинг бош устидаги ҳолати унинг ўйинчи ўз шеригига ҳимоячи қўлларни устидан аниқ узатишга имконият беради.

Тайёрлов қисми: ўйинчи тўпни бир оз букилган қўллари билан бош устига кўтаради ва уни бош орқасига ўтказади.

Асосий қисм: ўйинчи кескин қўл ҳаракатлари билан, уларни тирсак бўғинларида ростлаб ва панжалари билан тез силташ ҳаракат қилиб, тўпни шеригига йўналтиради.

**Елкадан бир қўллаб узатиш** тўпни яқин ва ўрта масофага узатишда қўлланиладиган усулдир. Бунда узатиш учун энг оз вақт кетади ва тўпни яхши назорат қилинади. Тўпнинг учеб чиқиши вақтидаги панжаларнинг қўшимча ҳаракати ўйинчига йўналиш ва катта диапазонда тўпнинг учиш траекториясини ўзгартиришга имкон беради (7-расм).




**6-расм.** Юқоридан икки қўллаб тўп узатиш.

Тайёрлов қисми: қўлни тўп билан ўнг йелкага олиб боришиди (ўнг қўл билан узатишда тўп ўнг қўл панжасида туради ва ушлаш учун чап қўл билан йўрдам берилади, тирсак кўтарилимаслиги керак; шу билан бир вақтда ўйинчи ўнг томонга бурилади).

Асосий қисм: тўп ўнг қўлда, уни тез ростлашади ва шу заҳоти панжа билан силташ ҳаракатлари ва гавда бурилишини бажарилади.

Якунловчи қисм: тўп учиб чикқандан кейин ўнг қўлда уни бирон (лаҳза) кузатиб қўяди, сўнгра пастга туширишади. Ўйинчи бир оз букилган оёқларда мувозанат ҳолатига қайтади.




**7-расм.** Елкадан бир қўллаб узатиш.

**Юқоридан бир қўллаб “крюкъ” усули билан узатиш** қаттиқ таъқиб қилинаётган рақибнинг кўтарилиган қўллари устидан тўпни ўрта ва айниқса узоқ масофага юбориш керак бўлган вақтда қўлланилади (8-расм).

Тайёрлов қисми: ўйинчи ёни билан узатиб бериш йўналишига томон бурилади, қўлидаги тўпни орқа-ён томонга ўтказади – тўп кафтда ётади ва бармоқлар билан ушлаб турилади. Ўйинчи анча олдинга чиқарган бошқа қўли билан уни таъқиб қилаётган рақибдан узоқлашади.

Асосий қисми: кафтда ётган тўпни кескин бош устига ошириб, панжаларини ёйиб шеригига йўналтириш.



**8-расм.** Юқоридан бир қўллаб (“крюкъ” усули билан) узатиш.

**Пастдан бир қўллаб узатиш:** яқин ва ўртача масофаларга, рақиб тўпни юқорига тутиб олишга зўр бериб ҳаракат қилган пайтда бажарилади. Тўпни шеригига рақибнинг қўл остидан йўналтиришади (9-расм).

Тайёрлов қисми: тўғри ёки бир оз букилган қўлни тўп билан орқага ўтказилади, тўп кафтда ётади, бармоқлар билан ва марказдан қочирадиган куч туфайли ушлаб турилади.

Асосий қисм: қўлни тўп билан сонни ёнидан олдинга-юқорига чиқарилади. Тўпнинг учиб чиқиши учун панжа ёйилади ва бармоқлар уни итариб юборади.

Тайёрлов қисм: қўлни тўп билан ўнг йелкага олиб борилади, ўнг қўл билан узатишда тўп ўнг қўл панжасида туради ва ушлаш учун чап қўл билан ёрдам борилади, тирсак қўтарилимаслиги керак; шу билан бир вақтда ўйинчи ўнг томонга бурилади.



**9-расм.** Пастдан бир қўллаб тўп узатиш.

### Тўпни уриб юриш


**Тўпни уриб юриш** – ўйинчига тўп билан майдон бўйлаб ҳоҳлаган тезликда ва исталган йўналишда ҳаракат қилишга имкон берувчи усулдир.

Тўпни уриб юриш таъқиб қилаётган рақибдан қочишга, тўп учун мувафаққиятли курашдан сўнг тўп билан шчит остидан чиқишга ва тез жадал қарши хужумни ташкил этишга; шерикка тўсиқ қўйишга ёки ниҳоят, сўнг шеригига тўсиқ қўйишга ёки тўпни узатиш ва уни тўсаётган рақибини бироз chalfitishga имкон беради.


Бошқа барча ҳолатларда қарши хужум тезлигини пасайтурмаслик учун ва ўйин жараёнини бузмаслик учун тўпни уриб юришдан бекордан-бекорга фойдаланмаслик керак. Олиб юриш тўпни бир қўл билан енгил кетма-кет пастга олдинга уриш билан амалга оширилади (ёки галма-гал ўнг ва чап қўл билан), оёқлардан бироз чапга ва олдинга йўналтирилади. Асосий ҳаракатларни тирсак ва билак бўғинлари бажаради. Мувозанат ҳолатини сақлаш ва ҳаракат йўналишини тез ўзгартириш учун оёқларни букиш керак.

Баскетболчи тўпни уриб юришни ўнг ва чап қўл билан яхши бир хил равища ўрганиши шарт (10,11,12,13-расмлар).


**Тезликни ўзгартириш билан алдаб ўтиш.** Ҳимоячидан қутилиш учун тўп олиб юришни тезлигининг кутилмаган ўзгаришидан фойдаланилади. Тўпни уриб юриш тезлиги аввало тўпни қай бурчак остида майдонга юборилаётганлиги ва сакраш баландлигига боғлиқ. Тўп билан олдинга ҳаракат қилиш тезлиги аввало тўпни сакраш баландлигига ва унинг сапчиш бурчагига боғлиқ. Тиккага яқин ва паст сакрашда буорилса юриш секинлашади ва бутунлай жойида бажарилиши мумкин.



**10-расм.** Түпни паст олиб юриш.



**11-расм.** Түпни түғри чизик бўйлаб олиб юриш.



**12-расм.** Түпни орқадан ўтказиб, йўналишни ўзгартириб олиб юриш.



**13-расм.** Тўпга қарамасдан ерга уриб юриш.

**Йўналишни ўзгартириш билан алдаб ўтиш.** Асосан бу ҳаракатдан рақибни алдаб ўтиш ва хужум учун ҳалқа томон ўтиш учун фойдаланилади. Йўналишни қуйидагича қилиб ўзгартиришади: тўпнинг ён сиртини ҳоҳлаган нуқталарига панжа қўйилади ва керакли йўналишга қўлни тўғриланади. Шунингдек, сапчиш баландлигини ўзгартириб, бурилишлар ва тўпни у ёқдан бу ёққа ўтказиб ҳам алдаб ўтиш мумкин. Шунингдек, тўпни бир қўлдан бошқасига


ўтқазиш билан яширинча, орқадан ёки тўпни оёқ остидан ўтқазиш билан ҳам рақибни алдаб ўттиш усулидан кенг фойдаланилади.

### Саватга тўп отишлар


Тўп отишни бажаришга тайёрланиш жамоа ҳужумидаги асосий мазмунни ташкил этади, ҳалқага тушириш эса – унинг бош мақсадидир. Беллашувда муваффақиятли қатнашиш учун ҳар бир баскетболчи фақатгина узатиш, тутиб олиш ва тўпни олиб юришни қўллашни билиши эмас, балки ҳар хил ҳолатлардан, рақиб қаршилигига қарамай исталган масофадан тўп отишни бажариши, ҳалқага аник ҳужум қилиши керак. Ўйинчининг ўзгараётган вазиятни ва ҳужум учун ҳар бир қулай вақтдан фойдаланишга ҳаракат қилиш, ўйинчининг шахсий истеъдоди ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, отишнинг усулларини ҳар хил қўринишдаги арсеналини эгаллаш кераклиги аниқлайди. Саватга отишнинг аниқлиги биринчи навбатда оқилона техника, ҳаракатлар турғунлиги ва уларни бошқариш, мускулларнинг кучланиши ва бўшашибурилиши тўғри алмашиши, қўл панжаларининг кучи ва ҳаракатчанлиги, уларнинг якунловчи кучланиши билан шунингфек, тўпнинг оптимал учиш траекторияси ва айланиши билан аниқланади.

**Кўкракдан икки қўллаб тўпни отишдан** кўпроқ узоқ масофалардан саватга ҳужум қилиш учун фойдаланилади. Агар ҳимоячи фаол қаршилик қилётган бўлса, отишнинг усулини шуғулланувчилар тезроқ ўзлаштиради, модомики унунг тузилиши тўпни ўша усул билан узатишнинг тузилишига яқин.

**Юқоридан икки қўллаб тўп отишни** рақибнинг таъкиби кучли бўлганда ўртача масофалардан бажариш мақсадга мувофиқ (14-расм).



**14-расм.** Юқоридан икки қўллаб тўп отиш.



**15-расм.** Бир жойда туриб елкадан бир қўллаб тўп ташлаш.

**Елкадан бир қўллаб тўп отиш** ўрта ва узоқ масофадан жойда туриб саватга ҳужум қилишнинг кенг тарқалган усулидир. Кўп спортчилар бундан шунингдек, жарима отишда ҳам фойдаланишади (15-расм).

**Юқоридан бир қўллаб тўп отиш** бошқа усулларга нисбатан кўпроқ ҳаракатда яқин масофалардан ва бевосита шчит тагидан саватга хужум қилиш учун фойдаланилади (16-расм).

Тайёрлов қисми: тўпни ўнг оёқ кўтарилиганда тутилади (ўнг қўллаб ташлаш пайтида). Тўпни тутилган томондаги қадам каттароқ (узунроқ) ташланади. Кейинги қадам қисқартирилган, тўхтатадиган бўлиши керак ўйинчи тезроқ ва кучлироқ депсиниши ва юқорига деярли тикка кўтарилиши керак. Майдондан депсинилган пайтда тўпни елка устига чиқарилади ва ўнг қўлнинг бурилган панжасига кўйилади.

Асосий қисм: сакрашнинг юқори нуқтасида тўпнинг ҳалқага иложи борича яқинлашиш учун қўл тўғриланган, тўп бармоқ панжасининг юмшоқ ҳаракати билан итариб чиқарилади, унга қарама-қарши (тескари) айланиш берилади.

Яқунловчи қисм: ўйинчи ҳалқага яқин жойда букилган оёқлар билан ерга тушади, мувозанат ҳолатини қабул қиласиди ва тўп тушмаган ҳолда сапчиш учун курашга тайёрланади.




**16-расм.** Юқоридан бир қўллаб (“крюк” усули билан отиш).

**Сакраганда юқоридан бир қўллаб тўп отиш** (сакраганда тўп отиш) замонавий баскетболдаги хужумнинг асосий воситасидир. Жаҳоннинг кучли эркаклар жамоалари мусобақаларида ўйиндаги ҳамма тўп отишларнинг 70 фоизгачаси ҳудди шу усул билан ҳар хил масофалардан бажарилади, бу отишнинг бир қанча қўринишлари бор. Уларни масофага қараб ва ҳимоячининг қарши ҳаракатининг хусусиятига қараб танланади. Намуна сифатида бу отишнинг ўрта масофадан отиш ҳолатини таҳлил қиласиз.

Тайёрлов қисми: ўйинчи тўпни ҳаракатда олади ва дарҳол ўнг оёқ билан тўхтатувчи қадам кўяди. Сўнг ўнг оёғи ёнига чап оёғини кўяди, тирсакларини букиб тўпни чап қўл билан юқоридан-ёнидан ушлаган ҳолда уни ўнг қўл билан бош устига олиб чиқади.

Асосий қисм: ўйинчи иккала оёғи билан депсиниб сакрайди, бунда гавда тўғри ҳалқа томонга бурилган, оёқлар бироз букилган. Сакрашнинг юқори нуқтасига етган пайтда ўйинчи ўнг қўлининг олдинга-юқорига тўғриланиши билан тўпни ҳамда бармоқ панжаларининг кучли, лекин майин ҳаракати билан йўналтиради. Тўпга тескари айланма ҳаракат берилади. Ўнг қўл панжасининг ҳаракати бошланган пайтда чап қўл тўпдан олинади (17-расм).



**17-расм.** Сакраганда бир қўллаб тўп отиш.

**Бир қўл билан «крюк» (айланма) усули билан тўп отишни кўпроқ марказий ўйинчилар баланд бўйли ҳимоячининг фаол қарши ҳаракати пайтида яқин ва ўрта масофа оралиқлардан хужум қилиш учун фойдаланилади.**

Тайёрлов қисми: ўйинчи чап оёқ билан рақибни қарши томонга қадам қўяди, чап оёғини енгил букиб, шчит томонга чап ёни билан бурилади. Тўп туширилгандан ўнг қўлнинг букилган панжасида ва юқоридан чап қўл билан йўрдамида ушлаб турилади, сават томонга бошни бурилади.

Асосий қисми: чап оёқ билан ердан итарилиб, ўйинчи юқорига сакрайди, шу билан бир вактда ўнг қўлни тўп билан гавдадан узоклаштиради ва ёйсимон ҳаракат билан юқорига кўтаради. Тўғри бурчак остида тирсак бўғимида букилган чап қўл тўпни ҳимоячидан тўсгандай бўлади, ўнг оёқнинг тиззасини юқорига тортиб олинади. Қўл бошга яқинлашаётганда энг юқори нуқтада тўпни чиқарилади. Уни бош устидан саватга йўналтиришади.

Кучли таъқиб ва страховка қилиш пайтида баъзи марказий ўйинчилар тўпни қўл билан тўлиқ ёйсимон ҳаракат қилишни афзал қўришмайди. Улар тўпни икки қўл билан ҳимоячидан бошқа томонга юқорига чиқаришади, сўнг бир қўл билан ёйсимон якунловчи қисмини ўтказишади, холос, яъни тўпни ярим «крюк» (айланма) қилиб ташлашади.

**Пастдан бир қўллаб тўп отиш** ҳаракатда ва сакраб пастдан икки қўллаб отиш каби ҳолатларда қўлланилади. Бундан ташқари, баъзи марказий ўйинчилар рақиб шчити яқинидаги кураш пайтида бурилиш ва чалғитувчи ҳаракатларни бирга кўшиб муваффақият билан бу отиш усулидан фойдаланишади (18-расм).

Тўпни саватга қайта отиш. Саватга отилган тўп унга тушмай шчитдан сапчиб ёки сават яқинидан ўтиб кетган ҳолларда ўйинчи сакраб тўпни ҳавода илиб олгандан кейин тўп билан ерга тушиб, нишонга олиб ташлаш учун вақт бўлмайди. Бундай ҳолларда икки қўллаб ёки бир қўл билан тўпни саватга яна ташлаш керак.

Тўпни бир қўл билан яна қўшимча отиш (ташлаш) пайтида баскетболчи тўпни юқорироқ нуқтада илиб олишга эришади. Сакраганда ва тўпни ёйилган панжага қабул қилиб, ўйинчи қўлни енгил букади ва шу билан бир вактда бармоқлар ва панжалар билан юмшоқ якунловчи ҳаракат қилиб, шу ернинг

ўзиди қўлни тўғрилайди. Ҳалқа тепасида тўпни қайта отиш пайтида панжага ҳаракатлари. Тўп ҳалқага жуда яқин бўлса, энг яхшиси уни панжада ушлаб қолмасдан, балки туртиб юбориш керак.



**18-расм.** Пастдан бир қўллаб тўп отиш.

### **Ҳимоя техникаси**

Ҳимоя – бор куч билан ғалаба қилишга ҳаракат қилаётган жамоанинг тиришлари, агар унинг ўйинчилари ҳимоя ҳаракатлари пайтида қўпол хатоларга йўл қўйса, бекор бўлиб қолади.

Ҳимоячига қараганда ҳужумчининг техник арсенали байроқ тажриба кўрсатадики, ҳимоя малакаларини тўғри ва диққат билан бажарилса, улар кўпроқ универсал ва самаралидир.

Ҳимоя техникаси иккита асосий гурухларга:

- майдонга ҳаракат қилиш техникаси;
- тўпни эгаллаш ва қарши ҳаракат қилиш техникасига бўлинади.


Майдонда ҳаракат қилиш техникаси

Ҳимоянинг майдонда ҳаракат қилиш техникаси усувларининг характер ва хусусиятлари, ўйинчининг фаол, мустақил мудофаа ҳаракатлари ва шериклари билан ўзаро ҳаракатларининг аниқ ҳолати ва мақсадига bogliqdir.

### **Волейбол ўйин техникаси таснифи**

**Волейбол ўйини техникаси:** Волейбол ўйинини олиб боришда қуйидаги асосий техник ҳаракатлар бажарилади. Туришлар, силжишлар, тўп узатиш, тўп ўтказиш, тўп қабул қилиш, ҳужум уришлари ҳамда ҳимоя тўсиқлари. Волейбол ўйини тезкор ҳужум ва ҳимояга асосланган.




**Туришлар:** Ўйинчининг тўп қабул қилиш, тўп узатиш, ҳужум уюштириш, ҳимоя тўсиғи қўйиш учун тайёргарлик ҳолатидир. Ўйинчининг туришлари тўпни учиш тезлиги ва йўналишига мувофиқ ўзгариб туради. Тўпни узатиш ва қабул қилиш баланд, ўрта ва паст туриш ҳолатларида амалга оширилади. Ҳар қандай тўпни қабул қилиш ва узатиш учун ҳамда ҳужум уюштиришлари ва ҳимоя тўсиғи бажаришга ўрта туриш ҳолатлари қулай хисобланади.




**Силжишлар:** Ҳимоя вазифаларини амалга оширишда силжиш ҳаракатлари бажарилади. Силжишлар сурилиш, сакраш, югуриш, ҳамда ташланиш билан бажарилади.

**Тўп ўтказиш:** Тўп ўтказиш ўйинга тўп киритиш ҳаракати ҳисобланиб, тўп урувчи ўйинчининг мақсади очко ютиш ёки рақибнинг тактик ҳаракатларини қийинлаштиришдир. Барча тўп ўтказишлар паст ва юқори тўп ўтказишларга бўлинади, иккала ҳолатда ҳам тўғридан ва ёндан тўп урилади. Паст тўп ўтказишлар кучли ҳисобланиб, тўп қабул қилишни қийинлаштиради. Майдоннинг очик ҳолати ҳамда заиф ҳимоячининг турган жойини ҳисобга олган ҳолда тўп ўтказишнинг иккала усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.


**Тўп узатишлар:** Ўйин давомида жуда кўп шаклда амалга оширилувчи ҳаракатлар ҳисобланиб, ўйиннинг асосий йўналишини таъминлайди. Тўп узатишларда юқоридан узатишларга - бармоқлар билан бажариладиган ҳаракат ҳамда пастдан узатишлар билак ҳаракати билан бажарилади. Тўп узатишларни қўлларда якка ҳолда ҳамда жуфт ҳолда бажарилиш мумкин. Шу билан бирга тўп узатишлар кучли, кучсиз, тинч ҳолатда, сакрашда ҳамда ташланиб бажарилиши мумкин. Тўп узатишлар тўғрига, юқорига ҳамда бош ортига бажарилиши ҳам учрайди. Ташланиб тўп узатилганда олдига ва орқага ташланиб бажарилиши мумкин.






**Ҳимоя тўсиқлари:** Ўйинда ҳимоя вазифасини бажарувчи техник ҳаракатлар ҳисобланиб, рақибининг ҳужум уришларини бартараф қилишга қаратилган бўлади. Ҳимоя тўсиқларидан фойдаланишинг асосий талаби бу техник ҳаракатни ўз вақтида ва керакли жойда бажаришдир. Ҳимоя тўсиқлари қўйишда тўпнинг уриш тезлиги, кучи ҳамда йўналишини аниқлаш, тўсиқни мустаҳкам қўйилишига асос бўлади. Ҳимоя тўсиқларини қўйиш ҳаракатлари техникаси силжиш, сакраш, кўлни тўсиқ учун чиқариш ҳамда тушиш ҳаракатларидан иборатдир. Силжиш ҳаракатлари сакраш ва сурилиш билан


бажарилади. Бу ҳаракат тўсиқ учун қўлни тўр устига чиқаради. Ҳимоя тўсиқларини қўйиш якка ҳолда, жуфтликда ва учлик бўлиб бажарилиши мумкин. Кўпчиликда ҳимоя тўсиқлари қўйишнинг муваффакияти ўйинчиларнинг ҳаракатларини ўзаро мувофиқликда бажарилиши билан амалга ошади. Ҳимоя тўсиқларини қўйишда албатта тўсиқнинг ортида ўйинчи алдов ҳаракатларини бўлмаслиги учун кузатиб туриши керак.





а


б



в

г

Түсік қўйиш машқлари



## **Назорат учун саволлар**

1. Техник малакаларни ўзаро боғлиқлиги ва ўргатиш тартиби.
2. Техник малакаларга ўргатиш асослари.
3. Техник малакаларга ўргатишдаги хатоларни аниқлаш.
4. Баскетболчининг ҳолат ва ҳаракатланишига ўргатиш услубиятига тавсиф бериш.
5. Тўпли ўйинчини ҳаракатларини ўргатиш услубиятига тавсиф бериш.
6. Ҳужум ва ҳимоя техник малакаларига ўргатиш тартиби.
7. Тўп узатиш ва қабул қилишни ўргатиш услубияти.
8. Тўпни отиш ва уриб юришни ўргатиш услубияти.
9. Финтларни боғлаб техник малакаларни ўргатиш услубияти.
- 10.Тўпсиз ўйинчига қарши ҳимоя ҳаракатларига ўргатиш услубияти.
- 11.Тўпли ўйинчига қарши ҳимоя ҳаракатларига ўргатиш услубияти.
- 12.Техник малакаларни осонлаштирилган услубда ўргатиш услубияти.
- 13.Техник малакаларга қаршилик кўрсатиш ва ҳимоя ҳаракатларига ўргатиш услубияти.
- 14.Волейбол тўпни ўйинга киритиш жойи неча метр бўлади?
- 15.Волейбол тўпни ўйинга киритиш усуллари нечта?
- 16.Волейбол ўйинида бир жамоа неча марта тўпга тегиши мумкин?
- 17.Волейбол ўйинига саломлашишга чиқмаган ўйинчини ўйинга киритиш мумкинми?
- 18.Волейбол майдонининг узунлиги қанча?
- 19.Волейбол майдонининг ўртадаги чизиқдан 2-чизиқ оралиғидаги масофаси.
20. Волейбол сеткасининг эни, узунлиги, баландлиги
- 21.Волейбол сеткасини ҳар бир оралиғидаги тўрт бурчакларни размери

## **Мустақил ишлаш учун кўрсатмалар**

1. Баскетбол майдонда ҳаракат килиш техникаси.
2. Баскетбол туп билан бажариладиган усуллари техникаси.
3. Баскетбол тупини саватга туп отишлар техникаси.
4. Баскетбол мусобакаларни ташкил килиш ва утказиш.
5. Баскетбол мусобакасида чикиб кетиш системаси буйича буйича мусобакалар утказиш.
6. Баскетбол мусобакалар тугрисида низом.
7. Жой танлаш ва ҳимоячи таъкибидан кутилиш.
8. Тупсиз ҳаракат килаётган баскетболчилар бажарадиган туsicлар.
9. Баскетболда ҳимоя техникаси.
- 10.Баскетбол мусобакасининг утказиш турлари.
11. Баскетбол мусобакасида айланма системасининг ахамияти.
12. Мусобака натижаларини хисоблаш, мусобака низомини ахамияти.
- 13.Баскетбол ўйинида ҳужум тактикасини ахамияти.

14. Волейбол майдонида харакат килиш техникаси.
15. Волейбол тупи билан бажариладиган усуллар техникаси.
16. Волейболдан мусобакалар ташкил килиш ва утказиш.
17. Волейбол уйинида чикиб кетиш системаси буйича мусобакалар утказиш.
18. Спорт уйини мусобакалари тугрисида низом.
19. Волейболчини жой танлаш ва таъкибидан кутулиш техникаси.
20. Тупсиз харакат килаётган Волейболчилар бажарадиган тусиклар.
21. Волейболчининг химоя техникаси.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Айрапетянс Л.Р. Волейбол назарияси ва услубияти Дарслик Тошкент ЎзДЖТИ 2012й
2. Расулов О.Т. Баскетбол Дарслик Тошкент 1998 й
3. Хўжаев Ф, Нигманов Б.Б Рахимқулов К.Д, “Спорт ва харакатли ўйинлар ва уни ўқитиши методикаси” (Спорт ўйинлар) Ўқув қўлланма Тошкент 2008 йил
4. Павлов Ш ва бошқалар Гандбол Дарслик Тошкент 2005 й
5. Акромов Р нинг таҳрири остида Футбол Дарслик Тошкент 2006 й

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Раҳимқулов К.Д., Усмонхўжаев Т.С. «Жисмоний тарбиядан болалар ва ўсмиirlар учун 1000 машқ ҳамда ҳаракатли ўйинлар. 2001й.
2. Усмонхўжаев Т.С., Хўжаев Ф.“1001” ўйин. Т.: 1990 й
3. Раҳимқулов К.Д. «Кичик ёшдаги болаларнинг қадди қоматини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар» 2001 й
4. Ҳарко Броун. Традитионал Маори Гамес. - Сопиригҳт © 2006 еар.
5. Хўжаев Ф, Раҳимқулов К.Д, Нигманов Б.Б “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва ўқитиши методикаси” (ҳаракатли ўйинлар) Ўқув қўлланма. Тошкент 2008 йил.
6. Адам Гоодес. Юлунга: Традитионал Индигеноус Гамес. - Сидней 2009 еар.
7. Астиве счоолс. Кори ки те Кура. Гамес спорт Нew Зеаланд 2012 еар.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.tdpuz.uz](http://www.tdpuz.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.sport.uz](http://www.sport.uz)

## **З-МАВЗУ БАСКЕТБОЛ ВА ВОЛЕЙБОЛ ЎЙИН ТАКТИКАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**РЕЖА:**

1. Баскетбол ўйин тактикаси асослари
2. Баскетбол ўйинида хужум ва химоя тактикаси
3. Волейбол ўйин тактикаси таснифи
4. Волейбол ўйинида хужум ва химоя тактикаси

Таянч иборалар: баскетбол, волейбол, тўп, ўйин, майдон, қоидалар, техника, тактика, хужум, химоя, жисмоний сифатлар, жисмоний ривожланиш, ишчанлик қобиляти, ўйинчилар, ривожланиш

### **БАСКЕТБОЛ ЎЙИН ТАКТИКАСИ АСОСЛАРИ**

#### **Асосий тушунчаларнинг таърифи**

Тактика – бу спорт кураши олиб боришининг усул ва кўринишларини, тадбирларини ўйиннинг ривожланиш қонуниятларини ва аниқ рақибга қарши уларни ратсиёнал қўллашни амалий ва назарий жиҳатдан ўрганадиган бўлимдир.

Тактик тайёргарлик аввало ҳар хил кўринишдаги комбинатсияларни ўрганишни тақоза этади. Комбинатсия деганда, баскетболчилардан бирининг саватга ҳужум қилиш учун шароит яратишга йўналтирилган, аниқ система чегарасида гурух ёки жамоанинг ҳамма ўйинчилари томонидан илгаридан ўрганилган ва ўзаро келишилган ҳаракатлар тушунилади. Бундан ташқари комбинатсия, типовой ўзаро ҳаракатлар, уларнинг уйғунлиги ва йиғилган мусобақа тажрибалари асосида ўйинчилар томонидан ижодий тузилган ва амалга оширилган бўлиши мумк.

Баскетбол тактикаси ўйинини олиб борища қўлланадиган жуда кўп воситаларга, усулларга ва системаларга бойдир. Жамоалар хужумни ёки химояни якка, гурухли ва жамоа тактик ҳаракатлари ёрдамида уюштирадилар.

#### **Тактика таснифи**

Ўйиннинг асосий мазмунига мувофиқ тактика хужум ва химоя тактикасига бўлинади. Унинг ҳар бир бўлими ўйинчилари ҳаракатини ташкил қилиш принсипига қараб якка, гурухли ва жамоалига бўлинади. Ўз навбатида, ҳар бир гурух ўйинни олиб бориш кўринишини ҳисобга олиб, кўринишларга бўлинади (масалан, якка ҳаракатлар, хужум давомида ўйинчиларнинг тўпсиз ҳаракати ва ўйинчининг тўп билан ҳаракати ҳам бўлиши мумкин). Ўйин ҳаракатларининг аниқ мазмунига қараб кўринишлар усулларга бўлинади. Бажаришнинг ҳар хил хусусиятларга эга бўлган усуллар вариантларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлишади. Масалан, марказий ўйинчи орқали хужум қилиш системаси позитсион хужум қилиш усулларидан бири ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида

таянган марказий ўйинчилар сонини ҳисобга олиб, бу система учта вариантаға ега бўлиши мумкин: битта марказий ўйинчи орқали, иккита ва учта марказий ўйинчилар орқали ҳужум қилиш.

### **Хужум тактикаси**

Тўпни эгаллаган жамоа ҳужум қилувчи жамоа бўлиб ҳисобланади. Ҳужум қилиш жамоанинг ўйиндаги асосий вазифасидир. Ҳужум ҳаракатлари ёрдамида жамоа ташаббускорликни қўлга киритади ва рақибни ўзига бўлган тактик режа қабул қишига мажбур қиласди. Ҳужум қилувчи жамоанинг бош мақсади рақиб саватига тўп ташлашдир. 30 сония ичида бунга эришиш учун уюштирилган илгаридан ўйлаб қўйилган ва тўпни рақиб шчитига яқинлаштиришга мўлжалланган яхши тайёрланган йўллардан, ҳужумни бевосита ўтказиш ва шчитдан қайтган тўп учун кураш имкониятини тамиллаш учун, шу якунловчи кураш учун қулай шароитлар тузишдан фойдаланиш керак. Ҳужум тактикаси, жамоани аниқ рақибга қарши ва мусобақанинг ҳар хил вазиятларида мунтазам ҳужум олиб боришининг мақсадга мувофиқроқ тадбир, усул ва формаларини танлаб олиш ва улардан фойдаланишга имкон беради. Ҳужум қилишининг ҳамма ҳаракатлари ўзининг ҳарактерига қараб якка (индивидуал) ва жамоали ҳужумга бўлинади. Тактика таснифига мувофиқ ҳаракатлар гурухли ва жамоалига бўлинади.

#### **Якка (индивидуал) ҳаракатлар**

Ҳар бир баскетболчи жамоада бажарадиган вазифасидан қатъий назар, ҳужумда катта фаоллик кўрсатиши лозим. Бунинг учун у ҳужум усусларини пухта ва малакали эгаллаган бўлиши, ўйин шароитини диққат билан кузатиши, аниқ вазиятга энг мос позисия ва ҳаракатларни тез хамда тўғри танлай олиши керак.

**Жой танлаш ва ҳимоячи тақибидан қутилиш.** Тўпсиз ҳужум қилаётган баскетболчи тўпни қабул қилиш, тўпли шеригига ҳимоячини тақибидан озод бўлишида ёрдам бериши учун майдонда маълум позисияни танлайди. Жой танлаш тўхташлар, бурилишлар билан бирга йўналиш малакаларини тезлик билан ўзгартириб майдонда ҳаракат қилиш билан бажарилади. Саватга тушмай ўтаётган тўпни илиш учун жойни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга.

**Кўрсатилган усуслардан ташқари чалғитишлар.** Тўп билан ҳаракат қилаётган баскетболчи энг аввал ҳимоячидан қутилишга ва саватга тўп отишга ҳаракат қиласди ёки ўзига бир неча ҳимоячиларни диққатини жалб қиласди ва ҳимоячидан бўшаган шеригига тўп узатади.

**Тўпни узатиши.** Энг асосийси тактик ҳаракат бўлиб, саватга ҳужум уюштиришнинг натижаси узатишининг йўналишига ва ўз вақтида бажарилганлигига боғлиқ. Баскетболчи узатишдан олдин унинг қайси томонга ва қайси баскетболчига узатилиши лозимлигини ҳал қилиш билан бирга мавжуд вазиятда яҳшироқ самара келтира оладиган узатиши усулини ва вақтни танлаши лозим.

**Тўпни ерга уриб юриш.** Бу тўпли баскетболчининг асосий якка жойдан жойга кўчиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўйиннинг ўзгарувчан вазиятини кузата билиш тўпни ерга уриб юрушда катта аҳамиятга эга.

**Саватга тўп отиш.** Бу катта масъулият билан бажарилади, чунки тўп саватга тушмаса, уни рақиб эгаллаб олиши мумкин. Баскетболчи ҳар гал саватга тўп отишдан аввал ўзининг ва рақиб жамоа баскетболчиларининг майдонда жойлашишини, шчитга нисбатан ўзининг позисиясини ҳисобга олиши, қулай ҳолатни эгаллаши лозим.

### Гурухли ҳаракатлар

Гурухли ҳаракатлар бу ниҳоятда зарур тактик маълум типовой блоклардир, улардан жамоанинг тартибга солинган комбинасиён ҳаракатларининг фундаменти йиғилади. Гурухли ҳаракатларда ўйинчиларнинг ижодий малакаларининг бирикмалари пайдо бўлади. Тактик схемалар учун икки ёки уч ўйинчининг ўзаро ҳаракатларининг маълум усуллари универсал ҳисобланади.

**Икки ўйинчининг ўзаро ҳаракатлари.** Икки ўйинчининг ўзаро ҳаракатларининг асосий усулларига “узат ва чик” усули, шунингдек, тўсиқ тўқнаштириш ва кесишлар киради.

“Тўпни узат ва чик”. Ўйинчи тўпни шеригига узатади, кескин югуриш финти бажариб ҳимоячига яқинлашади, уни мувозанат ҳолатидан чиқаради, сўнг эса тўғри чизиқ бўйича ҳаракат қилиб шчит олдига чиқади ва саватга ҳужум қилиш учун тўпни олади.

“Тўпни узат ва чик” ўзаро ҳаракатнинг мувафақиятли чиқиши учун кўпроқ ёлғондакам тактик йўллардан фойдаланилади. “Тўпни узат ва чик” усули рақиб шчитгача бўлган масофани ҳаракатда босиб ўтиш ва сон жиҳатдан устунлик – икки киши бир кишига қарши  $2 \times 1$  амалга оширишда ҳамда тез ёриб ўтиш давомида ҳам кенг қўлланилади. Маълум ўзаро ҳаракатларда фойдаланишнинг устунлиги кўпинча баскетболчининг шчит томонга қисқароқ йўл бўйича жасурона, қатъий кескин югуруши ва рақибнинг тўсиб қолишидан ва итариб юборишлидан курқмасдан тўпни олишга тайёргарлигига боғлиқ.

**Тўсиқ.** Тўсиқ моҳияти қойидагидан иборат: ўйинчи, ўз шеригини таъқиб қилаётган ҳимоячи яқинида шундай қилиб жой танлайдики, у таъқиб қилаётган ўйинчини кетидан кузатиши мумкин бўлган қисқа ёлни тосиб қойсин. Ўйинчи ҳимоячини ҳаракат қилиб ўтишга йўл қўймайди ёки шеригининг йўлига қараганда узунроқ йўлдан ҳаракат қилишга мажбур қиласди, ҳамда ўзи учун қисқа вақт ичиди таъқибдан қутилишга ва саватга ҳужум қилишга имкон яратади. Бунда тўсиқ қойган ўйинчи ҳаракатсиз қолмайди: ҳимоячи билан тўқнашгач у бурилади ва ҳужумга ёрдам бериш учун шчит томонга чиқади. Топли ўйинчи доим тўсиқ қўйгандан кейин дарҳол ҳужумга кирган шериги рақиб учун хавфлироқ бўлишини назарда тутиши керак.


Тосиқнинг уч хили: ёндан, орқадан ва олдиндан қўйиладиган варианти бор.

Агар тўсиқ қўяотган шеригини таъқиб қилаётган ҳимоячининг орқасида ёки ёнида жойлашса, унда бу мос равища ёки орқадан қўйилган тўсиқ деб ҳисобланади. Унинг мақсади тўпли ва тўпсиз шеригини керакли йўналишда


тўпни уриб юриши ёки керакли жойга чиқиши учун озод қилишдир. Агар тўсиқ қойтган ўйинчи, шериги ва уни таъқиб қилаётган ҳимоячи ўртасида (орасида) юзи ёки орқаси билан турган бўлса, у олдинги (ички) тўсиқ қўйган исобланади, унинг мақсади – тўпни шеригини саватга тўп отиш учун озод қилишдир. Тўсиқдан фойдаланиб ўйинчи ҳеч қандай қаршиликсиз тўпни саватга отиши мумкин ёки агар иккала ҳимоячи ҳам унга қарши келаётган бўлса, тўсиқ қойгандан кейин тезда рақиб шчити олдига чиқсан ўйинчига тўпни узатиш мумкин.

**Тўпсиз ўйинчи учун тўсиқларни қўллаш**, тўпли ўйинчига қўллашга нисбатан, баъзан тактик жиҳатдан мақсаддага мувофиқроқ, чунки эътиборсизроқ таъқиб қилишади .

**Тўсиқقا тўқнаштириш.** Ҳужумчи маълум вақтда статис ҳолатда турган ўз шерикларининг ҳохлаганидан, таъқиб қилувчи ҳимоячи йўлида тўсиқ сифатида фойдаланиши мумкин. Шерикнинг йўнгинасидан катта тезлик билан югуриб ўтаётиб, ҳужумчи уни таъқиб қилаётган ҳимоячини шеригига ёки ҳимоячига тўқнашишга мажбур қиласди. Бу билан ҳужумчи худди уни таъқиб қилаётган ҳимоячини кўзлаган позисияда турган шеригига тўқнаштиради.



Тўпсиз ҳаракат қилаётган баскетболчилар томонидан қўйиладиган тўсиқлар.



Тўп билан ҳаракат қилаётган баскетболчилар томонидан қўйиладиган тўсиқлар.

Түқнаштиришни түпсиз ҳамда түпли ўйинчилар билан амалга ошириш мумкин. Түп олиб кетаётган ўйинчи түпни узатиб, ҳимоячини шеригига түқнаштиришга эришганидан кейин, ундан түпни қайтариб олиш йўли билан саватга ҳужум қилишни якунлаши мумкин. Бундай ҳолда, түқнаштиришни ўюштираётган ўйинчи түқнаштириш амалга ошган заҳоти рақиб шчити томонга тезда чиқиши керак.

Түқнаштиришнинг ҳамма варианларида асосийиси – рақибни түқноштироқчи бўлган ўйинчи ўз жамоадоши ёнидан унга жуда яқинлашиб тез ўтишдир. Бу ўзаро ҳаракатни қийналмасдан амалга ошириш учун бир оз олдинроқ кескин югуриш финти бажарилади ва бу билан лозим бўлган ёналишни (бўшатиб) озод қилиб, ҳимоячига яқинлашади. Бошқа қатор ҳолларда ҳимоячилар, түқнашиш натижасида ҳужумчининг сават томонга йўлини тўсишга ҳаракат қилиб, илгарироқ ўз шчити томон чекинишади. Унда түқнаштиришнинг шчит остига чиқиш билан якунлаш маънога эга бўлмайди. Иккиланмасдан ўрта масофадан түпни саватга отиш керак.

**“Учбурчак”.** Ҳужумдаги қулай ўйин ўйин вазиятлари учбурчак бўйича ўзаро ҳаракат ёрдамида вужудга келиши мумкин. Бунда учбурчакнинг чуққисида турган түпли ҳужумчи, олдинга чиқишлари билан саватга хавф солаётган бошқа икки шеригига қараганда рақиб шчитидан узоқроқ бўлиши керак. Канот бўйича ҳаракат қилаётган ўйинчи түпни олгач, уни яна шеригига узатади (учбурчак чуққисига), тўп у эрдан дархол ҳужумни якунлаш учун бошқа канотга юбоилади. “Учбурчакнинг” ўзаро ҳаракати узатишни таз бажаришни талаб қиласи: у жойни алмаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ўзаро ҳаракат айниқса, ҳужумчиларнинг тез йўриб ўтишида ҳимоячилар устидан сон жиҳатидан устунликни ( $3 \times 2$ ) амалга ошириш пайтида самаралироқ.

**“Учлик”.** Учбурчак ҳолати бу ўзаро ҳаракатда ҳам сақланиб қолиб, тўпни бир томонга узатиб, ҳужумнинг бошқа томонга тўсиқ қўйилишига асосланган. Масалан, майдонда 5-ўйинчи тўпни бир томонга 4-шеригига узатаяпти, ўзи эса майдоннинг бошқа томонида 7-ўйинчи учун тўсиқ қўяпти. Тўсиқдан фойдаланиб 7-ўйинчи тезлик билан жарима зонасига киряпти (тўсиқ қойғандан кейин шчит томонга чиққан 5-ўйинчи ёрдамида) 4-ўйинчидан тўпни олади ва саватга ҳужум қиласи.

Бу вақтда, ўрта масофадан саватга тўпни ташлашга ёки тўп ёқотилган ҳимаяни таъминлаш учун 4-ўйинчи майдон марказига ўтади. “Учлик”ни бажаришда ҳар хил чалғитувчи варианлардан фойдаланилади. Масалан, агар 1-ҳимоячи тўсиқдан қочиб, жарима отиш зонасига чекинса, унда 7-ўйинчи ён чизик бўйлаб рақиб шчити томонига кескин югуриши мумкин ёки 5-ўйинчи шериги 7-га ўзининг тўсиқ қойиш мақсадини ҳимоячиларга қўрсатиб, яrim йўлда югуриш йўналишини ўзгартириш ва шчит томонга 4-ўйинчидан тўпни олиш ва саватга ташлаш учун шиддат билан чиқиши мумкин.

**“Кичик саккиз”.** Уч ўйинчи тўпни уриб юриш билан бирин-кетин кесишишдан фойдаланиб, шу қатнашчиларнинг ҳаракат қилган йўллари “8” сонини эслатадиган “кичик саккиз” деб номланувчи ўзаро ҳаракатни

бажаришлари мумкин. Усул сиклик характерга эга ва саватга хужум қилиш қулай вазият келмагунча хужумда кетма-кет 4-5 марта қайтарилиши мумкин.

**“Кесишиб чиқиши”**. Уч ўйинчининг бу ўзаро ҳаракати, рақиб шчитига орқаси билан турган учинчи (одатда марказий) ўйинчидан бевосита оқиши жойда икки ўйинчи томонидан амалга ошириладиган кесишишни ўзида мужассамлаштирган. Масалаҳ 6-ўйинчи тўпни 5-марказий ўйинчига узатияпти ва шериги 4 билан бирга, деярли у билан бир вақтда фингларни бажаргандан кейин тўпни у ёки бу шеригига саватга хужум қилиш учун ошириб бериши ёки ўрта масофадан саватга отиши мумкин бўлган марказий 5-ўйинчи ёнидан югуриб ўтишади. Бу вазиятда 6 ва 4 ҳимоячилар олдида тўқнашишдан қочиш ҳамда марказий ўйинчи ҳимоячи жуфтига урилиб кетмаслиги вазифаси туради.

“Кесишиб чиқиши”ни факат шчит тўғрисида эмас, балки йўн чизик томонидан ҳам ўтказиш мумкин.

## Жамоа ҳаракатлари


Баскетболда хужум муваффақиятининг асоси расиёнал йўллар билан ва иложи борича тезроқ ўйинчилардан бирига саватга хужум қилиш учун қулай шароит яратишга йўналтирилган жамоа ҳаракатлардир. Бутун жамоа мақсадларига шахсий ҳаракатларнинг бойсинишини, бир-бирини тушунишни, аниқ ташкилий формулаларни талаб қиласидиган жамоа ҳаракатларисиз, хужумда тўлақонли ўйин бўлиши мумкин эмас. Жуда қучли, лекин шериклари билан биргаликда тўғри (оқилона) ҳаракат қила олмайдиган ўйинчилардан тузилган хужум қилувчи жамоа, малакали рақиб устидан камдан-кам ғалабага эришиши мумкин.

## Жадал хужум

**Тез ёриб ўтиш.** Бу – рақиб устидан жисмоний ва техник тайёргарликдаги устунликдан фойдаланишга имкон берадиган, хужумнинг жуда самарали системасидир. Унинг моҳияти шундаки, тўпни эгаллаган ўйинчилар ҳар гал қарши хужумга ўтишади, рақиб шчитгача бўлган масофани қисқа вақт ичida энгишга, сон жиҳатдан устунликка эришишга ва бундан фойдаланиб, яқин масофадан саватга хужум қилишга ҳаракат қилишади.

Тез ёриб ўтишга ҳаммадан кўпроқ, агар жамоа тўпни рақибдан олиб қўйса ёки ўзининг шчитидан сапчиб қайтган тўп учун кураш пайтида унга эга бўлганда амалга оширилади. Бироқ, тўпни йўн ёки эн чизикдан ўйинга киритилиши заҳоти, шунингек, агар рақиблар қарши хужумга ўтган ўйинчиларга тез ошириб беришга фаол қарши ҳаракат қила олмасалар, бахс ва бошланғч тўпни ўйинга ташлаш пайтида сон жиҳатдан устунликка эришиш мумкин. Сон жиҳатдан ўйинчилар баробар бўлган пайтда (1x1 ёки 2x2) жасурона ва қатий якка курашиш учун имконият борлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Тез йўриб ўтишни уч қисмга бўлиш мумкин: бошланиш, ривожланиш ва якунлаш. Биринчи қисмнинг муваффақияти, олдинга кескин чиқишнинг тезлиги билан, ҳар бир қатнашчининг олдинга чиқишга ҳаракат қилиши, тўпни биринчи узатишнинг (ортиқча ҳаракатларсиз) ўз вақтида узатилганлиги билан аниқланади. Агар, албатта, тўпни шериги эгаллашига ишонч бўлса, у тўпни эгаллашга тайёрланадиганда, олдинга ҳаракат қилишни бошлаши биланоқ, ўйинчилар рақиблардан узоқлашади. Одатда, йўриб ўтишда, химоянинг биринчи чизигида жойлашган 2-3 ўйинчи фаол қатнашадилар, тўртинчи ўйинчи уларга кўмак беради, бешинчи ўйинчи эса орқа томонни страховка қилишни таъминлади. Бу ўйинчиларнинг ҳаракат йўналиши уларнинг майдонда жойлашганига ва жамоа тўпни эгаллай олган жойига боғлиқ. Тўпсиз ўйинчилар кескин югирган вақтда, уларнинг тўп эгаллаган шериги рақибдан олдинда пайдо бўлган ўйинчига тўпни тезда узатиши керак.



Уч баскетболчининг ўзаро тўп узатиб тез ёриб ўтиши.

Жамоа ўйинда тез йўриб ўтишдан фойдаланишга ҳаракат қилса, у бунинг учун керакли замин яратиши керак. Гап тўпли ўйинчига қарши химояда доим фаол таъсир қилиш тўғрисида, ўзининг шчити ва олдида сапчиган тўп учун яхши ташкил қилинган кураш тўғрисида, тўпни олиб қўйиш учун бўладиган ҳаракатчанлик тўғрисида кетяпти.

Тез йўриб ўтишнинг иккинчи қисми – ривожланиш, ўйинчилар кейинги тўғри йўл бўйлаб ҳаракат қилишларини, тўпни уриб юришни ва майдоннинг ўрта қисмини тезроқ ўтиш учун ҳужумчилар ўртасидаги тўпни бир-икки узатишни ўз ичига олади. Вақт бўйича бу қисм 2-3 сониягача чўзилади.

Йўриб ўтишнинг якунловчи қисми - рақиб яқинида бўлиб ўтади ва 1,5 сония атрофида давом этади. Саватга якунловчи отишни одатда, тўпни уриб юришдан кейин ёки ўйинчининг шчит остига тўп учун тез чиқишдан кейин бажарилади. Умуман, яхши тайёрланган жамоа, тўпни узатишни уч мартадан ортириласдан тез ёриб ўтишни 4-6 сония ичидаги оширади.

Тез йўриб ўтиш уч усулда бажарилади:

- рақиб шчити томон узун узатиш билан, бунда аслида иккинчи қисм чиқиб кетади;
- майдон ўртасидан (тўпни уриб юриш билан ва олиб юрмасдан);

- йүн чизиқлар бўйлаб.


**Позитсион ҳужум.** Ўйин давомида жадал ҳужумни якунлашга ҳар доим эришилавермайди. Рақиб жамоали ҳимояни юштиришга улгурадиган ва ҳамма ҳужумчиларни тўсадиган ҳоллер бўлибтуради. Ушанда жамоа, яхши юштирилган ҳимояга ҳамма бештала ўйинчи қатнашадиган позитсион ҳужумни қарши қойиши керак. Позитсион ҳужумда баскетболчилар якунловчи тўп отишни тайёрлашиб рақиб ҳимоясига босқичма-босқиш (кетма-кет) энгишади. Ўйин қоидаси бўйича бундай тайёргарликка 30 сониягача вақт берилади. Бу вақт илгаридан ўрганилган ҳар қандай қийинчиликдаги комбинатсияни қўллаш учун етарлидир, агар у барбод бўлса (амалга ошмаса) ўрта ёки узоқ масофадан тактик жиҳатдан асосланган отишга шароит яратиш керак.

Позитсион ҳужумда, жадал ҳужумдаги каби, учта фазани ажратиш мумкин; бошланиш – жамоанинг юшган ҳоли олдинги зонага ўтиши ва ўйинчиларни қўзлаган позисиайларга жойлаштириш; ривожланиш саватга ҳужум қилиш учун қулай вазият яратиш мақсадида бир қатор ўаро ҳаракатлари (серияларни) ўтказиш (ҳужумчини таъқибдан озод қилиш, якка олишишнинг қулай шароитларини таъминлаш ва ҳакоза); якунлаш – ўйинчи томонидан саватга ҳужум қилишни бевосита ўтказиш ва сапчиган тўп учун фаол курашни таъминлаш.

Позитсион ҳужумда икки система ташкил топган: “марказий ўйинчи орқали” ва “марказий ўйинчисиз”.

**Марказий ўйинчи орқали ҳужум қилиш системаси**, айниқса, (ҳаммадан кўра) мақсадга мувофиқдир. Буни (системани) қўллаётган жамоанинг ҳаракатлари, исталган дақиқада тўпни олиш имкониятига эга бўлиш учун одатда шчитда шчитга орқаси билан ўзининг шерикларига юзи билан турган марказий ўйинчининг этакчилик ролига (асосланади) таянади. Марказий ўйинчи ҳужум тайёргарлигининг худди ўзагидек хисобланади. Ҳамма келган шериклари, унга фаол келишилган ҳаракатлари билан қуллаб қувватлаб, қулайроқ вазиятга унга тўпни ошириб беришга ҳаракат қиласилади. Қулай вазиятда тўпни олган марказий ўйинчи:

- уни саватга отишга уриниб қўриши;
- уни таъқиб қилаётган ҳимоячини якка олишишда алдаб ўтиши, шчит олдига чиқиши ва тўпни саватга отиши;
- тўпни шериклардан бирортасига узатиши;
- уч очкоти отиш учун тўпни узоқга майдон ичида узатиши мумкин.



Икки марказий ҳужумчининг ўзаро ҳаракатлари.

**Марказий ўйинчи орқали ҳужум қилиш системасининг асосий вариантилари** – битта марказий ўйинчи орқали ва иккита марказий ўйинчи орқалидир. Ҳозирги замон спорт амалиётида учта марказий ўйинчи орқали ҳужум қилиш жуда кам қўлланилади.

Марказий ўйинчиларнинг ва уларнинг шерикларининг шахсий имкониятларига шунингдек жамоанинг умумий тактик мақсадларига қараб мусобақаларда бошланғич жойлашишнинг ҳар хил системаларини (позитсияларини) қўллашади.

Тўпни марказий ўйинчига узатгандан кейин шчит томонга тўғри чизик бўйлаб чиқишдан ташқари, ҳужум қилаётган жамоа, позитсион ҳужум учун жамоанинг асосий бошланғич жойланиши билан икки ёки уч ўйинчиларнинг маълум бўлган ўзаро ҳаракатларининг бирин-кетин қўшилиб кетишига асосланган, илгаридан ўрганилган тактик комбинатсиялардан фойдаланиши керак.

Комбинатсияда деярли ҳар доим жамоанинг ҳамма ўйинчилари қатнашишади, баъзи бирлари асосий ҳужум қилувчи ҳаракатларни амалга оширишади, бошқалари – озод қилувчи ёки чалғитувчи, учинчилари – орқа хавфсизлигини таъминлайдиган ҳаракатларни амалга оширишади.

### Шахсий прессингга қарши ҳужум

Шахсий прессинга қарши курашаётган жамоа тактик ва техник характерга эга бўлган бир қатор шароитларни бажариш керак:

- 1) тўпни тезда ўйинга киритиш;
- 2) тезлик билан ҳимояни йўриб ўтиш учун оператив кенглилка чиқиши ёки ҳеч бўлмаганда 10 сония ичida тўп билан рақибнинг майдонига ўтиши;
- 3) зич таъқиб пайтида ҳужумнинг шиддати ва тактик тизимини сақлаш;
- 4) ҳужумнинг бошқа, мақсадга мувофиқ системалари вавариантларига (тезкор равишда) тезда ўтиш.

Шахсий прессинга қарши ҳужум тактикаси қўлланиши қўйидаги ҳолатлардан келиб чиқади:

1) рақиб шчити томонга тез йўриб ўтишни қўллаш учун ўз яримида майдоннинг ҳамма бешта ўйинчининг дастлабки бошланғич жойлашишини қўллаш;

2) хужумнинг олдинги ва кейинги чизиқлари ўртасидаги етарли даражада катта оралиқни таъминлаш (ҳимоя чизиқлари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни тузилишини ва ҳамкорлигини қийинлаштириш учун), ҳаракатчан марказий ўйинчини ёки канот хужумчини орқага майдон марказига тўпни олиш учун жалб қилиш ва у орқали тезда хужум юштириш;

3) жамоанинг моҳир дриблерининг (тўпни моҳирона олиб юрадиган) ҳимоячи якка курашиши учун майдоннинг бир томони ни бўшатиш;

4) майдоннинг рақиб яримида тўп билан кириш пайтида рақиб шчитидан узоққа кетган марказий ўйинчисиз хужумни юштириш билан тарқоқ прессингдан позитсион курашда фойдаланиш (иккала қўрсатилган системалар жарима майдонни очиқ қолдириб хужумчиларга бирданига у ёқقا ёриб ўтишга ва саватга хужум қилишга имконият беради).

### **Ҳимоя тактикаси**

Яхши ташкил этилган ҳимоя нафақат хужум туфайли эришилган муваффақиятни мустаҳкамлайди, балки жамоанинг кейинги ҳаракатлари характерига ҳам таъсир қиласди. Ишончли ҳимояга эга бўлган жамоа ўйинни кескинлаштира боришга, ўртacha ва ойлс масофалардан саватга тўп отишни дадиллик билан қўллашга қурмайди ҳамда шчитдан қайтган тўп учун астойдил курашади.

Ҳимояланувчи жамоанинг ҳаракатлари хужум қилувчи жамоанинг ҳаракатларига жавоб бўлиб, рақиб тактикасининг хусусиятларига қараб ташкил этилади.

Ҳимоялананаётган жамоа олдида тўртта асосий вазифа туради:

1) рақиб саватга аниқ, тўсиқсиз тўп ташлашига йўл қўймаслик;

2) рақибдан тўпни олиб қўйиш ва қарши хужум учун шароит яратиш;

3) рақибнинг баъзи бир алоқаларини ва ўйин линиялари орасидаги алоқа ва ўйинчилар ўзаро ҳаракатларини бузиб, хужум қилиш учун тайёрлов операсияларини ўтказишга қаршилик қўрсатиш;

4) рақибни тез қарши хужумга ўтишга йўл қўймаслик.

### **Волейбол ўйин тактикасига ўргатувчи наъмунавий машқлар**

Ўйин малакалари техникасига ўргатишида шу малакаларни (тўп қабул қилиш ва узатиш, тўп киритиш, зарба бериш, тўсиқ қўйиш) муайян тактик мақсадда амалга оширилишига ургу берилиши лозим.

Ўйин тактикасига ўргатиш жараёни ҳам ўйин техникасини ўзлаштиришида қўлланиладиган услублар, воситалар (техник ва тактик машқлар устунлигига), босқичлар ва педагогик принциплар асосида амалга оширилади.

## **Хужумда қўлланиладиган якка тактик ҳаракатларга ўргатиш**

### **Тўп узатиш. Тайёрлов машқлари:**

1. Кўрсатмага (сигналга) биноан: ҳаракатланиш вақтида турли усулларда тезланишлар: тезланишлар давомида турли усулда (сакраб, хатлаб, сирпаниб ва ҳакоза)тўхташ; ҳаркатланиш турини ўзгартириш; ҳаракатланиш ва тезланиш йўналишини ўзгартириш; ҳаркатланиш тезлигини ўзгартириш.

2. Шу машқлар (ҳаракатланиш ва тезланишлар)ни турли усулларда тўлдирма тўпни илиб олиш ва отиш (узатиш) билан бажариш; кўрсатма (сигнал) бўйича тўп узатиш йўналишини танлаш.

3. Тўлдирма тўпни ўз устига ташлаб, ўз шериклари ҳаракатларини кузатиш; шерикларини ҳатти-ҳаракатига қараб, тўпни ўз устига ёки шеригига ташлаш баландлигини, йўналишини ва тезлигини ўзгартириш; бўш жойга ёки кутилмаганда шеригига тўпни ташлаш.

**Тактикаға оид машқлар.** Бундай машқларнинг моҳияти шундан иборатки, шуғулланувчиларга тактик ҳаракат усулини танлаш ва уни самарадорлигини баҳолаш шароити яратилади.

1. Ўйинчи 6 (5,1) зонада жойлашади, унинг шериклари (хужумчилар) 4,2 зоналарда, боғловчи (тўп узатиб берувчи) 3 зонада жойлашадилар. Рақиб ўйинчи қарши майдондан, тўр устидан ўзи ташлаган тўпни икки қўл билан узатиб, таянч холатдан ёки сакраб зарба билан 6 зонага йўллайди. Тўпни балад ёки паст келишига қараб, 6 зонадаги ўйинчи 4 ёки 2 зонага бирданига зарбага тўп узатади ёки 3 зонада турган боғловчи ўйинчига узатади. Қарши майдондан йўлланиладиган тўпни баланд-пастлиги, тезлиги ёки секинлиги олдиндан маълум бўлмайди.

Айнан шу машқ орқада 6 зонада жойлашган ўйинчини 5 ва 1 зоналарда жойлашган холатда бажарилади.

2. Қайд этилган машқлар қарши майдонда жойлашган 2 та тўсиқ қўювчи ўйинчилар иштирокида бажарилади.

3. Айнан шу машқлар 3 та тўсиқ қўювчи ўйинчилар иштирокида бажарилади.

4. “Биринчи” тўпни узатувчи ўйинга 6,5,1 зоналарда жойлашади. Қарши майдондан тўп турли тезликда, баландликда ва йўналишда фавқулотда узатилади. Боғловчи ўйинчи навбатма-навбат 1,6,5 зоналардан тўп олдиғаги зоналарга (2,3,4) чиқади. 6,5,1 зоналарда (галма-гал) ўйинчи “биринчи” тўпни боғловчи ўйинига аниқ ва сифатли узатади.

### **Тўп киритиш. Тайёрлов машқлари.**

1. Жуфтликда: бир ўйинчига гандбол тўпи, у маълум сигналга биноан тўпни бир қўл билан пастдан (пастдан тўп киритиш), юқоридан, ён томон билан шеригига узатади. Шу машқ орқа чизикдан тўр устидан тўп киритиш асосида бажарилади.

2. Шу машқ турли зоналарга тўп киритиш асосида ижро этилади.

3. Тўп орқа чизиқ атрофида осилган ҳолатда жойлаштирилади. Тўп тўрга нисбатан тўғри туриб ва ёнлама туриб, хаёлан турли зоналарга урилади (кииритлади).

**Тактикага оид машқлар.** Тактикага оид машқларнинг асосий мақсади – рақибни тактик режасини “бузиш”, тўп қабул қилишни қийинлаштириш ва очко олиш ниятида волейболчини тўп киритиш усуллари, тезлиги ва йўналишини танлашга ўргатишдан иборат.

Тўп киритувчи волейболчи орқа чизиқ ортида жойлашади, қарши майдончада б үйинчи жойлашади. Тўп киритувчи турли зоналарга турли усулларда навбатма-навбат тўп киритади. Қарши майдончада жойлашган қайси бир үйинчи қўлини кўтарса шу үйинчига тўп урилади (киритилади): икки үйинчи ўртасига тўп киритилади; бир гал майдонни олди қисмига, бир гал майдонни олди қисмига, бир гал орқа қисмига тўп киритилади; боғловчига тўп киритилади; асосий хужумчига тўп киритилади; энди үйинчи алмаштирган үйинчига тўп киритилади ва х.

### **Хужум зарбалари. Тайёрлов машқлари.**

1. 1 кг.ли тўлдирма тўпни қўлда ушлаган ҳолда сигнал бўйича юқорига сакраш ва қўлдаги тўпни бошни орқасидан олдинга-пастга ва олдинга-юқорига кескин улоқтириш.

2. Шу машқ, фақат тўр устидан.

3. Шу машқ, фақат югуриб келиб, тўғри йўналишда ва гавдани буриб, тўпни тўр устидан ташлаш.

**Тактикага оид машқлар.** 1 та ҳаракатланмайдиган тўсиқ қаршилигида тўпни тўсиққа текизмасдан зарба бериш; тўсиқ ёнидан тўпни чалғитиб ташлаш; тўсиқ устидан чалғитиб ташлаш; сакраш элементини таклид қилиб (оёқни ердан узмасдан), иккинчи марта депсиниб, сакраб зарба бериш.

## **Хужумда ижро этиладиган гурухли тактик ҳаракатларга ўргатиш**

### **“Биринчи” тўп узатишда қўлланиладиган тайёрлов машқлари.**

1. Шуғулланувчилар 4,3,2 зоналарда хужум чизифи бўйлаб жойлашадилар. 4 зонада турган үйинчи қўлида тўлдирма тўп бўлади, у ўз устига тўпни иргитади. Шу вақтда унинг қолган икки шеригидан бири тўр олдига чиқади.

4 зонадаги үйинчи ўз устига: иргитган тўпни илиб олгандан сўнг, тўпни тўр олдига чиқсан үйинчига ташлайди.

2. 1 та үйинчи орқа зонада тўпни қабул қилиш жойида, учтаси – 4,3,2 зоналарда жойлашади. Қарши майдончада турган үйинчи тўлдирма тўпни тўр устидан қарама-қарши томонга ташлайди. Шу вақтда тўр олдида турган уч үйинчидан бири тўпга чиқади. Тўпни илиб олгандан сўнг, уни тўр устидан яна қайтаради.

3. Шу машқ, фақат волейбол тўпи билан ижро этилади.

**Тактикага оид машқлар.** Машқларнинг асосий йўналиши – ўйин вазиятига мос ҳолда ҳаракат усулини танлашдан иборат. Масалан, тўпни қабул

қилишда ўйинчиларнингўзаро ҳаракатини тўр олдига орқа чизиқдан чиқувчи ўйинчи ҳаракати билан боғлаб юқорида қайд этилган машқларни бажариш.

“Иккинчи” тўпни узатишда. Тайёррлов ва ёндоштирувчи машқлар. Бундай машқлар тўлдирма тўп (улоқтириш ва илиб олиш) ёки волейбол тўпи (ўз устига ирғитганидан сўнг тўпни узатиш)дан фойдаланган ҳолда бажарилади.

Ушбу машқларни техникага оид машқлардан фарқи шуки, бунда ижро этиладиган машқлар турли ўйин вазиятларига биноан жой танлаш ва ҳаракат усулини танлаш билан боғлиқлигидир. Тактик вазифалар аста-секин мураккаблаштирилиб борилади. Олдинги ва орқа чизик ўйинчиларининг ўзаро ҳаракати асосида тактик вавзифалар ҳал этилади.

Тактик машқлар тўсиқсиз ва тўсиқлар иштирокида бажарилади.

“Биринчи” ва “иккинчи” тўп узатиш элементларини бирга қўшган ҳолда тактик машқларни қўллашда ҳам тайёрлов, ёндоштирувчи, техника ва тактикага оид машқладан фойдаланилади.

Хужумда қўлланиладиган гурухли тактик машқлар тўсиқлар иштирокида ўзлаштирилади. Бунда фавқулотда рўй берадиган турли ўйин вазиятлари яратилади. Тактик машқлар турли сигналлар (товуш, қарсак, кўрсатма, буйруқ, ишора) асосида амалга оширилади.

## **Хужумда қўлланиладиган жамоа тактик ҳаракатларига ўргатиш**

Ўргатиш жараёнида жамоа тактик ҳаракатлари приовард мақсад қилиб олинади.

Хужумда қўлланиладиган жамоа тактик ҳаракатларининг самарадорлиги якка ва гурухли тактик ҳаракатлар самарадорлиги билан белгиланади. Шунинг учун: 1. Даставвал жамоани қайси тактик тизим бўйича ўйнаши аниқланади; 2. Шу асосда энг самарали гурухли тактик ҳаракатлар танланади; 3. Кейинги босқичда якка тактик ҳаракатларга ўйин вазиятини якунловчи элементи сифатида устиворлик берилади.

Хужумда қўлланиладиган жамоа тактик ҳаракатларига ўргатишда аввалам бор ўйинни олдинги чизик ўйинчи (узатувчи)си орқали уюштириш тизими сўнги босқичда ўзлаштирилиши тавсия этилади.

Жамоа тактик ҳаракатларига ўргатиш 6 ўйинчи – “жамоа” иштирокида ташкил этилади.

Хужумда қўлланиладиган жамоа тактик ҳаракатларига ўргатишда ҳам тайёрлов, ёндоштирувчи, техника ва тактикага оид машқлар қўлланилади.

Жамоа тактик ҳаракатлари волейбол макетларида фишкаларни турли тактик режалар ва тизимлар бўйича жойлаштириш, уларни турли ўйин вазиятларини юзага келтирган ҳолда тўғри жойлаштириш вазифаларини ҳал қилиш орқали назарий (тактик фикрлаш) жиҳатдан ўзлаштирилади. Бундан ташқари машғулотларда турли жамоа тактик ҳаракатларини майдонда тақлид қилиш, тўлдирма тўп, гандбол тўпи, теннис тўпи ва волейбол тўпи ёрдамида жамоа олдига қўйилган турли тактик вазифалар ҳал этилади.

Жамоа тактик ҳаракатлари майдонда жойлашган 6 та ўйинчининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги, ҳар бир ўйинчини ва ҳар бир гурухли ҳаракатни жамоа тактик режасига бўйсимиши, уларни ўйин вазиятга қараб бир-бирини тўғри ва вазиятга мос тактик вазифани амалий ҳал қилиши асосида ўзлаштирилиб борилади.

Хужумда қўлланиладиган жамоа тактик ҳаракатларини ўзлаштиришда “ички” (чарчаш, ҳаёжонланиш, ҳавотирланиш ва х) ва “ташқи” (ҳарорат, намлик, атмосфера босими, “кучли рақиб”, томошабинлар олқиши ва х) муҳит омиллари таъсирларини моделлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

### **Ҳимояда қўлланиладиган якка тактик ҳаракатларга ўргатиш**

Ҳимояда қўлланиладиган якка тактик ҳаракатларнинг асосий мақсади – рақиб жамоа ўйинчилари ҳатти-ҳаракатини қузатиш ва аниқлаш, тўп киритишдан, хужум зарбасидан, тўсиқдан қайтган тўпларни “олиш” учун жой танлаш ва уларни йўналишига қараб, ўз вақтида зарур жойга етиб келиш, энг мақбул ҳимоя усулини танлаш, қўриқлаш (страховка) жойиши билиш ва шунга асосан ҳаракат қилиш, зарба йўналишини олдиндан пайқаб олиш ва тўсиқ қўйишдан иборат.

#### **Жой ва тўпни қабул қилиш усулини танлаш. Тайёрлов машқлари.**

1. Олдинги (хужум зоналари) чизиқ атрофида икки хужумчи бир-бирига тўлдирма тўпни ташлайди, кутилмаганда уларнинг бири сакраб тўпни тўр ортига иргитади. Қарши майдончада турган икки ҳимоячи ўз вақтида жой танлаб, тўпни илиб олиши лозим.

2. Тўпни пастдан икки қўллаб, юқоридан икки қўллаб, пастдан бир қўллаб йиқилиб тўпни қабул қилиш учун 2 та ёки 3 та тўп турли баландликка осилиб қўйилади. Махсус сигнал бўйича ўйинчи у ёки бу қабул усулини бажаради.

#### **Тактикага оид машқлар.**

1. Тренер (ёки бирор шуғулланувчи) юоридан ёки пастдан (аниқ ёки кучли) тўп киритади. Қабул қилувчи олдиндан тўп киритиш усули ва йўналишини пайқаб жой танлайди.

2. Тренер ўз устига тўп ташлаб, тўр устидан хужум зарбаси ёки чалғитувчи тўп ташлаш усулини бажаради. Ҳимоячи ўйинчи олдиндан хужум усулини пайқаб, ё қўриқлашга чиқади.

3. Хужум қўювчи ёки тўсиқ қўювчи ўйинчи ортида қўриқлаш ўйинини бажариш.

Тўсиқ қўйишда шу малаканинг техникаси ва тактикаси ягона омил сифатида амалга оширилиши лозим: техникаси – зарба йўналишига нисбатан қўлларни тўғри қўйиш (кафтларнинг узок-яқинлиги); тактикаси – сакраш учун тўрдан зарур оралиқда жой танлаш, қўлларни кўтариш вақтини аниқлаш, зарба йўналишини аниқлаган ҳолда, қўлларни жойлаштириш.

4. Кўрсатма берилган йўналишда ижро этиладиган хужум зарбасига тўсиқ қўйиш; турли зоналардан (кўрсатма бўйича) берилган зарбага тўсиқ қўйиш.

5. Бир зона турли усулда ижро этиладиган хужум зарбаларига (тўғри йўналишда-диоганал, гавдани ўнга ва чапга буриб, ёнлама, “зайф” қўл билан) тўсиқ қўйиш.

6. Шу машқ, фақат бошқа зоналардан ижро этиладиган хужум зарбасига тўсиқ қўйиш.

7. Узатувчи (боғловчи) ўйинчи кутилмаган зонага тўп узатган жойдан берилган зарбага тўсиқ қўйиш (тўсиқ қўювчи ўйинчи тўпни қайси зонага узатилишини пайқаб олиши, шунга яраша жой танлаш ва ўз вақтида тўсиқ қўйиши лозим).

### **Гуруҳли тактик ҳаракатларга ўргатиши**

Орқа чизик ўйинчиларининг ўзаро ҳаракати. Тайёрлов ва ёндошлирувчи машқлар. Тайёрлов ва ёндошлирувчи машқлар ўз хусусиятлари бўйича бир-бирига ўхшаш бўлади. Масалан, тўлдирма тўпни ўйинчилар бир-бирига узатиб илиш машқи волейбол тўпи билан бажарилади; волейбол тўпини аввал ўз уйига иргитиб, сўнг тўп узатиш. Бу машқларни ижро этишда техника ва тактикага ургу берилиши лозим.

**Тактикага оид машқлар.** Мисол: ўйинчилар 1,6,5 зоналарда жойлашади; 4(3,2) зонада турган ўйинчилар хужум зарбаси ёки “чалғитувчи” зарба бажарадилар. Тўп йўналтирилган жойдаги ўйинчи жой танлайди ва қабул қилиш усулини аниқлаб, қабулни бажаради. “Кўшни” ўйинчи “қўриқлашда” иштирок этади.

Олдинги чизик ўйинчиларининг ўзаро ҳаракати. Тайёрлов ва ёндошлирувчи машқлар. Якка тўсиқ қўйиш бўйича қўлланилган машқлар бажарилади, лекин уч ўйинчидан иккитаси гуруҳли тўсиқ қўяди.


#### **Тактикага оид машқлар.**

1. Боғловчи ўйинчи узатган тўпдан 4,3,2 зоналарда хужум зарбаси бажарилади. Қайси зонадан ва қайси йўналишда зарба берилишига қараб 2 ва 3 ёки 4 ва 3 зонадаги ўйинчилар тўсиқ қўяди. Тўсиқдан бўш ўйинчи “қўриқлашда” иштирок этади. Зарба йўналиши олдиндан маълум.


2. Маълум машқ, фақат зарба йўналиши номаълум ҳолда бажарилади.

3. Шу машқ, фақат тўп узатиш 3 зонадан ижро этилади. Қайси зонага (4 ёки 2 зона) тўп узатилса, шу зонадан берилган зарбага 2 ва 3 ёки 4 ва 3 зонадаги ўйинчилар тўсиқ қўяди.


Олдинги ва орқа чизик ўйинчиларининг ўзаро ҳаракатлари.




Puc. 60.




Puc. 61.




Puc. 27.




Puc. 28.



Puc. 29.



Puc. 30.



Puc. 31.

## Жамоа тактик ҳаракатларига ўргатиш

### Тўп киритишида ўйинчиларни жойлашиши.

Киритилган тўпни мувафақиятли қабул қилиш учун ўйинчиларни майдонда жойлашиши ҳолати муҳим аҳамият касб этади.

Майдонда ўйинчиларни жойлашиши усуслини танлашда қўйидагилар эътиборга олиниши лозим:

- жойлашища мусобақа қоидасига риоя қилиш;

- кўрсатма бўйича жамоа ва гурух қандай тактик тизимни қўлланиши эътиборга олиш; қайси ўйинчи ва қандай маҳоратга эга ўйинчи тўп киритилаётганлиги;

- жамоа қайси тактик тизим бўйича ( $4+2$  ёки  $5+1$ ) жамланган.

Олдинги чизик ўйинчиси (боғловчи) иштирокида хужум зарбасини ташқил этишда учта асосий ҳолатни эътиборга олиш лозим: биринчиси – 3 зонадан тўп узатилганда; иккинчиси – 2 зонадан тўп узатилганда; учинчиси – 4 зонадан тўп узатилганда.

Шу ҳолатларда биринчи тўпдан ёки тўпни шеригига иргитиб (откидка) беришдан зарба ижро этишда, қолган ўйинчилар ҳам зарба беришга шай бўлиб туришлари керак. Орқа чизик ўйинчисининг олдинги чизикка чиқиб тўп узатишдан зарба беришда ҳам 3 та ҳолатни эътиборга олиш лозим: биринчи – 1 зонадаги ўйинчи (боғловчи) 2 зонадаги ўйинчи орқасидан олдинги чизик атрофига тўп узатиш учун чиқишида; иккинчи – 6 зонадаги ўйинчи (боғловчи) 3 зонадаги ўйинчи олдига чиқиб тўп узатиш. Хужумни мазкур тизимларда ташкил қилинганда олдинги чизикда жойлашган (2,3,4 зоналарда) барча ўйинчилар хужум зарбасига шай туришлари шарт.

Замонавий волейболда орқа чизикка ўтган боғловчи ўйинчининг олдинги чизикка чиқиб, 3 та хужумчига тўп узатиш имконини яратиш одат тусига кирган. Боз устига сўнгги йилларда хужумга орқа чизик ўйинчиларини жалб этиш хужум салоҳиятини янада ортишига олиб келди.




Рис. 62.




Рис. 63.




Рис. 64.

## **“Бурчаги олдига” тизими асосида химояда ўйнаш**


**Тайёрловмашқлари.** Бу машқлар “бурчаги олдига” тизимиға хос ҳаракатларни тақлид қилиш, түлдирма түп ва волейбол түпи билан ижро этилади.

### **Тактикаға оид машқлар.**

1. 4,3,2 зоналарда уcta хужумчи жойлашади, боғловчи ўйинчи 2 ва 3 зоналар ўртасида туради. Тренернинг сигнали бўйича түп боғловчига узатилади, боғловчи эса уcta хужумчидан бирига түп узатади. Тўсиқ қўювчи ўйинчиларни 6 зона ўйинчиси кўриқлайди. Хужум зарбаси “чалғитувчи” түп ташлаш билан алмаштириб турилади.

2. Шу машқ, фақат зарбалар гоҳ 1 зонага гоҳ 5 зонага йўналтирилади. Шу зоналардаги ўйинчилар тўпни қабул қилишади.

“Бурчаги олдига” тизими асосида химояда ўйнаш андозаси 36 расмда акс эттирилган.



## **“Бурчаги орқага” тизими асосида химояда ўйнаш**


**Тайёрловмашқлари.** “Бурчаги олдига” тизими асосида химояда ўйнашда қўлланиладиган машқлар аксинча йўналишда бажарилади. Бунда ҳам тақлид машқлари, түлдирма түп ва волейбол түпи билан машқлар бажарилади.

### **Тактикаға оид машқлар.**

1. Хужумчилар 4,3,2 зоналарда жойлашади, боғловчи ўйинчи түп олдида туради. Иккинчи түп узатиш навбатма-навбат уcta зонага йўналтирилади. Тўсиқ қўювчи ўйинчилар атайн зарбани ўтказиб юборади. Зарбани қайси зонадан берилганига қараб 5 ёки 1 зонадаги ўйинчи тўсиқлар орқасига “кўриқлашга” чиқади. 6 зонадаги ўйинчи зарба йўналишига қараб чиқади ва тўпни қабул қиласди.

2. Шу машқ, фақат тўпни тўсиқчилар устидан “чалғитиб” ташланади. 5 ёки 1 зонадаги ўйинчилар зарба йўналишига мувофиқ тўсиқчилар орқасига тўпни “кўриқлашга” чиқади.

“Бурчаги орқага” тизими асосида химояда ўйнаш андозаси 37 расмда акс эттирилган.



## Ўргатиши жараёнида қўлланиладиган наъмунавий техник воситалар

Волейбол машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказишда ўзига хос бўлган жиҳозлар ҳамда асбоб-анжомлардан фойдаланилади. Бу жиҳозлар ва асбоб-анжомлар волейбол ҳаракатларига ўргатиши, ҳосил қилинган малакаларни такомиллаштириши, шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарликларини ва жисмоний сифатларини ривожлантиришда самарали восита бўлиб ҳисобланади.

Жиҳозлар ва асбоб-анжомларни таъсир кўрсатиш хусусиятларига қараб икки гурухга ажратиш мумкин:

- 1) техник-тактик тайёргарликлар учун;
- 2) жисмоний тайёргарликлар учун.

Биринчи гурухга мансуб бўлган асбоб-анжомларга осма тўплар ва тўпни маълум бир ҳолатларда тутиб турувчи қурилмалар киритилиб, улардан ҳаракатларни ўргатиши ва такомиллаштиришда фойдаланилади.

Иккинчи гурухга асосан тезкорлик-куч ва сакровчанлик сифатларини тарбиялашда фойдаланиладиган турли қурилмалар, тўлдирма тўплар, гантеллар, сакрашда фойдаланиладиган маҳсус тумбалар киритилади.

Осма тўплар дастлабки ўргатишида жуда керакли восита ҳисобланади. Волейбол тўпига чармли петля ўрнатилиб, у шнур (резинка)га боғланади. Кронштейнга бириктирилган блок ёки илгакка тўп керакли баландликда ўрнатилади.

Девордаги нишон. Турли хилдаги нишонлар мавжуд (38-расм): оддий (а, в); айлана шаклидаги рақамли нишонлар (б). Айланалар оралиғидаги масофа 20 см (тўп диаметрига мос slab), чизиқнинг кенглиги 1 см. Рақамлар 1 дан 10-12 гача бўлиб, улар ихтиёрий равишида ёки тартиб бўйича жойлаштирилади. Нишонлар ҳаракат аниқлигини, периферик кўриш ва тўпни ўзлаштириш техникасини ривожлантиришда қўлланилади.

Кўчма ва осма ҳалқалар. Икки турдаги ҳалқалардан: кўчма – тезкор тўп узатишларни такомиллаштиришда (39-расм) ва осма – баландлатиб узатиладиган тўпнинг аниқлигини такомиллаштиришда (40-расм) фойдаланилади. Кўчма ҳалқаларнинг диаметри 80-100 см бўлиб, полдан 3,5-4,0 м оралиқда вертикал равишида жойлаштирилади. Осма ҳалқаларнинг диаметри 50-80 см бўлиб, тўр яқинида ёки тўрга (ёки тросга) горизонтал равишида (4, 2 зоналарда) ўрнатилади.

Узайтирилган түр. Залнинг бутун бўйи бўйича тортилади. Узайтирилган тўрлар ўйин техникаси ва тактикаси бўйича ўтказилаётган машғулотнинг мотор зичлигини оширади. Майдончани қисмларга бўлиб, вазифали ўқув ўйинларини ташкил этишда қўлланилади.

Амортизаторли тўплар. Залнинг бурчагига ўрнатилади Тўпга чармли петля тикилади (елимланади) ва унга резинкали боғичлар бириктирилади (б). Резинкали боғичлар сифатида тиббий резинка бинтлардан фойдаланилади. Боғичларнинг бўш қисми томонига карабинлар бириктирилади (в) ва улар ёрдамида қурилма керакли баландликларда петляли (д) рамаларга (г) ўрнатилади. Зарбадан сўнг тўпнинг узоқ муддат тебриниши олдини олиш учун тўпдан полга томон мустаҳкам шнур (е) тортиб қўйилади. Тренажер ҳужум зарбасини беришдаги ҳаракат уйғунлигини ривожлантиришда қўлланилади.

Тўпни тутиб турувчи мослама. Бу қурилма зарба бериш ҳаракатларини (тўп киритиш, ҳужум зарбаси) ўзлаштиришда қўлланилади. Бу қурилмани тўр ёнида жойлаштириш мумкин бўлиб, бу ҳужум зарбаларини ўйин шароитига яқинлаштириб бажариш имконини беради.


Тўр устидаги тўп. Тўр устига пружинали коптоклар илинган трасс тортилади. Ушбу қурилмадан тўр устидан қўл панжаларини рақиб томонга чиқариб тўсиқ қўйиш техникасини ўргатиш ва такомиллаштиришда фойдаланилади. Қурилмани тўрдан турли баландлик ва оралиқда ўрнатиш мумкин.





Тўлдирма тўплар. Одатда, асосий ва маҳсус жисмоний сифатларни тарбиялашда 1-2 кг ли тўлдирма тўплардан фойдаланилади. Улар ўйин шароитига яқинлаштирилган ҳаракатлар, айниқса, тезкорлик-куч сифатини ривожлантириб, биомеханик ҳаракатлар аппаратининг шаклланишини таъминлайди.


Арғамчилар. Арғамчиларда бажариладиган машқлар сакровчанлик, ҳаракат уйғунлиги ва сакраш чидамлилигини тарбиялашда қўлланилади.

Панжалар учун тренажерлар. Деворга ўрнатилган кронштейнга 3-4 см ли труба горизонтал равишда бириктирилиб, унга юк осилган трасс уланади. Трубаларни бураш билан юк юқорига ва пастга туширилади. Бошқа турдаги тренажер билан юкни статик равишда ушлаб турилади. Бу тренажерлардан қўл панжа кучини оширишда фойдаланилади.

Сакровчанликнинг ўсиш динамикасини назорат қилиш ва баҳолаб бориш В.М.Абалаковнинг сакровчанлик даржасини аниқлашга мўлжалланган диагонал экран-ўлчов мосламаси ёрдамида амалга оширилиши мумкин.







**Штанга, қадок тошлар (16, 24, 32 кг) ва йиғма гантеллар.** Куч, сакровчанлик, тезкорлик-куч ва сакровчанлик-чиダメлилиги, куч-чиダメлилигларини ривожлантиришда кенг қўлланилади.

Машғулотларда юқорида санаб ўтилган асбоб-анжом, қурилмалардан ташқари теннис коптоклари (оддий ва оғирлаштирилган), резинкалар, пружинали эспандерлар, оғирлаштирилган белбоғлар, оёқ ва қўлнинг қисмларига тақиладиган оғирлаштирилган боғламлар ва бошқа турдаги асбоб-анжом, қурилма, жиҳозлардан ҳам фойдаланилади.

### Назорат учун саволлар

- Баскетбол ўйин “тактикаси” ва “стратегияси” тушунчасини уларнинг таснифи мисолида очиб бериш.
- Хужум ва химояда гурухли тактик ҳаракатларга ўргатиш услубиятини очиб бериш.
- Хужум ва химояда жамоали тактик ҳаракатларга ўргатиш услубиятини очиб бериш.
- Уч ўйинчи иштирокида хужум ва химояда ўзаро гурухли тактик ҳаракатларга ўргатиш.
- Тактик ўзаро ҳаракатларга ўргатишдаги асосий хатолар.
- Волейбол тўпини ўйинга киритишида тўпни қўлдан кўтарилиши.
- Волейбол майдони ўлчамини аниқланг.
- Волейбол мусобақасида нечта ўйинчи ўйнаши мумкин.
- Волейбол ўйини неча бўлимдан иборат.
- Волейбол ўйинида нечта ҳакам учрашувни бошқаради.
- Волейбол сеткасининг ўғил болалар учун баландлиги қанча?
- Волейбол сеткасининг баландлиги қиз болалар учун неча метр бўлади?

13. Волейбол ким томонидан ўйлаб топилган?
14. Волейбол тўпини ўйинга киритиш усууллари қайси?
15. Майдонда мураббийнинг ўрни қаерда бўлади?.

### **Мустақил ишлаш учун кўрсатмалар**

1. Баскетбол уйинида хужум тактикасини ахамияти.
2. Умумтаълим мактабларида баскетбол спорт турини режалаштириш.
3. Касб-хунар коллежларининг жисмоний тарбия дарсларида баскетболнинг ахамияти.
4. Баскетбол мусобакасидан Осиё ва Европа чемпионатларининг ахамияти.
5. Олимпия уйинларида баскетбол спорт турининг урни.
6. Умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарсида баскетбол фанидан дарс конспектини тузиш.
7. Баскетболнинг Узбекистон терма командасининг Осиё уйинларида тутган урни.
8. Болалар ва усмирлар спорт мактабларида баскетбол спорт турининг ривожланиши.
9. Волейболда хужум тактикасини ахамияти.
10. Умум таълим мактабларида Волейбол спорт турини режалаштириш.
11. Касб-хунар коллежларда Волейбол дарсини режалаштириш.
12. Умум таълим мактабларида Волейбол дарснинг ахамияти.
13. Жисмоний тарбия дарсларида Волейбол соатларини таксимлаш.
14. Волейбол фанидан дарс конспекти.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Айрапетянс Л.Р. Волейбол назарияси ва услубияти Дарслик Тошкент ЎзДЖТИ 2012й
2. Расулов О.Т. Баскетбол Дарслик Тошкент 1998 й
3. Хўжаев Ф, Нигманов Б.Б Рахимқулов К.Д, “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси” (Спорт ўйинлар) Ўқув қўлланма Тошкент 2008 йил
4. Павлов Ш ва бошқалар Гандбол Дарслик Тошкент 2005 й
5. Акромов Р нинг таҳрири остида Футбол Дарслик Тошкент 2006 й

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Раҳимқулов К.Д., Усмонхўжаев Т.С. «Жисмоний тарбиядан болалар ва ўсмирлар учун 1000 машқ ҳамда ҳаракатли ўйинлар. 2001й.
2. Усмонхўжаев Т.С., Хўжаев Ф.“1001” ўйин. Т.: 1990 й
3. Раҳимқулов К.Д. «Кичик ёшдаги болаларнинг қадди қоматини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар» 2001 й
4. Ҳарко Броун. Традиционал Маори Гамес. - Сопиригҳт © 2006 еар.

5. Хўжаев Ф, Рахимқулов К.Д, Нигманов Б.Б “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва ўқитиши методикаси” (ҳаракатли ўйинлар) Ўкув қўлланма. Тошкент 2008 йил.
6. Адам Гоодес. Юлунга: Традитионал Индигеноус Гамес. - Сидней 2009 еар.
7. Астиве счоолс. Кори ки те Кура. Гамес спорт Нew Зеаланд 2012 еар.

#### **Интернет сайтлари**

1. [www.tdpuz.uz](http://www.tdpuz.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.sport.uz](http://www.sport.uz)

### **4-5-Мавзу: Баскетбол ва волейбол ўйинларининг қойидаларини тақомиллаштириш**

#### **Режа:**

- 1. Баскетбол ўйинининг қоидалари.**
- 2. Волейбол ўйинининг қоидалари.**

**Таянч иборалар:** баскетбол, волейбол, тўп, ўйин, майдон, қоидалар, техника, тактика, жисмоний сифатлар, жисмоний ривожланиш, ишчанлик қобиляти, ўйинчилар, тарих, ривожланиш

Баскетбол ўйинида ҳар бири беш ўйинчидан иборат иккита жамоа қатнашади. Ҳар иккала жамоанинг мақсади рақиб саватига тўп ташлаш ва бошқа жамоанинг тўпни эгаллаб олишига ҳамда уни саватга ташлашга қаршилик қўрсатишдан иборат.

Тўпни узатиш, саватга ташлаш, думалатиш ёки майдонда истаган томонга олиб юриш қуида баён этилган қонунларга риоя қилинган шароитдагина мумкин.

Ўйин майдони тўғри тўртбурчак шаклида, юзаси қаттиқ, ясси ҳамда тўсиқлардан ҳоли жой бўлиши керак.

Олимпиада турнирлари ва Жаҳон биринчилиги ўйинлари учун майдон ўлчовлари узунлиги 28м x 15м бўлиши ва улар чегараланган чизиқнинг ички томонидан ўлчаниши керак.

Қолган барча мусобақалар учун ФИБАга тегишли структуралар, масалан, зонал ҳамда континентал мусобақаларда зонал комиссия ёки ички мусобақалар учун Миллий Федерасия мавжуд ўйин майдонларининг қўйидагича ўлчовини тасдиқлаш ҳуқуқига эга: ўзгартиришлар бир-бирига пропорционал бўлиш шарти билан, 4 м узунлигига ва 2 м энига қисқартириш мумкин.



Барча янги қурилаётган майдонлар ФИБАнинг муҳим расмий мусобақалари учун хос бўлган талабларга мос, яўни 28 м x 15 м бўлиши лозим.


Шифт баландлиги 7 м дан паст бўлмаслиги ва етарли даражада ёритилган бўлиши зарур. Ёруғлик манбалари ўйинчиларга халакит бермайдиган жойларда ўрнатилиши шарт.

Ўйин майдони яхши кўринадиган чизиқлар билан белгиланган бўлиши ва бу чизиқлар истаган нуқтада томошабинлар, реклама тўсиқлари ва бошқа ғовлардан камида 2 м узоқликда жойлашиши керак. Майдоннинг узун томонларини белгиловчи чизиқлар ён чизиқлар, қиска томонларини белгиловчи чизиқлар эса эн чизиқлар деб аталиши лозим. Чизиқлар шундай чизилиши керакки, улар яққол кўринадиган ва эни 0,5 см бўлиши керак. Марказий доира радиуси 1,80 м га teng бўлиши ва майдон марказида белгиланиши керак. Радиус доиранинг ташқи чеккасигача ўлчаниши шарт. Марказий чизик эн чизиқларига параллел ҳолда ён чизиқлари ўртасидан ўтказилиши ва ҳар иккала ён чизиқларидан 15 см ташқарига чиқиб туриши керак. Майдоннинг рақиб шити орқасидаги эн чизифи ва марказий чизиқнинг яқин чеккаси ўртасида жойлашган қисми жамоанинг олд зонаси ҳисобланади. Майдоннинг қолган қисми, шу жумладан, марказий чизик ҳам жамоанинг орқа зонаси ҳисобланади. Полнинг майдонда ажратилган ва иккита ёй ҳосил қиласидаги чизиқлар билан чегаралангандаги қисми ўйиндан 3 очколи тўпларни ташлаш зоналари бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ёй саватнинг мутлоқ марказига тўғри перпендикуляр бўлган полдаги нуқтани марказ қилиб белгилаб туриб, ташқи қиррасигача 6,75 радиусли ярим доира шаклида чизилади ва параллел ҳолда ён чизиқларига давом эттирилиб, эн чизиқларидаги тугайди (28-расм).

Майдонда ажратиладиган эн чизиқлари, жарима тўпини ташлаш чизиқлари ва эн чизиқларидан ўтказиладиган чизиқлар билан чегаралангандаги пол қисми чегаралангандаги зоналар ҳисобланади. Уларнинг ташқи чегаралари эн чизиқларининг ўртасидан

3 м узоқликда бўлади, жарима тўпини ташлаш чизифининг ташқи чеккасида тугайди.





Жарима тўпини ташлаш жойи – бу ўйин майдонида 1,80 радиусли ярим доира билан ажратиладиган чегараланган зоналардир. Уларнинг марказлари жарима тўпини ташлаш чизиги ўртасида жойлашган. Бундай ярим доиралар чегараланган зоналарнинг ичидаги нуқтали чизиклар билан ўтказилади (29,30-расм).

Жарима тўпни ташлаш зонаси бўйлаб белгиланган жойларни ўйинчилар жарима тўпи ташланаётганда эгаллайдилар. Бундай жойлар қуидагича белгиланади: жарима тўпини ташлаш зонаси томонидан чизиклар бўйлаб ўлчаб туриб, эн чизигининг ички чеккасидан 1,75 м узоқликда биринчи белгиланади. Биринчи жой 0,85 см узоқликда ўтказиладиган чизик билан чегараланади. Бу чизик орқасида эни 0,40 см бўлган бетараф хона жойлашади. Иккинчи жой бетараф зона кетида жойлашади ва эни 0,85 см бўлади. Иккинчи жойни белгилаб турган чизикдан кейин эни 0,85 см бўлган учинчи жой белгиланади. Бу жойларни белгилаш учун ишлатиладиган ҳамма чизикларнинг узунлиги 10 см ва эни 0,5 см бўлади. Бу чизиклар жарима майдончасининг ён чизикларига нисбатан перпендикуляр бўлиб, ташқи томондан чизилган бўлиши керак.

Жарима тўпини ташлаш чизиги ҳар иккала эн чизигига параллел ҳолда ўтказилади. Унинг узоқ чеккаси эн чизигининг ички чеккасидан 5,80 м узоқликда туриши ва у 3,60 м узунликда бўлиши керак. Унинг ўртаси эса иккала эн чизикларнинг ўртасини туташтирувчи чизикда бўлиши лозим.

Жамоа ўриндиғи зонаси майдон ташқарисида, котиб столи ва жамоалар ўриндиклари учун жой ажратилган томонда жойланади. Зона, эн чизигидан

ташқарига чиқиб туралған, узунлиғи 2 м бўлған чизик ва марказий чизиқдан ҳамда перпендикуляр ён чизигидан 5 м нарида чизиладиган бошқа чизик билан белгиланади.

2 м узунликдаги чизиқларнинг ранги ва ён чизиқлари рангига қарама-карши бўлиши керак.

Иккала шчитнинг ҳар бири қалинлиги 0,3 см бўлған қаттиқ ёғочдан ёки шунга мос ойнадек тиник ашёдан (ёғочнинг қаттиқлигига ўхшаш қаттиқликдаги бир бўлақдан) тайёрланиши лозим.

Олимпиада ўйинлари ва жаҳон Биринчилиги мусобақалари учун шчит ўлчовлари горизонтал бўйича 1,80 м ва вертикаль бўйича 1,05 м бўлиши, пастки қирраси майдон юзасидан 2,90 м баландликда туриши керак. Қолган барча мусобақалар учун ФИБАга тегишли структуралар, масалан, зонал ва континентал мусобақалар ўтказилганда зонал комиссия ёки барча ички мусобақалар учун миллий федерасия шчитларининг қуидагича ўлчовларини тасдиқлашга ҳаққилари бор: шчитлар горизонтал бўйича 1,80 м ва вертикаль бўйича 1,20 м бўлиши, пастки қирраси майдон юзасидан 2,75 м баландликда туриши мумкин ёки горизонтал бўйича 1,80 м ва вертикаль бўйича 1,05 м бўлиши, пастки қирраси майдон юзасидан 2,90 м. баландликда туриши мумкин. Бундан қатъий назар, барча янги қурилаётган шчитлар худди Олимпиадалар ва жаҳон Биринчилиги учун мўлжаллангандек, горизонтал бўйича 1,80 м ва вертикаль бўйича 1,05 м қилиб тайёрланиши керак.

Агар шит юзи силлиқ ва ойнадан тиник бўлмаган ашёдан тайёрланган бўлса, оқ рангда бўлиши шарт. Унинг сирти қуидагича белгиланади: ҳалқа орқасига эни 0,5 см га тенг бўлған чизиқлар билан тўғри тўртбурчак чизилади. Тўғри тўртбурчакнинг ташқи ўлчовлари горизонталига 59 см, вертикалига 45 см бўлиши керак. Унинг асос чизигининг юқори қисми ҳалқа билан тенг туриши керак. Шитларнинг четлари 0,5 см кенглиқдаги чизиқлар билан белгиланади. Бу чизиқлар шит рангидан яққол ажралиб туриши лозим. Агар шит тиник бўлса, у оқ чизиқлар билан, бошқа ҳолларда эса, қора билан ҳошияланади. Шитларнинг ҳошиялари ва уларда чизилган тўғри тўртбурчакнинг ранглари бир хил бўлиши шарт.


Шитларни мустаҳкам қилиб, майдоннинг иккала чеккасига эн чизиқларига паралел ҳолда, тўғри бурчак остида полга ўрнатилади. Уларнинг марказлари ҳар бири ён чизиқлари ўртасининг ички чеккасидан 1,20 м нарида майдондан чиқарилган нуқталарга перпендикуляр равишда жойлашади.

Шитларни ушлаб туралған қурилмалар эн чизиқларининг ташқи чеккасидан камида 2 м узоқликда жойлашиши шарт ва улар ўйинчиларнинг кўзига яққол ташланадиган даражада очик рангга бўялган бўлиши лозим.


Иккала шит юмшоқ материал билан қуидагича қопланган бўлиши керак: шитларнинг пастки қирраси ва ён томонлари учун юмшоқ ўрам тагидан камида 35 см узоқликда таг сиртини ва ёнларнинг устини қоплади. Олдинги ва орқа сиртлар тагидан камида 0,2 см узоқликда қопланади ва тўлдирилган материал камида 0,2 см қалинликда бўлиши лозим. Шитнинг пастки қисми тўлдирилган материал 0,5 см қалинликда бўлиши керак.

Қурилмалар юмшоқ материал билан қуидагиңа қопланади: шитнинг ҳар қандай қурилмаси шчит орқасидан ва полдан камида 2,75 м баландликда, шчитнинг сирт юзасидан 60 см узоқликда, таг юзаси бўйлаб юмшоқ материал билан қопланган бўлиши керак.

Ҳамма кўчма шитларнинг таги майдон томонидан сирти бўйлаб 2,15 м баландликда юмшоқ материал билан ўралган бўлиши лозим (31-расм).



31-расм. Ҳалқа шчит қурилмаси.




32-расм. Шчит. Унинг ўлчовлари.

Саватлар ҳалқа ва тўрлардан иборат. Ҳалқа қаттиқ металлдан тайёрланади, унинг ички диаметри 45 см га тенг бўлиб, тўқ сарик (апелсин) рангга бўялади.


Ҳалқаларнинг металли ками билан 0,17 см ва кўпи билан 0,2 см диаметрга эга бўлиб, пастки қиррасида тўпларни илиш учун қўшимча бир хил кичик илмоқлар ёки шунга ўхшаш илгаклари бўлиши керак. Ҳалқалар майдонга нисбатан горизонтал ҳолатда, 3,05 м баландликда шитларга мустаҳкам ўрнатилади ва шиттнинг ҳар иккала вертикал чеккаларидан бир хил узоқликда жойлашади. Ҳалқалар ички чеккасининг яқин нуқтаси шиттнинг юза қисмидан 15 см узоқликда туриши керак (32-расм).

Ҳалқаларга илинадиган тўрлар оқ канопдан тайёрланади, уларнинг тузилиши шундай бўлиши лозимки, тўп сават орасидан ўтаётган вақтда бир лаҳза ушланиб қолиши мумкин бўлсин. Тўрларнинг узунлиги 40 см бўлиши шарт (33-расм).



**33-расм.** Ҳалқа.

Тўп шарсимон шаклда ва тасдиқланган қизғиш рангда бўлиши керак: у сирти билан бирга чармдан, резина ёки сунўий хомашёдан тайёрланади; унинг айланаси узунлиги 749 см дан кам ва 780 см дан кўп бўлмаслиги лозим; у камида 567 г дан кам ва 650 г дан кўп бўлмаган оғирликка эга бўлиши керак; унга ҳаво шундай тўлдирилиши керакки, тўп тахминан 1,80 м баландликдан (тўпнинг пастки қиррасидан ўлчанганд) ўйин майдонига ёки қаттиқ ёғоч полга тушган вақтида тўпнинг юқори қиррасидан ўлчанганд 1,20 м дан кам ва 1,40 м дан ортиқ бўлмаган баландликка кўтарилиши лозим. Тўпнинг чоклари ёки чуқурликларининг кенглиги 0,635 см дан ортиқ бўлмаслиги керак (34-расм).



**34-расм.** Баскетбол тўпи.

Майдон эгаси бўлган жамоа юқорида айтиб ўтилган шартларга жавоб берадиган, камида битта аввал ишлатилган тўп билан таўминланиши лозим. Катта ҳакам тўпнинг яроқлилигини аниқлаб берувчи ягона шахс бўлиб ҳисобланади ва у меҳмон жамоа тақдим қилган тўпни ўйин учун танлаб олиши мумкин.

Қуйидаги техник жиҳозлар майдон эгалари томонидан тайёрланган бўлиши ва ҳакамлар ҳамда уларнинг ёрдамчилари ихтиёрига ҳавола қилиниши керак:

а) Ўйин вақтини белгиловчи соат ва танаффусларни ҳисоблайдиган соат; сония ҳисобловчи, ҳеч бўлмаганда битта ўйин вақтини белгиловчи соат ёки битта сония ўлчагич билан таўминланган бўлиши керак. Ўйин бўлимларини ва улар орасидаги танаффусларни ҳисоблашда ишлатиладиган соат ҳамда танаффус вақтини белгилашда ишлатиладиган сония ўлчагич шундай жойлашган бўлиши керакки, уларни ҳам сония ҳисобловчи, ҳам котиб аниқ ва равшан кўриб туришлари лозим;

б) 24 сония қоидасига риоя қилинишини назорат қилиш учун барча ўйинчилар ва томошабинларга кўринадиган тегишли мослама бўлиши керак. Уни 24 сония вақтини белгиловчи оператор бошқаради.

в) Ҳалқаро баскетбол Федератцияси томонидан тасдиқланган қайднома расмий ҳисобланиб, ундаги қоидаларга асосан ўйин бошланишидан олдин ва ўйин давомида котиб томонидан тўлдириб борилади;

г) Жуда бўлмаганда ушбу қоидаларда кўзда тутилган учта сигнал учун мосламалар бўлиши лозим.

Ўйинчилар, томошабинлар ва котибга кўринадиган қўшимча ҳисоб таблочи бўлиши керак;

д) 1-чи рақамдан 5-рақамгacha бўлган кўрсаткичлар котиб ихтиёрида бўлиши зарур. Ҳар сафар у ёки бу ўйинчи фол қилганида, котиб ўйинчи неchanчи фол олганлигига қараб шу рақамли кўрсаткични ҳар иккала мураббий кўра оладиган даражада юқорига кўтаради. Кўрсаткичлар оқ рангда бўлиши, рақамлари ўлчов бўйича 2 см ва энига 1 см, ҳамда 1-чидан 4-чи рақамгacha қора рангда, 5-чи қизил рангда бўлиши керак;

е) Котиб жамоа фолларини белгиловчи иккита кўрсаткичлар билан таўминланган бўлиши шарт. Кўрсаткичлар қизил рангда ва шундай тайёрланган бўлиши керакки, котиб столи устида турганида ўйинчилар, мураббийлар ва ҳакамлар яққол кўриб туришсин;

тўп жамоа ўйинчиси бешинчи фол қилинганидан сўнг ўйинга кирган вақтда, кўрсаткич котиб столи устига, яўни ўйинчиси бешинчи фол қилган жамоа ўриндиғи яқинидаги чеккага қўйилиши керак;

ж) Жамоа фолларини белгилаш учун ишлатиладиган муносиб мослама.

**Жамоалар, ўйинчилар, заҳирадаги ўйинчилар, сардор, мураббийлар**

Ҳар бир жамоа мураббий ва кўпи билан 10 та ўйинчидан иборат бўлади. Ўйинчилардан бири сардор бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир жамоа таркибида мураббий ёрдамчиси бўлиши мумкин. Агар жамоа бирон бир турнирда утдан ортиқ ўйинда иштирок этадиган бўлса, ҳар бир жамоанинг ўйинчилари сони 12

тагача ортиши мумкин. Ўйин пайтида ҳар иккала жамоадан бештадан ўйинчи майдонда бўлиши керак. Улар қоидаларга мувофиқ алмашишлари мумкин.

Агар жамоа аъзоси майдонда бўлса, у ўйинчи бўлиб ҳисобланади ва ўйинда қатнашиш хукуқига эга. Бошқа ҳолларда у захирадаги ўйинчи бўлиб ҳисобланади.

Агар ҳакам захирадаги ўйинчига майдонга тушиш учун рухсат берса, унда у ўйинчига айланади.

Ҳар бир ўйинчининг кўкрак ва орқа томонида рақами бўлиши керак. Бу рақамлар тушунарли ва бир хил рангда, майканинг рангидан яққол ажралиб туриши зарур. Рақамлар аниқ кўриниб туриши лозим: орқадаги рақамларнинг баландлиги камида 2 см, кўкракдаги рақамларнинг баландлиги камида 1 см бўлиши шарт. Рақамлар учун ишлатиладиган ашёнинг эни 0,2 см дан кам бўлмаслиги керак. Жамоалар 4-чидан 15-чигача бўлган рақамларни ишлатишлари лозим. Бир жамоа ўйинчилари тақорорланадиган рақамли майкани кийиб чиқишилари мумкин эмас.

Ўйинчининг спорт кийими қўйидагилардан иборат:

- бир жамоанинг ҳамма ўйинчилари олд ва орқа томонлари бир хил ва умумий рангда бўлган майкаларни кийишлари шарт. Йўл-йўл майкаларни кийиш ман этилади;
- бир жамоанинг ҳамма ўйинчилари бир хил ва умумий рангда бўлган шортик кийишлари керак;
- майкалар тагидан калта йенгли майкалар кийиш мумкин. Лекин калта енгли майкалар кийилса, уларнинг ранги майка рангига мос бўлиши шарт;
- калта шим тагидан пастга чиқиб турадиган ички кийим кийилса, унинг ранги калта шим рангига мос келиши керак.

Сардор зарурияти туғилганда майдонда ўз жамоасининг вакили бўлиб ҳисобланади. Бу қоидаларни изоҳлаш билан боғлиқ бўлган саволлар бўйича ёки керакли маўлумот олиш учун ҳакамга мурожаат қилиш мумкин. Бу нарса хушмуомалалик билан қилиниши лозим. Сардор бирон-бир узрли сабаб билан майдондан чиқиб кетишдан олдин, катта ҳакамга ўйинчилардан қайси бири унинг ўрнига сардор сифатида қолаётганлигини маўлум қиласди.

Тартиб бўйича ўйин бошланишига ҳеч бўлмагандан 20 дақиқа қолганида ҳар бир мураббий котибга ўйинда қатнашадиган ўйинчиларнинг фамилиялари ва рақамларини, шунингдек жамоа сардори, мураббийи ва мураббий ёрдамчисининг фамилияларини маълум қилиши керак.

Ўйин бошланишига 10 дақиқа қолганида мураббийлар ўз ўйинчиларининг фамилиялари ва рақамларни тасдиқлайдилар ва қайдномага кўл қўядилар ҳамда шу вақтнинг ўзида ўйинни бошлайдиган 5 та ўйинчини белгилаб қўядилар. «А» жамоаси мураббийи шу маўлумотни биринчи билдираётган бўлиб ҳисобланади.

Агар ўйинчи ўйин жараёнида ўз рақамини ўзгартирадиган бўлса, унда бу ҳақида котиб ва катта ҳакамга маълум қилиши зарур.

Бир дақиқалик танаффуслар ҳақидаги илтимосларни мураббий ёки мураббий ёрдамчиси қилишилари мумкин. Агар мураббий ёки мураббий ёрдамчиси ўйинчини алмаштириш кераклиги тўғрисида бир қарорга келсалар,

унда захирадаги ўйинчи шу илтимосни етказиш учун котибга мурожаат қилиши керак ва ўйинга дарҳол тушиш учун тайёр туриши зарур.

Агар жамоада мураббий ёрдамчиси мавжуд бўлса, унинг фамилияси ўйин бошланишидан олдин қайдномага ёзилган бўлиши шарт.

Агар мураббий турли сабабларга кўра ўз вазифасини давом эттира олмаса, бунда мураббий ёрдамчиси мураббий вазифасини бажаради.

Жамоа сардори мураббийдек ҳаракат қилиши мумкин. Агар у бирон бир узрли сабаб билан майдондан чиқиб кетиши керак бўлса, унда у мураббий сифатида ҳаракатини давом эттириши мумкин. Лекин, агар у қоидани бузганлиги туфайли ўйинда қатнашиш хукуқидан маҳрум этилган бўлса ёки оғир жароҳатланганлиги сабабли мураббийлик вазифасини бажара олмаса, унинг ўрнига сардор сифатида ўйинга тушган ўйинчи уни мураббий сифатида ҳам алмаштириш керак.

**Мураббий ва мураббий ёрдамчисининг стол атрофидаги ҳакамлар билан мулоқоти.** Мураббий ёки мураббий ёрдамчиси ўйин пайтида стол атрофида ўтирган ҳакамлар билан мулоқот қила оладиган жамоанинг ягона вакили бўлиб ҳисобланади. У истаган пайтида, масалан, ҳисоб, вақт таблога ёки фоллар сонига тегишли бўлган маўлумотни олмоқчи бўлганида ҳамда бир дақиқали танаффус олиш учун мурожаат қилганида бу ишни қилиши мумкин. Унинг ҳакамлар столи атрофида ўтирган ҳакамлар билан ўзаро мулоқот ҳар вақт ўйиннинг бир меёरда кечишига халақит бермайдиган бўлиши ва осойишталик ҳамда вазминлик билан ўтиши керак. Агар мураббий ўйинчини алмаштироқчи бўлса, у захирадаги ўйинчига алмашиш тўғрисида котибга мурожаат қилишни таклиф этади. Бу илтимосни айтиш учун мураббий ҳакамлар столи олдига бориши шарт эмас.

**Ўйин ҳолатлари.** Ўйин вақти «тоза» вақт 40 дақиқа давом этади. У тўртта 10 дақиқалик чораклардан иборат. Биринчи ва учинчи чораклардан сўнг 2 дақиқалик танаффус бўлади. Иккинчи чоракдан кейин 10-15 дақиқалик танаффус бўлади. Ўйин натижаси дуранг бўлса, 5 дақиқалик таймлар берилади.

Ўйин соати:

- а) баҳсли тўпни юқорига отиб бериш вақтида тўп ўзининг энг юқори нуқтасига етганидан сўнг, тўп ўйинчиларнинг бири томонидан уриб юборилган пайтида, ёки;
- б) агар жарима тўпи ноаниқ ташланган бўлса ва майдондаги бирон ўйинчи тўпни эгаллаб олган пайтида тўп ўйинда қолиши керак бўлса, ёки;
- в) майдондаги бирон ўйинчи тўпга теккан пайтда ўйин тўпни майдон ташқарисидан ўйинга киритиш билан давом эттирилса, ёқилади.

Ўйин соати:

- а) ўйиннинг ҳар иккала ярми ёки қўшимча давр охирида ёки;
- б) ҳакам ҳуштак чалган вақтда ёки;
- в) 24 сония операторининг сигнали чалинган пайтда ёки;
- г) агар танаффус талаб қилган мураббий жамоасининг саватига тўп тушса, аммо шу тўп саватга ташлаётган ўйинчининг қўлидан мураббий илтимосига нисбатан кейин чиқиб кетган бўлса, тўхтатилади.

Агар ўйиннинг иккинчи ярми тугаган вақтда ҳисоб дуранг бўлса, ҳисобдаги тенгликни бузиш мақсадида 5 дақиқалик қўшимча давр ёки мувозанат бузилгунга қадар бир неча 5 дақиқалик даврлар белгиланади. Жамоалар биринчи қўшимча давр бошланишидан олдин қурўа ташлаш йўли билан саватларни танлаб оладилар ва ҳар бир кейинги қўшимча давр бошланишидан олдин саватларни алмаштирадилар. Ҳар бир қўшимча давр орасида 1 дақиқалик танаффуслар қўзда тутилади. Ҳар бир қўшимча давр бошида ўйин марказий доирада баҳсли тўп отиб берилиши билан бошланади.

Ўйин марказий доирада баҳсли тўп ташлаб берилиши билан бошланади. Катта ҳакам икки рақиб ўртасида тўпни юқорига отиб беради. Бу нарса ўйиннинг иккинчи ярми бошланишида, агар керак бўлса, ҳар бир қўшимча давр олдидан ҳам бажарилади.

Меҳмон жамоа саватни ва жамоа ўриндиғини танлаб олиш хуқуқига эга бўлиши керак. Агар ўйин бетараф майдонда ўтказилаётган бўлса, бу хукуқни жамоалар ўзаро қурўа ташлаш йўли билан аниқлайдилар. Ўйиннинг иккинчи ярмида жамоалар саватларини алмашадилар. Агар жамоалардан бирида ўйинга тайёр бешта ўйинчи майдонда бўлмаса, ўйин бошланиши мумкин эмас. Агар ўйин бошланиши вақтидан 15 дақиқа ўтганидан сўнг қоидани бузаётган жамоа йўқ бўлса ёки майдонга 5 та ўйинчисини чиқара олмаса, унда бу жамоа ўйнаш хуқуқидан маҳрум қилингандиги сабабли мағлубиятга учрайди ва ғалаба бошқа жамоага берилади.

I-II чоракдан кейин жамоалар ҳужум қилиш томонларини алмаштирадилар. Қўшимча чоракларда ҳужум қилиш томонлари билан алмашинмайди. Тўртинчи чорақда қайси сават томон ҳужум бўлган бўлса, шу томонга ҳужум қиласидилар.

- а) ҳакам баҳсли тўпни отиб бериш учун доира ичига кирган пайтда ёки;
- б) ҳакам жарима тўпи отилишини бошқариш учун жарима тўгини ташлаш майдонига кирган пайтда, ёки;

в) майдон ташқарисидаги вазиятда, тўп тўпни ўйинга киритиш жойида турган ўйинчининг ихтиёрида бўлган пайтда, тўп ўйинга киритилди деб ҳисобланади.

Агар жонли тўп юқоридан саватга тушиб, унинг ичидаги қолса ёки ундан ўтиб пастга тушса, тўп саватга тушди деб ҳисобланади. Тўп ўйин жараёнида майдондан саватга тушса, 2 очко, уч очко келтирадиган чизик орқасидан саватга тушса 3 очко ҳисобланади.

Жарима тўпи ташланганда саватга тушган тўп 1 очко ҳисобланади. Қайси жамоа ҳужум уюштириб саватга тўп туширса, майдондан ташланган бундай тўп шу жамоа ҳисобига ёзилади. Агар тўп пастдан юқорига чиқаётib бехосдан сават ичига кириб қолса, бу тўп жонсиз ҳисобланади ва ўйин тўпни ўйинга галма-гал киритиш қоидаси билан давом эттирилади. Лекин агар ўйинчи атайлаб тўпни пастдан саватга киритса, бу қоиданинг бузилиши бўлиб ҳисобланади ва рақиб ўйин жамоаси томонидан тўпни қоида бузилган жойга яқин бўлган майдоннинг ён чизиги ташқарисидан ўйинга киритиш билан давом

эттирилади. Бу баҳс тўпи вазияти содир бўлганда баҳс тўпи отиш ўрнига тўпни майдон ташқарисидан ўйинга киритиб, тўпни жонли қилиш усулидир.

Ўйин бошланганида бирон жамоа тўпни назорат қилган заҳоти, тўпни галма-гал ўйинга киритилишини англатувчи стрелка тўпни эгаллаб олган жамоа томонига қаратилади. Яна баҳсли тўп вазияти содир бўлса, стрелканинг уни қаратилмаган жамоа ўйинчиси шу жой яқинидаги ён чизик ташқарисидан тўпни ўйинга киритади. Тўп ўйинчининг қўлидан чиқсан заҳоти стрелка тўп узатган ўйинчининг жамоаси тарафга қаратилади.

Захирадаги ўйинчи майдонга тушишидан олдин алмashiш ҳақида котибга мурожаат қилиши ва дарҳол ўйинга кириш учун тайёр туриши лозим. Котиб тўп жонсиз ҳолатга ўтиши ва ўйин соати тўхтатилиши билан, аммо тўп қайтадан ўйинга киритилишидан олдин, ўз сигналини бериши шарт. Ўйин қоидаси бузилганидан сўнг қоидани бузмаган жамоа тўпни майдон ташқарисидан тўпни ўйинга киритиши керак бўлса, фақат шу жамоагина ўз ўйинчисини алмаштириши мумкин. Агар шундай вазият юзага келса, рақиб жамоаси ҳам кейинчалик ўз ўйинчисини алмаштириши мумкин. Захирадаги ўйинчи ҳакам майдонга тушишга рухсат бергунига қадар майдон чегараси ташқарисида туриши лозим ва рухсат олинганидан сўнг дарҳол ўйинга тушиши мумкин. Ўйинчиларни алмаштириш имкони борича тез амалга оширилиши керак. Агар ҳакамнинг фикрича, бирон бир жамоа ўйин вақтини асоссиз чўзаётган бўлса, қоида бузаётган жамоа ҳисобига танаффус ёзилиши зарур. Баҳсли тўп учун курашда қатнашадиган ўйинчи бошқа ўйинчи билан алмаштирилиши мумкин эмас. Алмаштирилган ўйинчи бир алмаштириш даври ичида яна қайтадан майдонга чиқишга ҳаққи йўқ.

Қўйидаги ҳолларда:

а) агар талаб қилиб олинадиган танаффус берилган ёки фол белгиланган бўлмаса, майдондан ташланган тўп саватга тушганидан сўнг;

б) биринчи ёки ягона жарима тўпини ташлаш учун тўп ўйинга киритилган пайтдан бошлаб, то ўйин вақти ҳисобининг маўлум бир давридан сўнг тўп яна жонсиз ҳолатга ўтмагунича, фол ёки қоида бузилиши соатда ҳисоб қилишни бошлашдан олдин қайд қилинмагунича ўйинчиларни алмаштиришга рухсат берилмайди. Бундай қоидабузарлик учун жарима тўпини ёки тўпларни ташлаш, галма-галлик қоидаси бериш ёки майдоннинг ён чизиги ташқарисидан тўпни ўйинга киритиш жазо бўлиб ҳисобланади.

Ўйиннинг биринчи ярмида 2 та, иккинчи ярмида 3 та, шу билан бирга ҳар бир қўшимча даврда ҳар бир жамоа бир дақиқали танаффус олиши мумкин. Фойдаланилмаган 4 дақиқали танаффус 1 чи чоракда олинмаса, 2 чи чоракка ўтиши мумкин, ёки ўйинчи чоракда олинмаган дақиқалик танаффус тўртинчи чоракка ўтиши мумкин, лекин ўйиннинг биринчи ярмидаги олинмаган танаффуслар иккинчи ярмига ўтмайди, берилмайди. Ўйин вақтининг ҳар иккала ярмида ҳар бир жамоага иккита талаб қилиб олинадиган танаффуслар ва қўшимча даврнинг ҳар бирида бир марта шундай танаффус берилиши мумкин. Талаб қилиб олинмаган танаффуслар ўйиннинг кейинги ярми ёки қўшимча даврга кўчирилиши мумкин эмас. Мураббий ва мураббий ёрдамчиси талаб

қилиб олинадиган танаффусни сўрашига ҳаққилари бор. Буни улар шахсан котибга бориб, қоидаларда кўрсатилган ишоралар орқали «танаффус» олишларини қўллари билан кўрсатишлари лозим. Котиб талаб қилинган танаффус ҳақидаги илтимосни тўп жонсиз ҳолатга ўтган пайтда, ҳамда албатта, тўп ўйинга киритилишидан олдин ҳакамларга маўлум қиласди.

Шунингдек, мураббий ёки мураббий ёрдамчисининг талаб қилиб олинадиган танаффус ҳақидаги илтимосидан сўнг, рақиб жамоаси майдондан саватга тўп ташласа, бу илтимос саватга тўп ташланишидан олдин, яўни тўп отаётган ўйинчининг қўлидан чиқиб кетишидан олдин қилинган бўлсагина, уларга танаффус берилиши мумкин. Бу ҳолда сония ҳисобловчи ўйин соатини дархол тўхтатиши лозим. Шундан сўнг, котиб ўз сигналини чалади ва талаб қилиб олинадиган танаффус ҳақида илтимос билдирилганлигини ҳакамларга маўлум қиласди. Тўп биринчи ёки ягона жарима тўпи ташланганидан кейин, ўйинга кирган пайтдаги дақиқадан то ўйин вақти тугаб, тўп яна жонсиз ҳолатга ўтмагунча, куйидаги ҳоллардан ташқари:

а) жарима тўпларини ташлаш оралиғида фол қилинган пайтда жарима тўпларини ташлаш охирига етказилади, танаффус эса фол учун янги жазо берилганда, тўп ўйинга киришидан олдин олинади;

б) ўйин соати юргазилишидан олдин қоида бузилиши қайд қилинса, бунда баҳсли тўп ташлаб бериш ёки майдоннинг эн чизиги ташқарисидан тўпни ўйинга киритиш жазо бўлиб ҳисобланади, талаб қилиб олинадиган танаффусни олишга рухсат берилмайди.

Бир дақиқа давом этадиган танаффус ушбу шартларга биноан жамоа ҳисобига ёзилади. Агар танаффусга жавобгар жамоа талаб қилиб олинган танаффус вақти тамом бўлмасидан ўйинни бошлишга тайёр бўлса, катта ҳакам дархол ўйинни бошлайди. Танаффус вақтида ўйинчиларга ўйин майдонини ташлаб чиқиши ва жамоа ўриндиғида ўтиришга рухсат этилади.

Тўп жонсиз ҳолатга ўтиши ва ўйин соати тўхталиши билан, аммо тўп ўйинга киритишдан олдин котиб сигнал берганидан кейин майдондаги ҳакам рухсат берганидагина амалга ошиши мумкин. Ўйинчиларни алмаштириш иккала жамоани хоҳлаган пайтида амалга оширилади. Жарима тўпини отиш белгиланганда, ўйинчилар жарима тўпи отиладиган сават тагидаги З сонияли майдонча атрофида куйидаги тартибда жойлашишлари шарт. Уч сонияли зонани, яўни трапесияни шчитга яқин томонидаги иккала биринчи жойни ҳимоячилар эгаллайдилар, бетараф зонада ҳеч ким турмайди. Бетараф зонадан кейинги иккинчи жойни хужумчилар эгаллайдилар, ундан кейинги учинчи жойлардан бирини битта ҳимоячи эгаллаши керак.

Ҳаммаси бўлиб З сонияли зона атрофида олтита ўйинчи жойлашиши керак. Қолган ўйинчилар орқа томонда жойлашадилар.

Ўйин натижаси ўйин давомида тўпланган энг кўп очколар сонига қараб аниқланади.

**З сония қоидаси.** Тўпни назорат қилаётган жамоа ўйинчиси тўп билан ёки тўпсиз бўлишидан қатўй назар рақиб жамоанинг трапетсия шаклидаги чегараланган зонасида қаторасига З сониядан ортиқ туриши мумкин эмас.

Уч сонияли зонани чегаралаб турган чизиқлар шу зонанинг қисми бўлиб ҳисобланади. Шу чизиқларнинг бирини босиб турган ўйинчи зона ичида тургандек ҳисобланади.

**5 сония қоидаси.** Тўпни эгаллаб турган ҳамда рақиб томонидан яқиндан таўқиб қилинаётган ўйинчи, тўпни шерикларига 5 сония ичида узатмаса, саватга отмаса, юмалатмаса ёки олиб юрмаса, қоида бузилган ҳисобланади. Майдон ташқарисидан тўпни ўйинга киритишга ҳамда жарима тўпини отишга ҳам 5 сония вақт берилади.

Агар қоида бузилса, тўп қоида бузилган жойга яқин бўлган ён (ен) чизиқ ташқарисидан ўйинга киритилади.

**8 сония қоидаси.** Агар ўйинчи ўзининг орқа зonasида жонли тўп устидан назорат ўрнатса, унинг жамоаси 8 сония ичида тўпни ўзининг олд зonasига албатта ўтказиши керак (агар рақиб ўйинчиси тўпни майдон ташқарисига уриб чиқарса, у ҳолда 8 сония бошидан саналади, 24 сонияли вақт эса давом этаверади.).

Агар тўп олд зонада турган шеригига ёки олд зонага тегса, тўп жамоанинг олд зonasига ўтган ҳисобланади. Қоида бузилгандан тўп қоида бузилган жой яқинидаги ён (ен) чизиқ ташқарисидан ўйинга киритиш учун рақиб жамоасига берилади.

**24 сония қоидаси.** Агар ўйинчи майдонда жонли тўп устидан назорат ўрнатса, унинг жамоаси 24 сония ичида рақиби савати томон тўп отиши керак. Ушбу қоидага риоя қилмаслик қоиданинг бузилиши ҳисобланади.

**Қоидаларга риоя қилмаслик ва жазо.** Қоида бузилиши - бу қоидаларга риоя қилмасликдир. Бунда қоидани бузган жамоа томонидан тўпнинг йўқотилиши жазо бўлиб ҳисобланади.

**Фол** - бу қоидаларга риоя қилмаслик. У қоидани бузган ўйинчи номига ёзиладиган ва қоиданинг моддалари шартларига мувофиқ муносиб даражада жазоланадиган рақиб билан шахсий мулоқотни ёки спортчиларга зид бўлган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

**Шахсий фол** - бу тўп ўйинда жонли ёки жонсиз бўлиши ёки бўлмаслигидан қатўйи назар, рақиб билан тўқнашувни содир қилган ўйинчига берилган фолдир.

Ўйинчи қўллари, елкалари, сонлари ва тиззаларини қўйиб, ўз танасини одатдагидан ташқари ҳолатда букиб, рақибнинг ҳаракатланишига халақит бериши, тўқнашиши, оёғидан чалиши, итариши, оёғидан ушлаб қолиши, йўлини тўсиши ҳамда қандай бўлса ҳам қўпол тактика қўллаши мумкин эмас.

**Икки томонлама фол** – иккита рақиб ўйинчи бир вақтнинг ўзида бир-бирига қарши фол содир қилган вазиятда белгиланади.

**Техник фол** ўйинчиларга, заҳирадагиларга, мураббийга ва унинг ёрдамчисига берилиши мумкин. Агар ўйинчи ҳакамлар кўрсатмаларини менсимаса ёки спортчиларга хос бўлмаган “тактика” қўлласа техник фол берилади.

**Атайлаб қилинган фол** – ҳакамнинг фикрича, ўйинчи томонидан тўп билан ёки тўпсиз ҳаракатланаётган рақибиға нисбатан қасдан қилинган

шахсий фолдир. Бу қилинган ҳатто-ҳаракатнинг жиддийлиги билан белгиланмайди, балки олдиндан ўйланган ёки мўлжаллангандек кўринадиган тўқнашув бўлиб ҳисобланади. Атайлаб қилинган фолларни такрорлаган ўйинчи ўйинда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

**Ўйинда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум (дисквалификация) қилинадиган фол.** Шахсий ва техник фолларда қайд қилинганларга спортчиларга хос бўлмаган даражада риоя қиласлик – ўйинда қатнашиш ҳуқуқидан маҳум қиладиган фол (дисквалификация фоли) ҳисобланади. Иккита жарима тўпи ташланади ҳамда тўп “зона чизифи”дан жарима тўпи отган жамоа ўйинчиси томонидан ўйинга киритилади.

**Жарима тўпларини отиш билан жазоланадиган фол.** Ҳакам фол бўлғанлигини қайд қилганда, агар бу фол учун жарима чизифидан саватга тўп (тўплар) отиш билан айбдор жамони жазолаш лозим бўлса, у бармоқлари билан айбдор жамоанинг жарима чизигини кўрсатади.

Жамоанинг тўртта фоли. Ҳар бир жамоа ўйинчисининг ёки ўйинчиларининг олган фолларини сони 4 та бўлса, бундан кейинги оладиган фоллари учун жарима чизигидан 2 та жарима тўпи отиш имконияти рақиб жамоасига берилади. Ҳар бир чоракда жамоани 4 та фоли алоҳида-алоҳида ҳисобланади.





**Ҳакамлар.** Ҳакамлар дейилганда катта ҳакам ва ҳакам тушунилади. Уларга сония ҳисобловчи, котиб ва 24 сония оператори ёрдам берадилар. Шунингдек, техник комиссар ҳам қатнашиши мумкин.

### Ҳакамларнинг имо-ишоралари

 <p>1. Икки очко (бир очко - бир бармоқ)</p> <p>Панжа ҳаракати орқали кўтариш ва тушириш</p>	 <p>2. 3 очколи тўп ташлашга уриниш</p> <p>3 бармоқ кўрсатилади (катта, кўрсаткич, ўрта)</p>	 <p>3.</p> <p>Муваффақиятли бажарилган 3 очколи тўп</p> <p>3 бармоқ кўрсатилади (катта, кўрсаткич, ўрта)</p>
 <p>4. Ташланган тўп ҳисобланмайди, ўйин ҳаракати ҳисобланмайди</p>	 <p>5. Соатни тўхтатиш ёки ўйин соатини ишга солмаслик</p> <p>Кафт кўтарилади,</p>	 <p>6. Ўйин вақти ишга туширилсин</p> <p>Очиқ кафтли қўл билан юкорига ва пастга</p>

Гавда олдида қўлларни ёзиш	бармоқлар бирга	ҳаракатлантириш
7. Ўйинчини алмаштириш   Кўкрак олдида қўлларни чалиштириш	8. Ўйинда талаб қилиб олинган танаффус   Кафт ва бармоқ “т” ҳосил қиласи	9. Тўп билан ҳаракатланаётганда қоида бузилиши   Иккала қўл муштини ўзаро айлантириш
10. Тўпни нотўғри олиб юриш   Кўлларни тепага- пастга ҳаракатлантириш	11. 3 сония қоидасининг бузилиши   Кўлни ойсимон ҳаракатлантириш	12. Тўпни ушлаб қолиш   Кафтни олдинга ярим доира шаклида айлантириш

13. 5 сония ёки 10 сония коидасининг бузилиши   10 сония учун 2 қўл ишлатилади	14. Тўпнинг орқа зонага қайтарилиши   Бармоқни буриб кўрсатиш	15. Оёқ билан атайлаб ўйнаш   Бармоқ билан оёқ кўрсатилади
16. 30 сония коидасининг бузилиши   Бармоқлар елкага тегади	17. 30 сонияни янгидан ҳисоблаш   Бармоқни айлантириш	18. Баҳсли тўп   Катта бармоқлар кўтарилади
19. Фолпайтида соатларни тўхтат иш	20. Жариматўплар исиз белгиланган шахсий фол	21. Коида бузувчини белгилаш учун

 <p>Кўл мушт қилиб сиқилган, кафт бел даражасида қоида бузган ўйинчи томонга йўналтирилган</p>	 <p>Бармоқ ёнчизик томонникўрсатади</p>	 <p>Ўйинчи рақамини кўрсатиш</p>
 <p>22. Ушлаб қолиши Билакни сиқиб ушлаш</p>	 <p>23. Тўпсиз итариб юбориш ёки тўқнашиш Итариб юборишни имо-ишора билан кўрсатиш</p>	 <p>24. Кўллар билан нотўри ўйнаш Панжа билан билакни уриш</p>
 <p>25. Куршаб олиш (хужумда ва химояда) Иккала қўл билан</p>	 <p>26. Тирсакларни ҳаддан ташқари ёзиб юбориш Тирсакларни ёнга ва орқага харакатлантириш</p>	 <p>27. Тўпли ўйинчининг рақиб билан тўқнашиши (зўравонлик қилиб ўтиш) Очиқ кафтга мушт билан уриш</p>

## 5.2. Мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказишни такомиллаштириш

**Мусобақаларнинг аҳамияти.** Спорт мусобақалари спортчиларнинг малакаларини оширишда катта аҳамиятга эга. Улар жисмоний, техник, тактик, руҳий, функционал тайёргарликларни аниқлашга ва такомиллаштиришга ёрдам беради ҳамда қилинаётган меҳнатни натижасини кўрсатади.

Тўғри ва яхши ташкил қилинган мусобақалар катта тарбиявий аҳамиятга эга, чунки мусобақалар факат жисмоний сифатларгагина (кучлилик, чидамлилик, тезкорлик ва эгилувчанлик) эмас, балки руҳий-психологик сифатларга ҳам катта таўсир кўрсатади. Мусобақа даврида спортчиларнинг ташкилотчилик, ўзини тута билишлик, жамоа мақсадини ўз мақсадидан юқори қўя олишлик каби яна бир қанча сифатлари ҳам такомиллашади.

Мусобақаларда қатнашувчилар авваломбор, тажриба алмашадилар, мураббийлар эса янги тренировка усулларини синовдан ўтказиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, спорт мусобақалари спорт турларини тарғиб қилишининг энг яхши ва ҳаммабоп шаклларидан ҳисобланади.

**Мусобақаларнинг турлари.** Мусобақалар қўйилган вазифаларгагина қараб: биринчиликлар ёки чемпионатлар, кубок мусобақалари, қисқартирилган, бараварлаштирилган, классификация ва саралаш мусобақалари, матч ва ўртоқлик учрашувлар каби турларга бўлинади.

Биринчиликлар ёки чемпионатлар энг катта мусобақалардан бўлиб, уларда колектив, туман, шаҳар, республика чемпиони деган фахрий унвон берилади. Улар йилда бир марта ўтказилади. Биринчилик ғолиблари олтин, кумуш ва бронза медаллари билан мукофотланадилар.

Кубок мусобақалари “ютказган чиқиб кетиш” принсипида ўтказилади. Бу мусобақалар кўп вақт талаб қилмайди ва кўп қатнашувчиларни жалб қилиш имконини беради.

Қисқартирилган мусобақалар (блиц турнирлар)да кўп жамоалар қатнашганлари ҳолда бир кунда ўтказилади. Бунинг учун ўйин вақти 30 дақиқагача қисқартирилади. Бундай мусобақалар мавсумнинг очилишига ёки байрамларга бағишлиб ўтказилади.

Бараварлаштирилган мусобақалар тайёргарлиги ҳар хил бўлган жамоалар орасида ўтказилади. Жамоаларнинг қизиқишини сақлаб қолиш учун кучсизрок жамоага олдиндан ёки учрашув тамом бўлгандан сўнг қўшимча очколар берилади.

Классификация мусобақалари жамоаларнинг (ўйинчиларнинг) тайёргарлигини аниқлаш, спорт классификациясининг разряд талабларини бажариш мақсадида ўтказилади.

Саралаш мусобақалари тайёргарлиги энг яхши жамоаларни (ўйинчиларни) аниқлаб, кейинги йирик мусобақаларда қатнаштириш учун ўтказилади.

Матч учрашувлари мусобақалар календарида кўзда тутилган ва анўанавий ҳисобланади. Учрашувларда икки ва ундан ортиқ жамоалар қатнашиши мумкин. Мусобақаларнинг бундай турлари алоҳида шаҳарлар, вилоятлар ҳамда чет давлатлар орасида дўстлик муносабатларининг ривожланишига ёрдам беради.

Ўртоқлик учрашувлари бўлажак мусобақаларга ва спорт тренировкасининг баўзи бир бўлимлари бўйича тайёргарликни аниқлаш мақсадида айrim жамоалар ўртасида ўтказилади.

**Мусобақа ўтказиш системалари.** Мусобақа пайтида ҳамма жамоаларга ғалаба учун курашишга бир хил шароит яратиб бериш ва ғолибларни ҳақиқий натижалар асосида аниқлаш керак.

Мусобақаларни ўтказиш системалари ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин у ёки бу системаларни танлашда қуйидаги шароитларни ҳисобга олиш лозим:

- А) мусобақа олдида турган вазифаларни ;
- Б) мусобақа ўтказиш шароитларини;
- В) қатнашувчи жамоаларнинг сонини;
- Г) ўтказилаётган мусобақанинг турларини;
- Д) қатнашувчиларнинг спорт тайёргарлиги ва ишлаб чиқаришда бандлигини;

Е) мусобақа ўтказиш жойларининг бандлиги, сони ва худудий жойлашувини.

Умуман олганда спорт ўйинлари мусобақаларини ўтказиш амалиётида асосан иккита (чиқиб кетиш ва айланма) система қўлланилади.

Бу икки системанинг қўшилиши натижасида учинчи – аралаш система пайдо бўлади.

Чиқиб кетиш системаси бўйича мусобақалар ўтказиш. Бу система бўйича мусобақалар ўтказилганда учрашувда ютқазган жамоа кейинги учрашувларда қатнашмайди. Натижада мусобақа охирида бирор марта ҳам ютқазмаган жамоа қолади. Ана шу жамоа ғолиб ҳисобланади. Охирги (финал) учрашувда ғолиб жамоага ютқазган жамоа иккинчи ҳисобланади. Бу системанинг афзаллиги шундаки, агар 64 жамоа билан айланма система бўйича мусобақа ўтказиш учун 63 календар куни талаб қилинадиган бўлса, чиқиб кетиш системаси бўйича эса фақат 6 календар кунининг ўзи кифоя. Лекин у бир қатор камчиликларга ҳам эга. Бу система барча жамоаларнинг ҳақиқий ўйинларини аниқлаш имконини бермайди ва шу усул қўлланилганда аксарият жамоалар жуда кам учрашувларда қатнашади.

Бирорта кучли жамоа биринчи куннинг ўзида мағлубиятга учраб, мусобақалардан чиқиб кетиши мумкин. Чиқиб кетиш системаси бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳамма учрашувлар бирор жамоанинг ғалабаси билан тугалланиши лозим.

**Айланма система.** Мусобақалар айланма системада ўтказилганда ҳамма жамоалар бир-бирлари билан бир, икки ёки ундан ҳам кўпроқ учрашиб чиқишилари мумкин. Пировардида бутун мусобақа давомида энг кўп очко тўплаган жамоа ғолиб чиқади.

Айланма система энг такомиллашган система ҳисобланади. Чунки у фақат биринчи ўринни эгаллаган жамоанигина аниқлаб қолмай, балки мусобақада қатнашаётган ҳамма жамоаларнинг тайёргарлигига қараб муносиб ўринларни аниқлаб беради. Бу система қатнашувчилардан катта тайёргарликни ва баскетболчиларнинг бутун мусобақа даврида юқори спорт формасида бўлишиларини талаб қиласи. Айланма системанинг салбий томони – мусобақа ўтқазиш учун кўп вақт талаб қилишидир. Вақтдан ютиш учун жамоаларни бир нечта гурухларга бўлиш мумкин.

**Аралаш система.** Мусобақаларни аралаш система ўтказилганда учрашувларнинг бир қисми айланма, икинчи қисми эса чиқиб кетиш системасида ўтказилади. Бу усул мусобақаларда қатҳашаётган жамоалар сони кўп ҳамда улар бир бирларидан худудий жиҳатдан узоқда жойлашганда қўлланилади. Бунда ҳамма жамоалар зоналарга ва гурухларга бўлинади. Мусобақалар зоналарда ва гурухларда чиқиб кетиш бўйича ўтказилса, финал мусобақалари эса айланма системаси бўйича ўтказилиши мумкин ва аксинча.

**Мусобақа низоми.** Мусобақаларни юқори савияда ўтказиш уларни тайёрлаш даражаси қандай бўлганлигига бевосита боғлиқдир. Тайёргарлик ишларига ҳужжатларни тайёрлаш (ишлаб чиқиш), мусобақа ўтказиладиган жойларни тайёрлаш, қатнашувчи жамоалар билан иш олиб бориш ва шу

кабилар киради. Ҳар бир мусобақага тайёргарлик унга низом тузиш билан бошланади. Низом мусобака үтказища асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. У ёки бу ташкилот низомни олдиндан аниқ билиши, унга ўкув-тренировка ишларини тўғри режалаштиришига ёрдам беради. Шунинг учун низомни ўз вақтида қатнашувчи ташкилотларга олдиндан юборишлари ўта зарур.

Низом мусобақани үтказувчи спорт ташкилоти томонидан тузилади, ҳамда қўйидагиларни ифодалайди:

1. Мусобақанинг мақсади ва вазифалари. Улар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- А) ўкув-тренировка ишларининг якунини текшириш;
- Б) баскетболчиларнинг тайёргарлигини текшириш ва кучлиларни аниqlаш;
- В) спортчиларнинг системали равища тренировка қилишга ва спорт маҳоратларини ошириш;
- Г) баскетбол ўйинини омма ўргасида кенг ёйиш ва бошқалар.

2. Мусобақаларни үтказиш жойи ва вақти. Мусобақа үтказиладиган шаҳар (база) кўрсатилади ва кунлари белгиланади.

3. Мусобақани бошқариш. Мусобақани ташкил қилувчилар қайси ташкилотлиги, раҳбарлари, ҳакамлар ҳайёти ва уларни тасдиқловчи ташкилот кўрсатилади;

4. Мусобақаларда қатнашувчи ташкилотлар ва спортчилар. Мусобақада қатнашувчи жамоалар сони ва номи кўрсатилади; талабнома (заявка)га киритиладиган қатнашувчиларнинг кўпи билан қанча бўлишлиги, яўни сони, ёши ва уларни малакаси белгиланади.

5. Мусобақаларни үтказиш шартлари. Қурўа ташлаш вақти, жойи ва унинг асосий принциплари (тамойиллари) маўлум қилинади. Мусобақа қайси ўйин системаси (айланма, чиқиб кетиш, аралаш) бўйича үтказилиши кўрсатилади.

6. Норозилик (протест)ларни тақдим этиш шартлари ва уларни кўриб чиқиши тартиби.

7. Жамоаларни ва қатнашувчиларни мукофотлаш. Голиб жамоа ва совриндорларни мукофотлаш, эсталиклар тақдим қилиш кўрсатилади.

8. Жамоаларни қабул қилиб олиш. Агар мусобақалар спортчиларнинг доимий турар жойларида үтказилмаса, у ҳолда маблағ ажратувчи ташкилот, келиш ва кетиш муддатлари, жойлаштириш ҳамда овқатлантириш қандай ташкил этилиши кўрсатилади.

9. Талабнома (заявка)ни ва қайта талабномани тақдим этиш турлари ва вақти, жамоалар ва қатнашувчиларни расмийлаштириш (паспорт, рейтинг дафтарчаси, классификация билети, талабалик гувоҳномасини тақдим қилиш) тартиби

## ВОЛЕЙБОЛ ЎЙИН ҚОИДАЛАРИ

1897 йилда тадбиқ этилган баъзи бир ўйин қоидалари қўйидагича эди:


1. Майдонча чегаралари 7,6x15,1 метр

2. Тўрнинг ўлчамлари  $0,61 \times 8,2$  метр баландлиги 198 см
3. Тўпнинг вазни 349 г, айланаси 63,5-68,5 см.
4. Ўйинчилар сони чегараланмайди ва ҳакозо.

Хозирги қабул қилинган қоидаларга асосан:

1. Ҳужум майдони ўлчами  $3 \times 9$  м.
2. Ҳимоя майдони ўлчами  $6 \times 9$  м
3. Майдоннинг умумий ҳажми  $18 \times 9$  м
4. Тўрнинг ўлчамлари. Эни -1 м. узунлиги 9,5 м.
5. Тўрнинг баландлиги эркаклар -243 см, аёллар -224 см.
6. Тўпнинг оғирлиги 270 гр. Айланаси 65 см.
7. Жамоа 12 ўйинчи, майдонда ўйинчиларни сони 6 та.
8. Тўпнинг оғирлиги 260-270 гр.
9. Тўпни айлана узунлиги  $66-1$  см. Антенна баландлиги  $1.80$  см.





## Назорат саволлари

1. Волейбол ўйини нечанчи йил ўйлаб топилган?
  2. Волейбол ўйинида нечта ҳакам ҳакамлик қиласади?
  3. Волейбол майдони ҳажми.
  4. Волейбол ўйинида бир жамоада нечта спортчи майдонда ўйнайди?
  5. Волейбол эркаклар тўрининг баландлиги неча метр бўлади?
  6. Волейбол аёллар тўрининг баландлиги неча метр бўлади?
  7. Волейбол туридаги антенна неча метр бўлади?
  8. Волейбол ўйини неча очкога бориб якунланади?
  9. Волейбол ўйинини охирги бўлими неча очкода якунланади?
  10. Волейбол ўйинида ҳакам томонидан неча марта тайм аут берилади?
  11. Волейбол ўйинида очколар сони нечтага етганда тайм аут берилади?
  12. Волейбол ўйинида бир жамоада нечта лебера ўйнайди?
  13. Леберани майдонда ҳаракатларини изохланг.
  14. Волейбол ўйинида тўпга 4 марта тегиш қачон рухсат берилади?
  15. Волейбол тўпини катаги неча см бўлади?
  16. Ҳужум майдони неча метр бўлади?
  17. Волейбол ўйини вақтга қараб ўйналадими ёки сонга?
  18. Волейбол ҳимоя майдони неча метр бўлади?
  19. Волейбол ўйинида оёқ билан ўйнаш мумкинми?
  20. Волейбол тўпини оғирлиги қанча?

## **Мустақил ишлаш учун саволлар**

1. Волейбол уйин тарихи.
2. Волейбол уйинининг собик итифокда ривожланиши.
3. Узбекистонда Волейболнинг ривожланиши.
4. Волейбол уйин техникаси.
5. Волейбол уйин тактикаси.
6. Волейболчиларнинг тезкорлигини ошириш омиллари.
7. Волейболчилар чакконлигини ошириш омиллари.
8. Волейбол майдони хажмлари ва уйин коидалари.
9. Волейбол уйин очколар хисоби, котиб хакамнинг вазифаси.
10. Волейбол мусобакасида айланма системасининг ахамияти.
11. Олимпия тизимида мусобака утказиш тартиби.
12. Волейбол уйинида хакамлар ва уларнинг вазифалари.
13. Волейбол уйинининг низом ива унинг ахамияти.
14. Волейбол уйинининг ривожланиши.
15. Узбекистонда Волейбол уйинини ривожланиши.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Айрапетянс Л.Р. Волейбол назарияси ва услубияти Дарслик Тошкент ЎзДЖТИ 2012й
- 2.Расулов О.Т. Баскетбол Дарслик Тошкент 1998 й
- 3.Хўжаев Ф, Нигманов Б.Б Рахимқулов К.Д, “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси” (Спорт ўйинлар) Ўқув қўлланма Тошкент 2008 йил
4. Павлов Ш ва бошқалар Гандбол Дарслик Тошкент 2005 й
5. Акромов Р нинг таҳрири остида Футбол Дарслик Тошкент 2006 й

## **Кўшимча адабиётлар**

1. Раҳимқулов К.Д., Усмонхўжаев Т.С. «Жисмоний тарбиядан болалар ва ўсмиirlар учун 1000 машқ ҳамда ҳаракатли ўйинлар. 2001й.
2. Усмонхўжаев Т.С., Хўжаев Ф.“1001” ўйин. Т.: 1990 й
3. Раҳимқулов К.Д. «Кичик ёшдаги болаларнинг қадди қоматини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар» 2001 й
4. Ҳарко Броун. Традитионал Маори Гамес. - Сопиригҳт © 2006 еар.
5. Хўжаев Ф, Раҳимқулов К.Д, Нигманов Б.Б “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва ўқитиш методикаси” (ҳаракатли ўйинлар) Ўқув қўлланма. Тошкент 2008 йил.
6. Адам Гоодес. Юлунга: Традитионал Индигеноус Гамес. - Сидней 2009 еар.
7. Астиве счоолс. Кори ки те Кура. Гамес спорт Нew Зеаланд 2012 еар.

## **Интернет сайтлари**

1. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.sport.uz](http://www.sport.uz)

## **2-МАВЗУ: БАСКЕТБОЛ ВА ВОЛЕЙБОЛ ЎЙИН ТЕХНИКАСИ ҲАМДА ТАКТИКАСИ ТАСНИФИ РЕЖА:**

1. Баскетбол ўйин техникаси ва тактикаси асослари.
2. Ўйин техникаси ва тактикаси таснифи.
3. Хужум, химоя техника ва тактикаси.
4. Волейбол ўйин техникаси ва тактикаси таснифи.
5. Хужум ва химоя тактикаси.

**Таянч иборалар:** баскетбол, волейбол, тўп, ўйин, майдон, қоидалар, техника, тактика, жисмоний сифатлар, жисмоний ривожланиш, ишchanлик қобиляти, ўйинчилар, тарих, ривожланиш

**Баскетбол ўйини техникаси:** Баскетбол ўйинининг асосини қуидаги техник ҳаракатлар ташкил этади. **Юриш, югуриш, сакраш, тўхташ ва бурилишлар.**

Баскетболчининг асосий ҳаракатлари бўлиб, бу ҳаракатлардан олдин баскетболчи дастлабки ҳолатда бўлади. Дастлабки ҳолатда гавда бир оз эгилган оёқлар тизздан бир оз букилган ва бир оёқ олдинда қўйилган. Юриш ва югуриш ҳолатлари баскетболчининг майдон бўйлаб ҳаракатланишини таъминлайди. Юриш ва югуришлар ҳар хил тезликда ва ҳар хил йўналишида амалга оширила-ди. Сакрашлар тўп қабул килишда ва узатишда ҳамда саватга тўп улоктиришда бажарилади. Якка хужум ҳолатида, икки кадамли хужум

ҳаракатида сакрашлар бир оёқда бўлиши ва тинч ҳолатдан саватга тўп улоктиришда сакрашлар икки оёқда бажарилади. Баскетболчи тўп қабул килишда ва узатишда ҳамда ҳужум ва химоя ҳаракатларини режалаштиришда сакраши ёки ҳаракатланишдан тўхташи мумкин. Бу ҳолатда алдов ҳаракатлари гавдани Ҳар хил шаклда ушлаб туриш оёқларини қўйиш шакллари ҳам турлича бўлиши мумкин. Буришилар баскетболчининг асосий техник ҳаракатларидан бўлиб, у тўпсиз ва тўп билан амалга оширилиш мумкин. Тўпсиз буришилар ҳолатлари қулай вазиятга чиқиши, ҳужум уюштириши, химоя ҳолатини эгаллаш вақтида бўлиши мумкин. Тўп билан буришилар ҳаракати фақатгина бир оёқ таянч ҳолатидан узилмаган ҳолда бажарилади акс ҳолда тўпсиз ҳаракат ҳисобланниб, тўп рақиб жамоага олиб берилади.

**Баскетбол ўйини тактикаси:** У ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Чунки, бу ўйин тезкор ўйин ҳисобланади. Шу билан бирга баскетбол ўйини жамоа ўйинидир. У ўйинчиларни ўзаро мувофиқ ҳолда ҳаракат қилишларини, ҳужум ва ҳимояда ўйинчилар бир-бирини тушунишларини талаб этади. Ўйин олиб боришининг якка ҳолда, гуруҳ бўлиб ва жамоа усуллари мавжуд. Шунга мувофиқ ўйин фаол ва суст ташкил этилиши мумкин. Баскетбол ўйини тактикаси ҳужум ва ҳимоя тактикасига бўлинади. Бу тактик усуллар бир-бирига зид ва қарама-қарши бўлгани билан биринчиси иккинчисига нисбатан тез ўзгариши мумкин. Ҳужум ва ҳимоя тактикалари ҳам якка ҳамда гуруҳ тактик ҳаракатларга бўлинади.

**Ҳужум тактикаси:** Ҳужум тактикасининг мақсади самарали ҳужум уюштириш ва саватга бўлган курашида ғолиб келиб, ижобий натижаларга эришишдир. Ҳужум давомида ҳужумчилардан тез ва чаққон ҳаракат қилиш талаб этилади. Якка ҳолдаги ҳужумда ҳужумчи ҳужум вазифасини ўзининг тезкорлиги ва чаққонлиги ҳамда техник ҳаракатларни аниқ бажариши билан уддаласа, гуруҳ ҳужумларида бир неча ҳужумчи мувофиқ ҳолда тез ва чаққон ҳаракат қилиши керак.

**Якка ҳолдаги ҳужум тактикаси:** Қуйидаги ҳаракат шаклларини ўз ичига олади. Ҳужум учун қулай жой танлаш ва техник ҳаракатларни самарали бажариш. Ҳужум давомида ҳужумчи тўпсиз ва тўп билан ҳаракатланади. Ҳужум учун қулай жой ва вазият танлаш муҳим ўрин тутади. Ҳужумчининг тўпсиз ҳаракати унинг қўриқлаб турган ҳимоячидан қочиши ва ҳужум уюштириши учун қулай вазият ва жой танлаши керак. Тўп билан ҳужум қилаётганда ҳимоянинг заиф жойини топиш ва саватга тўп ташлаш учун қулай вазият ва жойни танлаш керак.

**Гуруҳ ҳолдаги ҳужум тактикаси:** Баскетболда янги ташкил этилган ҳимояни бузиб кириш, бир ҳужумчига катта қийинчилик туғдиради. Шунинг учун бундай ҳимояларда гуруҳ ҳолдаги ҳужум тактикаси қўлланилади. Гуруҳ ҳужумларини икки ва ундан ортиқ ҳужумчилар уюштирадилар. Гуруҳ ҳужумлари жуда хилма-хил ва вазиятга қараб ўзгариб боради. Гуруҳ ҳужумларини кўринишларидан бири тўсик қўйишидир. Бу усулда бир ҳужумчи тўпсиз ҳолда ҳимоячини олдини тўсади. Унинг ортидан эса бошқа ҳужумчи тўп билан ҳужум уюштиради. Тўсик қўйишининг ҳам кўп усуллари бор. Тўп олиб

юришда тўсиб қўйиш, якка ҳолда ҳужум қилиб тўсиб қўйиш, шерикни тўсиқ ҳолатида ҳужум қилиши ва ҳоказо.

**Волейбол ўйини техникаси:** Волейбол ўйинини олиб боришда қуидаги асосий техник ҳаракатлар бажарилади. Туришлар, силжишлар, тўп узатиш, тўп ўтказиш, тўп қабул қилиш, ҳужум уришлари ҳамда ҳимоя тўсиқлари. Волейбол ўйини тезкор ҳужум ва ҳимояга асосланган.

**Туришлар:** Ўйинчининг тўп қабул қилиш, тўп узатиш, ҳужум уюштириш, ҳимоя тўсиғи қўйиш учун тайёргарлик ҳолатидир. Ўйинчининг туришлари тўпни учиш тезлиги ва йўналишига мувофиқ ўзгариб туради. Тўпни узатиш ва қабул қилиш баланд, ўрта ва паст туриш ҳолатларида амалга оширилади. Ҳар қандай тўпни қабул қилиш ва узатиш учун ҳамда ҳужум уюштиришлари ва ҳимоя тўсиғи бажаришга ўрта туриш ҳолатлари қулай ҳисобланади.

**Силжишлар:** Ҳимоя вазифаларини амалга оширишда силжиш ҳаракатлари бажарилади. Силжишлар сурилиш, сакраш, югуриш, ҳамда ташланиш билан бажарилади.

**Тўп ўтказиш:** Тўп ўтказиш ўйинга тўп киритиш ҳаракати ҳисобланиб, тўп урувчи ўйинчининг мақсади очко ютиш ёки рақибнинг тактик ҳаракатларини қийинлаштиришдир. Барча тўп ўтказишлар паст ва юқори тўп ўтказишларга бўлинади, иккала ҳолатда ҳам тўғридан ва ёндан тўп урилади. Паст тўп ўтказишлар кучли ҳисобланиб, тўп қабул қилишни қийинлаштиради. Майдоннинг очиқ ҳолати ҳамда заиф ҳимоячининг турган жойини ҳисобга олган ҳолда тўп ўтказишнинг иккала усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

**Тўп узатишлар:** Ўйин давомида жуда кўп шаклда амалга ошириувчи ҳаракатлар ҳисобланиб, ўйиннинг асосий йўналишини таъминлайди. Тўп узатишларда юқоридан узатишларга - бармоқлар билан бажариладиган ҳаракат ҳамда пастдан узатишлар билак ҳаракати билан бажарилади. Тўп узатишларни қўлларда якка ҳолда ҳамда жуфт ҳолда бажарилиш мумкин. Шу билан бирга тўп узатишлар кучли, кучсиз, тинч ҳолатда, сакрашда ҳамда ташланиб бажарилиши мумкин. Тўп узатишлар тўғрига, юқорига ҳамда бош ортига бажарилиши ҳам учрайди. Ташланиб тўп узатилганда олдига ва орқага ташланиб бажарилиши мумкин.

**Ҳимоя тўсиқлари:** Ўйинда ҳимоя вазифасини бажарувчи техник ҳаракатлар ҳисобланиб, рақибининг ҳужум уришларини бартараф қилишга қаратилган бўлади. Ҳимоя тўсиқларидан фойдаланишнинг асосий талаби бу техник ҳаракатни ўз вақтида ва керакли жойда бажаришдир. Ҳимоя тўсиқлари қўйишда тўпнинг уриш тезлиги, кучи ҳамда йўналишини аниқлаш, тўсиқни мустаҳкам қўйилишига асос бўлади. Ҳимоя тўсиқларини қўйиш ҳаракатлари техникаси силжиш, сакраш, қўлни тўсиқ учун чиқариш ҳамда тушиш ҳаракатларидан иборатдир. Силжиш ҳаракатлари сакраш ва сурилиш билан бажарилади. Бу ҳаракат тўсиқ учун қўлни тўр устига чиқаради. Ҳимоя тўсиқларини қўйиш якка ҳолда, жуфтликда ва учлик бўлиб бажарилиши мумкин. Кўпчиликда ҳимоя тўсиқлари қўйишнинг муваффакияти ўйинчиларнинг ҳаракатларини ўзаро мувофиқликда бажарилиши билан амалга

ошади. Ҳимоя тўсиқларини қўйишда албатта тўсиқнинг ортида ўйинчи алдов ҳаракатларини бўлмаслиги учун кузатиб туриши керак.

**Волейболда ҳимоя тактикаси:** Ўйин ҳимоя ва ҳужум тактикаларидан иборат бўлиб, ҳимоя ва ҳужум тактикаларида якка ҳаракатлар, гурух ва жамоа ҳаракатлари қўлланилади.

**Якка ҳаракатлар:** Ҳимоя тўсиқлари қўйишда якка ҳаракатлар деб ўйинчининг якка ҳолда ҳимоя тўсиғи қўйиши тушунилади. Бу ҳаракатлар у жой танлаши, тўп қабул қилиши ва ҳужум уюштиришларини тўсишидан иборат бўлади. Жой танлаши ўйинчининг чапга, ўнгга, олдига ва орқага силжиш ҳаракатлари билан амалга ошади. Шу билан бирга ўйинчи қайси зонадан ҳужум уюштирилиши ва ҳужум кучи ёки алдов ҳаракатлари бўлишини назорат қилиб турди. Ҳимоя тактикасида асосий вазифани биринчи тўпни қабул қилиш ҳисобланади. Жамоада биринчи тўпни доимий қабул қилувчи ўйинчи бўлиши мумкин. У биринчи тўпни қабул қилиб ҳужум учун шароит яратиши керак. Ҳужум уришларда тўпни тўғри қабул қилиш ҳамда ўйинни давом этказиш ҳимоячиларнинг асосий вазифасидир. Ҳимоячилар ҳужум уришлар қандай масофада бажарилди, тўпнинг учиш тезлиги, йўналиши, алдов ҳаракатлари ҳамда ҳимоя тўсиқларини ёриб ўтишини ҳисобга олиши керак.

Якка тўсиқ қўйиши ўйинчидан сакровчанликни ҳамда техник ва тактик жиҳатдан тайёргарликни ва жисмоний ривожланганликни талаб этади. Тўсиқ қўйишдан мақсад ҳужум уришларини зонага ўтказмаслик ёки ҳужум уриши кучини сусятириб қарши ҳужум уюштиришдир. Якка тўсиқ қўйишда тўғри жой танлаш ва ўз вақтида тўсиқ учун сакраб чиқиш, якка тўсиқ муваффақиятини таъминлайди. Шунинг учун ҳимоячи рақиб жамоасининг ҳужумчиси ҳаракатларини доимо кузатиб туриши керак. Сакраш вақти ва сакраш тезлиги баландлиги ҳужумчининг ҳужум қила олиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Қисқа ҳужумларни бартараф этиш учун тўсиқ қўйишига ҳимоячи ҳужумчи билан бир вақтда ҳаракатланиши керак. Тўсиқ қўйишлиар жойда туриб ёки ҳаракат давомида бажарилиши мумкин. Жойдан туриб тўсиқ қўйишлиар кутилмаган тўпга, яъни ҳимоячи томон йўналган тўпга бажарилади. Ҳаракатдаги тўсиқлар эса уюштирилиши мумкин бўлган жойга ҳаракатланиб бажарилади. Тўсиқ қўйишда қўлларнинг ва билакнинг ҳаракати муҳим аҳамиятга эга. Енгил ҳужум уришлари кафт билан тўсилиши мумкин. Катта куч билан ҳамда тайёрланиб уриладиган ҳужум уришлари зич қилинган билаклар билан тўсилади.

Якка ҳолда тўсиқ қўйишда ҳимоячининг ортидан алдов ҳаракатлари бўлмаслиги учун яна бир ўйинчи ҳимояга келиши керак.

**Ҳужум тактикаси:** Бу тактик усуллар ҳужум уришлари, якка ҳолдаги ҳужум ҳаракатлари ва ҳужумда гурух, жамоа ҳаракатларига бўлинади.

**Ҳужум уришлари** - жамоанинг тактик ҳаракатларини якунловчи ҳаракатдир. Ҳужум уришлари тўғри ва ёнбош уришларига бўлинади. Тўғри уришда ўйинчи тўрга юз билан турди ва уриш ҳаракатини тепадан пастга қараб бажаради. Ёнбош уришда ўйинчи сеткага ёнбош ҳолда турди. Уриш ҳаракатида қўлни ёйсимон ҳаракатлантириб бажаради. Тўғридан уриш ҳаракати

асосий ҳужум уриши ҳаракати ҳисобланади. Тана оғирлиги ва қўл кучи билан бажариладиган уриш куч уриши дейилади. Билак ҳаракати билан бажариладиган ҳужум уруши билак уриши дейилади. Тўсиқларни енгиш учун тўғри ва ёнбош ҳужум уришларида тўпни ҳар-хил зонага тушириш билан бажарилади. Тўсиқларни енгишда бажариладиган уришлар хилма-хил шаклда бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

- 1.Айрапетянс Л.Р. Волейбол назарияси ва услугияти Дарслик Тошкент ЎзДЖТИ 2012й
- 2.Расулов О.Т. Баскетбол Дарслик Тошкент 1998 й
- 3.Хўжаев Ф, Нигманов Б.Б Рахимқулов К.Д, “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси” (Спорт ўйинлар) Ўқув қўлланма Тошкент 2008 йил
4. Павлов Ш ва бошқалар Гандбол Дарслик Тошкент 2005 й
5. Акромов Р нинг таҳрири остида Футбол Дарслик Тошкент 2006 й

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Раҳимқулов К.Д., Усмонхўжаев Т.С. «Жисмоний тарбиядан болалар ва ўсмиirlар учун 1000 машқ ҳамда ҳаракатли ўйинлар. 2001й.
2. Усмонхўжаев Т.С., Хўжаев Ф.“1001” ўйин. Т.: 1990 й
3. Раҳимқулов К.Д. «Кичик ёшдаги болаларнинг қадди қоматини ривожлантиришга мўлжалланган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар» 2001 й
4. Ҳарко Броун. Традитионал Маори Гамес. - Сопиригҳт © 2006 еар.
5. Хўжаев Ф, Раҳимқулов К.Д, Нигманов Б.Б “Спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва ўқитиш методикаси” (ҳаракатли ўйинлар) Ўқув қўлланма. Тошкент 2008 йил.
6. Адам Гоодес. Юлунга: Традитионал Индигеноус Гамес. - Сидней 2009 еар.
7. Астиве счоолс. Кори ки те Кура. Гамес спорт Нew Зеаланд 2012 еар.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.tdpuz.uz](http://www.tdpuz.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.ziёnet.uz](http://www.ziёnet.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.sport.uz](http://www.sport.uz)

## **АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР**

### **МАВЗУ № 1 Баскетбол тўпини олиб юриш, узатиш ва қабул қилиш техникасини такомилаштириш**

**Тўпни илиб олиш** – бу малаканинг ёрдамида ўйинчи ишонарли равища тўпни эгаллаб олиш ва у билан кейинги ҳужум ҳаракатларига киришиши мумкин.


Тўпни илиб олиш, кейинчалик тўпни ошириб бериш, илиб юриш ёки отишни бажариш учун ҳам дастлабки ҳолат ҳисобланади, шунинг учун ҳаракатлар ўз тузилишси билан кейинги усулларни аниқ ва қулай бажарилишини таъминлаши лозим. Ўйинчи тўпни хали илмай туриб, уни кейин қаёққа ва кимга узатишни билиши керак.

**Тўпни икки қўл билан илиб олиш.** Тўпни икки қўл билан илиб олиш, тўпни эгаллашнинг энг оддий ва шу билан бирга ишончли усули ҳисобланади.

Тайёрлов қисми: агар тўп ўйинчига кўкрак ёки бош баландлигига яқинлашаётган бўлса, унда қўлларни тўпга қарши чиқариш, бўш бармоқлар ва панжа билан тўпни тутиш, тўп ҳажмига нисбатан каттароқ воронкани ҳосил этиш керак.


Асосий қисми: тўп бармоқларга тегиши вақтида унга панжаларни яқинлаштириб, бармоқлар билан ушлаш керак (кафт билан эмас), қўлларни эса кўкракка тортиб, тирсак бўғинларида букиш керак. Қўлларни букиш учиб келаётган тўпнинг уриш кучини пасайтирадиган амортизатсиён ҳаракат ҳисобланади.

Яқунловчи қисм: тўпни қабул қилгандан кейин гавдани яна озгина олдинга ташланади: ёйилган тирсаклар билан рақибдан сақланаётган тўпни кейинги ҳаракатларга тайёрлаш ҳолатига олиб чиқилади. Агар тўп кўкрак баландлигидан анча паст учиб келса, унда ўйинчи тўпнинг учиш баландлигига пасайтириб, одатдагидан кўра пастроқ ўтиради (1-расм).




1-расм. Пастлашиб келаётган тўпни илиш.

**Бошдан баланд учиб келаётган тўпни тутиб олиш** учун сакраш ва ёйилган панжалар билан қўлларни кескин юқорига чиқариш керак (катта бармоқлар эркин ёйилган). Тўп бармоқларга теккан пайитда, панжаларни яқинлаштиради, ичига букиб улар билан тўпни маҳкам ушлашади, қўлларни эса тирсак бўғимларига букиб, тўпни пасайтиришади ва гавдага тортишади (2-расм). Паст учиб келаётган тўпни тутиш пайитда қўлларни пасайтиришади, панжа ва бармоқлар эса худди ёйилган косани ташкил қилишади (икки қўл жимжилоги ўртасидаги оралиқ бир неча сантиметрдан ошмаслиги керак).



**2-расм.** Юқори траектория билан узатилган түпни сакраб илиш: а – дастлабки ҳолат; б – сакраган ҳолат; в – түпни илиб олиш ҳолати; г – сүнгги ҳолат.




**3-расм.** Майдондан сапчиған түпни илиш.

**Майдондан сапчиётган түп учун қураш,** түпни илиб олиш учун, қулай баландликка сакрашни кутмаслик керак. Унга қараб ҳаракат қилиш, уни сакрашнинг бошланғич пайтида тутиш керак. Ўйинчи түпга томон энгашади, тезда гавдани олдига эгади, қўлларни олдинга-пастга туширади, ташқи томондан панжаларни түпга олиб келади, лекин тепадан эмас. Түпни ушлаб олгач, у дарҳол түғриланади ва уни ўзига тортади (3-расм).

**Түпни ҳаракатда илиш,** ўзига узатиш ёки саватга отиш мақсадида, шундай номланувчи, икки қадамли техникани қўллашади. Агар ўйинчи түпни тутгандан кейин югираётган оширишни ёки отишни дарҳол амалга оширмоқчи бўлса, айтилган бир қўл билан, у чап оёғи билан туртки бажарилган ва ўнг оёғи олдинга чиқарилган пайтда, түпни енгил сакраб, уни илиб олиши керак. Сўнг ўнг оёқ билан туртиш (биринчи қадам), чап оёқ билан туртиш (иккинчи қадам) ва сакраш давомида түпни ўнг қўл билан ошириши ёки отиши керак. Агар ўйинчи ҳаракатда илиб олгандан кейин дарров чап оёғини ўқ чизигида қолдириш учун иккала оёғи билан тўхтамоқчи бўлса, у ҳолда ўйинчи ўнг оёғи билан туртки бериш бажарилган ва чап оёғи олдинга чиқсан пайтда түпни илиб олишга ҳаракат қилиши керак. Сўнг биринчи секинлаштирувчи чап оёқ билан,

иккинчи тўхтатувчи қадам ўнг оёқ билан ва ўнг оёқда бурилишларни бажариш имкониятини берадиган қилиб тўхташ керак (4-расм).



**4-расм.** Думалаб келаётган тўпни ҳаракатда илиш.

**Тўпни бир қўл билан илиш:** учиб келаётган тўпга етиб бориш ва уни икки қўл билан илишга шароит, йўл қўймаган ҳолда уни бир қўл билан илиш керак.

Тайёрлов қисми: ўйинчи қўлни шундай қилиб чиқарадики, тўпнинг учиш ўйини кесиб ўтсин (панжа ва бармоқлар бўш).

Асосий қисм: тўп бармоқларга тегиши билан қўлни орқага-пастга олиб бориши керақ, худди шу ҳаракат билан тўпни учиши давом эттирилаётгандек (амортизатсиён ҳаракат). Бу ҳаракатга гавданинг илиб олувчи қўл томон бир оз бурилиши ёрдам беради.

Яқунловчи қисм: тўпни бир қўл билан ушлаб, сўнг қўл билан маҳкам ушлаши, сўнг эса тезда ҳаракат қилишга тайёр бўлиши керак. Баланд учиб келаётган тўпни уни қўлидан уриб чиқариб юбормаслиги учун тирсакларни кериб (бироз ёйиб) мувозанат ҳолатига келади.

### Тўпни узатиш

**Узатиш** – бу учиш ёрдамида ҳужумни давом эттириш учун ўйинчи тўпни шеригига йўналтирилган малакадир.

Тўпни тўғри ва аниқ узатишни билиш – ўйинда баскетболчиларнинг биргалиқдаги аниқ, мақсадга йўналтирилган ҳарактерларининг асосидир. Тўпнинг ҳар хил услублари бор. Уларни у ёки бу ўйин ҳолати, тўпни узатиш лозим бўлган оралиқ, шеригининг жойлашиши ёки ҳаракат йўналиши рақибларининг қарши ҳаракат услубларини ва ҳарактерига қараб қўлланилади.

Перефериқ кўриш, қўл ҳаракатларининг тезлиги, тадбиркорлик, аниқ ва тактик фикрлаш – тўпни хатосиз узата оладиган баскетболчиларни ҳарактерловчи сифатлардир.

Узатишнинг услубларини бажариш тезлиги ва аниқлиги маълум даражада панжа ва бармоқларининг усулни асосий қисмида жуда тез ишлашига боғлиқ. Тўпни узатишда асосан панжа ва бармоқлар билан ҳаракат қилиш керак, ўшанда узатиш йўналишини аниқлаш рақибга қийин бўлади. Тўпни қабул қилаётган шерикни кўриш керак, лекин унга қараб турмаслик лозим. Узатиш пайтида мувозанат ҳолатини сақлаш лозим, бўлмаса узатишга мўлжалланган йўналиш рақиб томондан тўсиб йў тўп олиб қўйилиши мумкин, ўйинчи эса беихтиёр хато “югуриш” қилиб қўяди (учинчи кадам қўяди ёки жойидан силжийди).


**Тўпни кўкракдан икки қўл билан узатиш** – нисбатан оддий ўйин пайтида, рақибнинг таъқиби бўшроқ бўлганда, тўпни яқин ва ўрта масофадаги шеригига аниқ ва тез йўналтиришга имкон берувчи асосий усулдир (5-расм).

Тайёрлов қисми – бармоқлари ёйилган панжа бел баландлиги тўпни эркин ушлаб туради. Тирсаклар бир оз букилган. Қўлларнинг айлана ҳаракати билан тўпни кўкрагига тортади.

Асосий қисм – тўп қўлларни охиригача тез тоғрилаш билан олдинга юборилади, орқага айланиш ҳаракатини берувчи панжалар ҳаракати билан тўлдиради.

Яқунловчи қисм: тўпни узатгандан кейин қўлларни бўш туширилади, ўйинчи тўғриланади, сўнг эса бир оз оёқларни букилган ҳолатга қайтади (шундай яқунловчи қисм узатишнинг бошқа усулларига ҳам хос). Агар рақиб тўпни кўкрак баландлигида узатишга ҳалақит берса, унда тўпни шундай юбориш мумкинки, у шериги яқинидаги майдонга урилиб, тўғри унга сапчиши мумкин. Тўпнинг тез сапчиши учун унга баъзан олдига айланма ҳаракат беришади.

Бундай узатиш пайтида оёқларни кўпроқ букиш, қўлларни эса тўп билан олдинга-пастга йўналтириш лозим.



**5-расм.** Кўкракдан икки қўллаб тўп узатиш.


**Юқоридан икки қўллаб узатишдан** кўпроқ рақиб зич ҳимоя қилаётган пайтида ўртacha масофаларда фойдаланилади (6-расм).

Тўпнинг бош устидаги ҳолати унинг ўйинчи ўз шеригига ҳимоячи қўлларни устидан аниқ узатишга имконият беради.

Тайёрлов қисми: ўйинчи тўпни бир оз букилган қўллари билан бош устига кўтаради ва уни бош орқасига ўтказади.

Асосий қисм: ўйинчи кескин қўл ҳаракатлари билан, уларни тирсак бўғинларида рост slab ва панжалари билан тез силташ ҳаракат қилиб, тўпни шеригига йўналтиради.

**Елкадан бир қўллаб узатиш** тўпни яқин ва ўрта масофага узатишида қўлланиладиган усулдир. Бунда узатиш учун энг оз вақт кетади ва тўпни яхши назорат қилинади. Тўпнинг учеб чиқиши вақтидаги панжаларнинг қўшимча ҳаракати ўйинчига йўналиш ва катта диапазонда тўпнинг униш траекториясини ўзгартиришга имкон беради (7-расм).




**6-расм.** Юқоридан икки қўллаб тўп узатиш.

Тайёрлов қисми: қўлни тўп билан ўнг йелкага олиб боришиди (ўнг қўл билан узатишида тўп ўнг қўл панжасида туради ва ушлаш учун чап қўл билан йўрдам берилади, тирсак кўтарилимаслиги керак; шу билан бир вақтда ўйинчи ўнг томонга бурилади.

Асосий қисм: тўп ўнг қўлда, уни тез ростлашади ва шу заҳоти панжа билан силташ ҳаракатлари ва гавда бурилишини бажарилади.

Якунловчи қисм: тўп учеб чиққандан кейин ўнг қўлда уни бирон (лаҳза) кузатиб қўяди, сўнгра пастга туширишади. Ўйинчи бир оз букилган оёқларда мувозанат ҳолатига қайтади.




**7-расм.** Елкадан бир қўллаб узатиш.


**Юқоридан бир қўллаб “крюкъ” усули билан узатиш** қаттиқ таъкиб қилинаётган рақибнинг кўтарилган қўллари устидан тўпни ўрта ва айниқса узоқ масофага юбориш керак бўлган вақтда қўлланилади (8-расм).

Тайёрлов қисми: ўйинчи ёни билан узатиб бериш йўналишига томон бурилади, қўлидаги тўпни орқа-ён томонга ўтказади – тўп кафтда ётади ва бармоқлар билан ушлаб турилади. Ўйинчи анча олдинга чиқарган бошқа қўли билан уни таъқиб қилаётган рақибдан узоқлашади.

Асосий қисми: кафтда ётган тўпни кескин бош устига ошириб, панжаларини ёйиб шеригига йўналтириш.




**Тезликни ўзгартириш билан алдаб ўтиш.** Ҳимоячидан қутилиш учун тўп олиб юришни тезлигининг қутилмаган ўзгаришидан фойдаланилади. Тўпни уриб юриш тезлиги аввало тўпни қай бурчак остида майдонга юборилаётганлиги ва сакраш баландлигига боғлиқ. Тўп билан олдинга ҳаракат қилиш тезлиги аввало тўпни сакраш баландлигига ва унинг сапчиш бурчагига боғлиқ. Тиккага яқин ва паст сакрашда буюрилса юриш секинлашади ва бутунлай жойида бажарилиши мумкин.



**10-расм.** Тўпни паст олиб юриш.



**11-расм.** Тўпни тўғри чизик бўйлаб олиб юриш.



**12-расм.** Тўпни орқадан ўтказиб, йўналишни ўзгартириб олиб юриш.



**13-расм.** Тўпга қарамасдан ерга уриб юриш.

**Йўналишни ўзгартириш билан алдаб ўтиш.** Асосан бу ҳаракатдан рақибни алдаб ўтиш ва хужум учун ҳалқа томон ўтиш учун фойдаланилади. Йўналишни қуйидагича қилиб ўзгартиришади: тўпнинг ён сиртини ҳоҳлаган нуқталарига панжа қўйилади ва керакли йўналишга қўлни тўғриланади. Шунингдек, сапчиш баландлигини ўзгартириб, бурилишлар ва тўпни у ёқдан бу ёққа ўтказиб ҳам алдаб ўтиш мумкин. Шунингдек, тўпни бир қўлдан бошқасига ўтказиш билан яширинча, орқадан ёки тўпни оёқ остидан ўтказиш билан ҳам рақибни алдаб ўттиш усулидан кенг фойдаланилади.

## 2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### Баскетбол тўпни яқин, ўрта ва узоқ масофадан саватга ташлаш техникасини такомилаштириш


#### Саватга тўп отишлар

Тўп отишни бажаришга тайёрланиш жамоа ҳужумидаги асосий мазмунни ташкил этади, ҳалқага тушириш эса – унинг бош мақсадидир. Беллашувда муваффақиятли қатнашиш учун ҳар бир баскетболчи фақатгина узатиш, тутиб олиш ва тўпни олиб юришни қўллашни билиши эмас, балки ҳар хил ҳолатлардан, рақиб қаршилигига қарамай исталган масофадан тўп отишни бажариши, ҳалқага аниқ ҳужум қилиши керак. Ўйинчининг ўзгараётган


вазиятни ва хужум учун ҳар бир қулай вақтдан фойдаланишга ҳаракат қилиш, ўйинчининг шахсий истеъоди ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, отишнинг усулларини ҳар хил қўринишдаги арсеналини эгаллаш кераклиги аниқлайди. Саватга отишнинг аниқлиги биринчи навбатда оқилона техника, ҳаракатлар турғунлиги ва уларни бошқариш, мускулларнинг кучланиши ва бўшаштирилиши тўғри алмасиши, қўл панжаларининг кучи ва ҳаракатчанлиги, уларнинг якунловчи кучланиши билан шунингфек, тўпнинг оптимал учиш траекторияси ва айланиши билан аниқланади.

**Кўкракдан икки қўллаб тўпни отишдан** кўпроқ узоқ масофалардан саватга хужум қилиш учун фойдаланилади. Агар ҳимоячи фаол қаршилик қилётган бўлса, отишнинг усулини шуғулланувчилар тезроқ ўзлаштиради, модомики унунг тузилиши тўпни ўша усул билан узатишнинг тузилишига яқин.

**Юқоридан икки қўллаб тўп отишни** рақибнинг таъқиби кучли бўлганда ўртача масофалардан бажариш мақсадга мувофиқ (14-расм).



14-расм. Юқоридан икки қўллаб тўп отиш.



15-расм. Бир жойда туриб елкадан бир қўллаб тўп ташлаш.

**Елкадан бир қўллаб тўп отиш** ўрта ва узоқ масофадан жойда туриб саватга хужум қилишнинг кенг тарқалган усулидир. Кўп спортчилар бундан шунингдек, жарима отишда ҳам фойдаланишади (15-расм).

**Юқоридан бир қўллаб тўп отиш** бошқа усулларга нисбатан кўпроқ ҳаракатда яқин масофалардан ва бевосита шчит тагидан саватга хужум қилиш учун фойдаланилади (16-расм).

Тайёрлов қисми: тўпни ўнг оёқ кўтарилиганда тутилади (ўнг қўллаб ташлаш пайтида). Тўпни тутилган томондаги қадам каттароқ (узунроқ) ташланади. Кейинги қадам қисқартирилган, тўхтатадиган бўлиши керак ўйинчи тезроқ ва кучлироқ депсиниши ва юқорига деярли тикка кўтарилиши керак. Майдондан депсинилган пайтда тўпни елка устига чиқарилади ва ўнг қўлнинг бурилган панжасига қўйилади.

Асосий қисм: сакрашнинг юқори нуқтасида тўпнинг ҳалқага иложи борича яқинлашиш учун қўл тўғриланган, тўп бармоқ панжасининг юмшоқ ҳаракати билан итариб чиқарилади, унга қарама-қарши (тескари) айланиш берилади.

Яқунловчи қисм: ўйинчи ҳалқага яқин жойда букилган оёқлар билан ерга тушади, мувозанат ҳолатини қабул қиласди ва тўп тушмаган ҳолда сапчиш учун курашга тайёрланади.




**16-расм.** Юқоридан бир қўллаб (“крюк” усули билан отиш).

**Сакраганда юқоридан бир қўллаб тўп отиш** (сакраганда тўп отиш) замонавий баскетболдаги хужумнинг асосий воситасидир. Жаҳоннинг кучли эркаклар жамоалари мусобақаларида ўйиндаги ҳамма тўп отишларнинг 70 фойзгачаси ҳудди шу усул билан ҳар хил масофалардан бажарилади, бу отишнинг бир қанча қўринишлари бор. Уларни масофага қараб ва ҳимоячининг қарши ҳаракатининг хусусиятига қараб танланади. Намуна сифатида бу отишнинг ўрта масофадан отиш ҳолатини таҳлил қиласми.

Тайёрлов қисми: ўйинчи тўпни ҳаракатда олади ва дарҳол ўнг оёқ билан тўхтатувчи қадам қўяди. Сўнг ўнг оёғи ёнига чап оёғини қўяди, тирсакларини букиб тўпни чап қўл билан юқоридан-ёнидан ушлаган ҳолда уни ўнг қўл билан бош устига олиб чиқади.

Асосий қисм: ўйинчи иккала оёғи билан депсиниб сакрайди, бунда гавда тўғри ҳалқа томонга бурилган, оёқлар бироз букилган. Сакрашнинг юқори нуқтасига етган пайтда ўйинчи ўнг қўлининг олдинга-юқорига тўғриланиши билан тўпни ҳамда бармоқ панжаларининг кучли, лекин майин ҳаракати билан йўналтиради. Тўпга тескари айланма ҳаракат берилади. Ўнг қўл панжасининг ҳаракати бошланган пайтда чап қўл тўпдан олинади (17-расм).



**17-расм.** Сакраганда бир қўллаб тўп отиш.

**Бир қўл билан «крюк» (айланма) усули билан тўп отишни кўпроқ марказий ўйинчилар баланд бўйли ҳимоячининг фаол қарши ҳаракати пайтида яқин ва ўрта масофа оралиқлардан хужум қилиш учун фойдаланилади.**

Тайёрлов қисми: ўйинчи чап оёқ билан рақибни қарши томонга қадам қўяди, чап оёғини енгил букиб, шчит томонга чап ёни билан бурилади. Тўп туширилгандан ўнг қўлнинг букилган панжасида ва юқоридан чап қўл билан йўрдамида ушлаб турилади, сават томонга бошни бурилади.


Асосий қисм: чап оёқ билан ердан итарилиб, ўйинчи юқорига сакрайди, шу билан бир вақтда ўнг қўлни тўп билан гавдадан узоклаштиради ва ёйсимон ҳаракат билан юқорига кўтаради. Тўғри бурчак остида тирсак бўғимида букилган чап қўл тўпни ҳимоячидан тўсгандай бўлади, ўнг оёқнинг тиззасини юқорига тортиб олинади. Қўл бошга яқинлашаётганда энг юқори нуқтада тўпни чиқарилади. Уни бош устидан саватга йўналтиришади.

Кучли таъқиб ва страховка қилиш пайтида баъзи марказий ўйинчилар тўпни қўл билан тўлиқ ёйсимон ҳаракат қилишни афзал кўришмайди. Улар тўпни икки қўл билан ҳимоячидан бошқа томонга юқорига чиқаришади, сўнг бир қўл билан ёйсимон якунловчи қисмини ўтказишади, холос, яъни тўпни ярим «крюк» (айланма) қилиб ташлашади.

**Пастдан бир қўллаб тўп отиш ҳаракатда ва сакраб пастдан икки қўллаб отиш каби ҳолатларда қўлланилади.** Бундан ташқари, баъзи марказий ўйинчилар рақиб шчити яқинидаги кураш пайтида бурилиш ва чалғитувчи ҳаракатларни бирга қўшиб муваффақият билан бу отиш усулидан фойдаланишади (18-расм).

Тўпни саватга қайта отиш. Саватга отилган тўп унга тушмай шчитдан сапчиб ёки сават яқинидан ўтиб кетган ҳолларда ўйинчи сакраб тўпни ҳавода илиб олгандан кейин тўп билан ерга тушиб, нишонга олиб ташлаш учун вақт бўлмайди. Бундай ҳолларда икки қўллаб ёки бир қўл билан тўпни саватга яна ташлаш керак.

Тўпни бир қўл билан яна қўшимча отиш (ташлаш) пайтида баскетболчи тўпни юқорироқ нуқтада илиб олишга эришади. Сакраганда ва тўпни ёйилган панжага қабул қилиб, ўйинчи қўлни енгил букади ва шу билан бир вақтда бармоқлар ва панжалар билан юмшоқ якунловчи ҳаракат қилиб, шу ернинг ўзида қўлни тўғрилайди. Ҳалқа тепасида тўпни қайта отиш пайтида панжа ҳаракатлари. Тўп ҳалқага жуда яқин бўлса, энг яхшиси уни панжада ушлаб қолмасдан, балки туртиб юбориш керак.



**18-расм.** Пастдан бир қўллаб тўп отиш.

### **3-Амалий машғулот: Баскетбол жарима түпни саватга ташлаш техникасини ва ўйин тактикасини такомилаштириш**

Чегараланган зона.

Жарима түпни ташлаш зонаси бўйлаб белгиланган жойларни ўйинчилар жарима тўпи ташланаётганда эгаллайдилар. Бундай жойлар қўйидагича белгиланади: жарима тўпни ташлаш зонаси томонидан чизиқлар бўйлаб ўлчаб туриб, эн чизигининг ички чеккасидан 1,75 м узоқликда биринчи белгиланади. Биринчи жой 0,85 см узоқликда ўтказиладиган чизик билан чегараланади. Бу чизик орқасида эни 0,40 см бўлган бетараф хона жойлашади. Иккинчи жой бетараф зона кетида жойлашади ва эни 0,85 см бўлади. Иккинчи жойни белгилаб турган чизиқдан кейин эни 0,85 см бўлган учинчи жой белгиланади. Бу жойларни белгилаш учун ишлатиладиган ҳамма чизиқларнинг узунлиги 10 см ва эни 0,5 см бўлади. Бу чизиқлар жарима майдончасининг ён чизиқларига нисбатан перпендикуляр бўлиб, ташқи томондан чизилган бўлиши керак.

Жарима тўпни ташлаш чизиги ҳар иккала эн чизигига параллел ҳолда ўтказилади. Унинг узоқ чеккаси эн чизигининг ички чеккасидан 5,80 м узоқликда туриши ва у 3,60 м узунликда бўлиши керак. Унинг ўртаси эса иккала эн чизиқларнинг ўртасини туташтирувчи чизиқда бўлиши лозим.

Жамоа ўриндиғи зонаси майдон ташқарисида, котиб столи ва жамоалар ўриндиқлари учун жой ажратилган томонда жойланади. Зона, эн чизигидан ташқарига чиқиб турадиган, узунлиги 2 м бўлган чизик ва марказий чизиқдан ҳамда перпендикуляр ён чизигидан 5 м нарида чизиладиган бошқа чизик билан белгиланади.

2 м узунликдаги чизиқларнинг ранги ва ён чизиқлари рангига қарама-қарши бўлиши керак.

Иккала шчитнинг ҳар бири қалинлиги 0,3 см бўлган қаттиқ ёғочдан ёки шунга мос ойнадек тиник ашёдан (ёғочнинг қаттиқлигига ўхшаш қаттиқликдаги бир бўлакдан) тайёрланиши лозим.

Олимпиада ўйинлари ва жаҳон Биринчилиги мусобақалари учун шчит ўлчовлари горизонтал бўйича 1,80 м ва вертикал бўйича 1,05 м бўлиши, пастки қирраси майдон юзасидан 2,90 м баландликда туриши керак. Қолган барча мусобақалар учун ФИБАга тегишли структуralар, масалан, зонал ва континентал мусобақалар ўтказилганда зонал комиссия ёки барча ички мусобақалар учун миллий федерасия шчитларининг қўйидаги ўлчовларини тасдиқлашга ҳаққилари бор: шчитлар горизонтал бўйича 1,80 м ва вертикал бўйича 1,20 м бўлиши, пастки қирраси майдон юзасидан 2,75 м баландликда туриши мумкин ёки горизонтал бўйича 1,80 м ва вертикал бўйича 1,05 м бўлиши, пастки қирраси майдон юзасидан 2,90 м. баландликда туриши мумкин. Бундан қатъий назар, барча янги қурилаётган шчитлар худди Олимпиадалар ва жаҳон Биринчилиги учун мўлжаллангандек, горизонтал бўйича 1,80 м ва вертикал бўйича 1,05 м қилиб тайёрланиши керак.

Агар шчит юзи силлиқ ва ойнадан тиниқ бўлмаган ашёдан тайёрланган бўлса, оқ рангда бўлиши шарт. Унинг сирти қуидагича белгиланади: ҳалқа орқасига эни 0,5 см га тенг бўлган чизиклар билан тўғри тўртбурчак чизилади. Тўғри тўртбурчакнинг ташқи ўлчовлари горизонталига 59 см, вертикалига 45 см бўлиши керак. Унинг асос чизифининг юқори қисми ҳалқа билан тенг туриши керак. Шчитларнинг четлари 0,5 см кенглиқдаги чизиклар билан белгиланади. Бу чизиклар шчит рангидан яққол ажралиб туриши лозим. Агар шчит тиниқ бўлса, у оқ чизиклар билан, бошқа ҳолларда эса, қора билан ҳошияланади. Шчитларнинг ҳошиялари ва уларда чизилган тўғри тўртбурчакнинг ранглари бир хил бўлиши шарт.


Шчитларни мустаҳкам қилиб, майдоннинг иккала чеккасига эн чизиқларига параллел ҳолда, тўғри бурчак остида полга ўрнатилади. Уларнинг марказлари ҳар бири ён чизиқлари ўртасининг ички чеккасидан 1,20 м нарида майдондан чиқарилган нуқталарга перпендикуляр равишда жойлашади.

Шчитларни ушлаб турадиган қурилмалар эн чизиқларининг ташқи чеккасидан камида 2 м узоклиқда жойлашиши шарт ва улар ўйинчиларнинг кўзига яққол ташланадиган даражада очиқ рангга бўялган бўлиши лозим.


Иккала шчит юмшоқ материал билан қуйидагида қолланган бўлиши керак: шчитларнинг пастки қирраси ва ён томонлари учун юмшоқ ўрам тагидан камида 35 см узоқликда таг сиртини ва ёнларнинг устини қоплади. Олдинги ва орқа сиртлар тагидан камида 0,2 см узоқликда қолланади ва тўлдирилган материал камида 0,2 см қалинликда бўлиши лозим. Шчитнинг пастки қисми тўлдирилган материал 0,5 см қалинликда бўлиши керак.

Курилмалар юмшоқ материал билан қуидагиңа қопланады: шчиттинг ҳар қандай курилмаси шчит орқасидан ва полдан камида 2,75 м баландликда, шчиттинг сирт юзасидан 60 см узоклика, таг юзаси бўйлаб юмшоқ материал билан қопланган бўлиши керак.

Ҳамма кўчма шчитларнинг таги майдон томонидан сирти бўйлаб 2,15 м баландликда юмшоқ материал билан ўралган бўлиши лозим (-расм).




Халқа шчит қурилмаси.



Шчит. Унинг ўлчовлари.

Саватлар ҳалқа ва тўрлардан иборат. Ҳалқа қаттиқ металлдан тайёрланади, унинг ички диаметри 45 см га тенг бўлиб, тўқ сариқ (апелсин) рангга бўялади. Ҳалқаларнинг металли ками билан 0,17 см ва кўпи билан 0,2 см диаметрга эга бўлиб, пастки қиррасида тўпларни илиш учун қўшимча бир хил кичик илмоқлар ёки шунга ўхшаш илгаклари бўлиши керак. Ҳалқалар майдонга нисбатан горизонтал ҳолатда, 3,05 м баландликда шчитларга мустаҳкам ўрнатилади ва шчитнинг ҳар иккала вертикал чеккаларидан бир хил узокликда жойлашади. Ҳалқалар ички чеккасининг яқин нуқтаси шчитнинг юза қисмидан 15 см узокликда туриши керак


Ҳалқаларга илинадиган тўрлар оқ канопдан тайёрланади, уларнинг тузилиши шундай бўлиши лозимки, тўп сават орасидан ўтаётган вақтда бирлаҳза ушланиб қолиши мумкин бўлсин. Тўрларнинг узунлиги 40 см бўлиши шарт.



Ҳалқа.

Тўп шарсимон шаклда ва тасдиқланган қизғиши рангда бўлиши керак: у сирти билан бирга чармдан, резина ёки сунъий хомашёдан тайёрланади; унинг айланаси узунлиги 749 см дан кам ва 780 см дан кўп бўлмаслиги лозим; у камида 567 г дан кам ва 650 г дан кўп бўлмаган оғирликка эга бўлиши керак;

унга ҳаво шундай тўлдирилиши керакки, тўп тахминан 1,80 м баландликдан (тўпнинг пастки қиррасидан ўлчанганд) ўйин майдонига ёки қаттиқ ёғоч полга тушган вақтида тўпнинг юқори қиррасидан ўлчанганд 1,20 м дан кам ва 1,40 м дан ортиқ бўлмаган баландликка кўтарилиши лозим. Тўпнинг чоклари ёки чуқурликларининг кенглиги 0,635 см дан ортиқ бўлмаслиги керак (-расм).



Баскетбол тўпи.

Майдон эгаси бўлган жамоа юқорида айтиб ўтилган шартларга жавоб берадиган, камида битта аввал ишлатилган тўп билан таъминланиши лозим. Катта ҳакам тўпнинг яроқлилигини аниқлаб берувчи ягона шахс бўлиб ҳисобланади ва у меҳмон жамоа тақдим қилган тўпни ўйин учун танлаб олиши мумкин.

Кўйидаги техник жиҳозлар майдон эгалари томонидан тайёрланган бўлиши ва ҳакамлар ҳамда уларнинг ёрдамчилари ихтиёрига ҳавола қилиниши керак:

а) Ўйин вақтини белгиловчи соат ва танаффусларни ҳисоблайдиган соат; сония ҳисобловчи, ҳеч бўлмаганда битта ўйин вақтини белгиловчи соат ёки битта сония ўлчагич билан таъминланган бўлиши керак. Ўйин бўлимларини ва улар орасидаги танаффусларни ҳисоблашда ишлатиладиган соат ҳамда танаффус вақтини белгилашда ишлатиладиган сония ўлчагич шундай жойлашган бўлиши керакки, уларни ҳам сония ҳисобловчи, ҳам котиб аниқ ва равшан кўриб туришлари лозим;

б) 24 сония қоидасига риоя қилинишини назорат қилиш учун барча ўйинчилар ва томошабинларга кўринадиган тегишли мослама бўлиши керак. Уни 24 сония вақтини белгиловчи оператор бошқаради.

в) Ҳалқаро баскетбол Федератсияси томонидан тасдиқланган қайднома расмий ҳисобланиб, ундаги қоидаларга асосан ўйин бошланишидан олдин ва ўйин давомида котиб томонидан тўлдириб борилади;

г) Жуда бўлмаганда ушбу қоидаларда кўзда тутилган учта сигнал учун мосламалар бўлиши лозим.

Ўйинчилар, томошабинлар ва котибга кўринадиган қўшимча ҳисоб таблочи бўлиши керак;


д) 1-чи рақамдан 5-рақамгacha бўлган кўрсаткичлар котиб ихтиёрида бўлиши зарур. Ҳар сафар у ёки бу ўйинчи фол қилганида, котиб ўйинчи неchanчи фол олганлигига қараб шу рақамли кўрсаткични ҳар иккала мураббий кўра оладиган даражада юқорига кўтаради. Кўрсаткичлар оқ рангда бўлиши,

рақамлари ўлчов бўйича 2 см ва энига 1 см, ҳамда 1-чидан 4-чи рақамгача қора рангда, 5-чи қизил рангда бўлиши керак;

е) Котиб жамоа фолларини белгиловчи иккита кўрсаткичлар билан таъминланган бўлиши шарт. Кўрсаткичлар қизил рангда ва шундай тайёрланган бўлиши керакки, котиб столи устида турганида ўйинчилар, мураббийлар ва ҳакамлар яққол кўриб туришсин;

тўп жамоа ўйинчиси бешинчи фол қилинганидан сўнг ўйинга кирган вақтда, кўрсаткич котиб столи устига, яъни ўйинчиси бешинчи фол қилган жамоа ўринидиги яқинидаги чеккага қўйилиши керак;

ж) Жамоа фолларини белгилаш учун ишлатиладиган муносиб мослама.



#### **4-Амалий машғулот Волейбол ўйинида ҳаракатланиш техникасини такомилаштириш Ҳолатлар ва ҳаракатланиш, дастлабки ҳолатлар**

**Ҳолатлар.** Волейбол ўйинида ўйинчилар тўп билан қисқа вақт ичida ҳаракат қилишлари лозим. Шу сабабли у ёки бу ўйин шароитида ўйинчи тўп билан ўйнаши учун юқори тайёргарлик кўриши талаб этилади. Шу мақсадда турли ҳаракат усулларини бажариш учун турлича ҳолатларни эгаллаш керак.



Рис. 21.



Рис. 22.




Рис. 23.

Хужум зарбасини бериш ва тўсиқ қўйишида – баланд, ўйинга киритилган тўпни қабул қилишда – ўрта, хужум зарбасини ёки тўсиқдан пастлаб қайтган тўпни қабул қилишда – паст ҳолатлар эгалланади. Бунда УОМ (умумий оғирлик маркази)нинг ҳолати навбатдаги ҳаракатнинг хусусиятига боғлиқ бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ўйинчининг бўйи ва унинг координацион қобилияти УОМга сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам самарали туриш ҳолати шундай бўлиши керакки, бунда УОМ тезда таянч чегарасидан чиқарилиб, зарур ҳаракатланиш ва фаолият кўрсатиш имкониятини бераолсин.

Туриш ҳолатлари навбатдаги ҳаракатларнинг қўлланилиш хусусиятига қараб статик (ўйинчининг ҳаракатсиз) ёки динамик (асосий таянчни бир оёқдан иккинчисига ўтказиш билан тўпни қабул қилиш, хужум зарбасини бериш ёки тўсиқ қўйиши кутишда) ҳолатларда бўлади. Бу туриш ҳолатларида қўллар бел баробарида, бармоклар кафтларга қараган, гавда эса бир оз олдинга эгилган бўлади. Гавда эркин ҳолатда бўлиши керак.

**Ҳаракатланиш.** Ўйинчи маълум бир техник усулни бажариш учун майдон бўйлаб ҳаракатланади. Бунда усул ва ўйиннинг вазиятига боғлиқ ҳолда, қадам ташлаб (олдинга, орқага, ён томонга), сапчиб, сакраб, югуриб, йиқилиб турли ҳаракатларни амалга оширади. Қадам ташлаш ва югуриш билан қилинадиган ҳаракатлар бирмунча юмшоқ (УОМ тебранишининг сустлиги сабабли) бўлади. Ён томонга қадамлашдан кўп ҳолларда катта бўлмаган масофани босиб ўтиш билан тўсиқ қўйганда, хужум зарбасини қабул қилганда ёки тўсиқдан ўз йўналишини ўзгартириб қайтган тўпни қабул қилишда фойдаланилади. Ҳаракат доимо керакли ҳаракат йўналишига яқин бўлган оёқдан бошланади. Сапчиб, сакраб, югуриш билан бўладиган ҳаракатлардан тез жавоб ҳаракатларини амалга оширишда қўлланилади. Кўриб чиқилган ҳаракатлардан кўп ҳолларда умумий бирлиқда ҳам фойдаланилади.

**Дастлабки ҳолатлар.** Дастлабки ҳолатлар у ёки бу техник усулларни бажаришга тайёргарлик фазасини белгилайди. Дастлабки ҳолатларни эгаллашнинг бажарилиши кутилаётган ҳаракатни бажариш учун қулай шароитни ва ҳаракатланишни таъминлаши даркор. Техник усулнинг бажарилишидан қатъий назар, дастлабки ҳолатлар бирмунча статиклиги билан фарқланади: тўпни узатишдан олдин пастдан тўпни қабул қилишда - тўсиқ қўйишида ва хужум зарбасини беришда.

## **5-Амалий машғулот. Волейбол түпни юқоридан узатиш ва қабул қилиш техникасини такомилаштириш**

### **Түп узатиш**

Бу техник усул орқали хужумни ташкил қилиш ва амалга ошириш учун қулай шароит юзага келтирилади. Түпни: таянч ҳолатдан икки қўллаб, сакраб икки қўллаб, сакраб бир қўллаб, орқага йиқилиб туриб икки қўллаб узатиш мумкин. Охирги усулдан волейболда камдан-кам, кескин ҳолат юзага келганда фойдаланилади.

Йўналиши бўйича тўп узатишлиар (тўп узатувчига нисбатан) қуйидагича бўлади: олдинга, ўз устига, орқага.


Узунлиги бўйича: узун – зоналар оша; қисқа – зонадан зонага; қисқартирилган – зона доирасида.

Баландлиги бўйича: баланд – 2 м дан юқори, ўртacha – 2 м гача, паст – 1 м гача. Юқоридаги кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда тўпга секин, тез ва катта тезланиш берилади. Тўпни тўрга яқин – 0,5 м гача ва узоқ – 0,5 м дан ортиқ масофада бериш мумкин.

Тўпни узатиш техникаси дастлабки ҳолат, қўлнинг тўпга қарама-қарши ҳаракати, амортизация ва тўпни йўналтиришдан иборат бўлади. Дастлабки ҳолатдан тўп томон ҳаракатлангандан сўнг волейболчи вертикал ҳолатда, оёқларининг букилиш даражаси тўп йўналишининг баландлигига ва учиш тезлигига боғлиқ ҳолда, оёқ кафтлари параллел ёки бир оёқ (асосий қўлга нисбатан қарама-қарши) бир оз олдинда бўлади. Қўллар олдинга чиқарилади, бармоқлар овал шаклини ҳосил қилган бўлади



Puc. 18.



Puc. 19.



Puc. 20.

Қўллар тўп билан юз тепасида тўқнашади. Бунда бош бармоқ асосий нагрузкани қабул қиласи, кўрсаткич бармоқлар эса зарба беришда асосий бўлади. Ўрта бармоқ камроқ равишда, номсиз ва жимжилоқ асосан тўпни ён томондан ушлаб туришга хизмат қиласи. Тўпга йўналиш беришда қўл, оёқ ва гавда

мушакларини кучланиши ўзаро биргаликдаги яхлитлик билан изоҳланади. Бунда гавданинг УОМ бирмунча юқорига-олдинга қўчади ва гавданинг оғирлиги икки оёқнинг учиға тушади. Қўллар тўпни узатиш охирида тўлиқ тўғриланган ҳолатда бўлади.



Рис. 21.



Рис. 22.




Рис. 23.

Мураккаб ҳужум комбинацияларини ташкил қилишда, тўп баланд берилганда ёки тўпнинг учиш вақтини камайтириш мақсадида сакраб тўп узатиш усулидан фойдаланилади. Бу ҳолатда қўллар бош устидан бирмунча баланд қўтарилилади ва қўлларнинг фаол ишлаши ҳисобига сақрашнинг юқори нуқтасидан тўп узатилади. Ҳудди шу ҳолатда қисқа тўп узатишда асосий ҳаракат қўл бармоқларининг фаол ишлаши ҳисобига амалга оширилади



Рис. 58.

Тўпни орқа томонга (мўлжалга орқа томон билан турганда) узатишда ўйинчи тўпнинг тагига кириб боради. Бунда қўлнинг орқа кафт қисми бош орқасигача қўтарилилади. Тўп узатиш қўлларни тирсак қисмида букиб-ёзиш ҳисобига бажарилади, гавда орқага-юқорига ҳаракатланади, бунда ҳаракат умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел қисмларининг букилиши ҳисобига бўлади. Сакраб орқага тўп узатиш ҳудди таянч ҳолатда орқага тўп узатиш қаби

бажарилади. Тўп узатишнинг энг мураккаб усули бу сакраб бир қўл билан тўп узатишdir. Бу усул тўп тўр устига келиб қолгандағи мураккаб шароитда бажарилади. Бу ҳолда қўл тирсакларда букилиб, олдинга чиқарилади. Кафтлар олдинга қаратилади, бармоқлар букилиб, таранг ҳолга келтирилади. Тўп узатиш тирсак бўғинининг букиб-ёзилиши ҳисобига бажарилади.




Рис. 59.

### Тўпни икки қўллаб юқоридан узатишга ўргатиш.

#### Умумривожлантирувчи машқлар.

1. Қўлларни олдинга, ёнга, юқорига қилиб қўл панжаларини букиб-ёзиш.
2. Теннис (резинка) тўпларини эзиш.
3. Деворга кафт ва бармоқлар билан тиralган ҳолда итарилишлар.
4. Қўлларга ётиб таянган ҳолда букиб-ёзишлар.
5. Баскетбол, футбол тўпларини ерга уриб олиб юришлар.
6. Баскетбол, футбол тўпларини бир қўл билан девор томон ирғитиши.
7. Тўлдирма тўпларни турли ҳолатлардан: кўкрак олдидан, бош орқасидан, пастдан-ёндан ирғитишлар.




Рис. 24.



Рис. 25.




Рис. 26.

## **Яқинлаштирувчи машқлар.**

1. Турган жойдан ва ҳаракатланишдан сўнг юқоридан икки қўллаб тўп узатишни имитация қилиш. Техниканинг қуидаги ҳолатларига асосий эътибор қаратилади: тўп яқинлашганда – қўлни юқорига қўтариб тўғирланиш; тўп учиш тезлигини сўндириш – қўлларни тирсак бўғинидан ва оёқларни тизза бўғинидан бир оз букиш; тўпни узатиш – қўлларни ва оёқларни тўғирлаш билан олдинга-юқорига чўзишиш; дастлабки ҳолатга қайтиш.

2. Қўл панжаси ва бармоқларини тўпга қўйиш ҳолатини ўргатиш. Қўл панжалари шундай жойлаштириладики, бунда бош бармоқлар бир-бирига қараган, кўрсаткич бармоқлар бурчак бўйича бир-бирига йўналтирилган, қолган бармоқлар эса тўпни ён-паст томонидан ушлайди.

3. Арқончага осиб қўйилган тўпни олдинга-юқорига узатиш. Дикқат гавда, оёқ ва қўлларнинг ўзаро мувофиқ ҳаракатланишига қаратилади.

4. Ўзига тўп ташлаб тўпни олдинга-юқорига узатиш.

5. Худди шу машқнинг ўзи, факат тўпни шеригига ташлаб беради.

6. Тўпни деворга узатиш. Бу машқдан шуғулланувчилар тўпни узатишни яхши ўзлаштириб олганларидан сўнг фойдаланилади.

## **Техника бўйича машқлар.**

1. Жуфтликлар машқи. Шериклар орасидаги масофа 3 м бўлиб, тўп ўртача баландликда узатилади.

2. Ўз устига тўп узатиш – шеригига узатиш. Ўз устига тўп узатиш баландлиги 1-1,5 м.

3. Тўр устидан шеригига тўп узатиш. Масофа 2-3 м.

4. Тўпни турли масофалардан, турли траекторияларда ва йўналишини ўзгартириб узатишлар.

5. Кузатиш билан уйғунликда тўп узатиш; жойини ўзгартириб турувчи шеригига; шеригининг ҳаракатларига жавобан тўп узатиш: ўтириб олганда – ўз устига; ўнг қўлини ёнига ҳаракатлантирганда – ўнг томонга тўп узатиш; қўлларини юқорига ҳаракатлантирганда – юқори траекторияда тўп узатиш ва шу каби.

6. Бош орқасига тўп узатиш. Уч ўйинчи кетма-кет қаторда турадилар. Шуғулланувчилар оралиғи - 2-3 м. Чеккадаги ўйинчи тўпни ўртадаги ўйинчига, у эса ўз навбатида кейинги ўйинчига тўпни бош орқасидан оширадилар. Ўртадаги ўйинчи билан маълум вақтдан сўнг жой алмаштирилади.

7. Жуфтликда бош орқасидан тўп узатиш. Ўз устидаги тўп узатишдан сўнг шуғулланувчи  $180^{\circ}$  га бурилади ва тўпни бош орқасидан узатади.

8. Сакраб тўп узатиш. Шуғулланувчилар орасидаги масофа - 3 м. Худди шундай тўр устидан.

9. Тўп узатиш билан бажариладиган турли мусобақалар.

**Жой ва тўпни қабул қилиш усулини танлаш. Тайёрлов ва ёндоштирувчи машқлар.**

1. Олдинги (хужум зоналари) чизик атрофига икки хужумчи бир-бирига тўлдирма тўпни ташлайди, кутилмагандан уларнинг бири сакраб тўпни тўр

ортига иргитади. Қарши майдончада турган икки ҳимоячи ўз вақтида жой танлаб, тўпни илиб олиши лозим.

2. Тўпни пастдан икки қўллаб, юқоридан икки қўллаб, пастдан бир қўллаб йиқилиб тўпни қабул қилиш учун 2 та ёки 3 та тўп турли баландликка осилиб қўйилади. Махсус сигнал бўйича ўйинчи у ёки бу қабул усулини бажаради.

### **Техникага оид машқлар.**

1. Юқоридан киритлган тўпни пастдан икки қўллаб, пастдан киритилган тўпни юқоридан икки қўллаб қабул қилиш. Тўп киритиш гоҳ юқоридан гоҳ пастдан амалга оширилади.

Ушбу машқлар жуфтлиқда ёки бир неча тўп киритувчи иштирокида бажарилади.

2. 3 та шуғулланувчи олдинги чизиқ ортида 4,3 ва 2 зоналарда жойлашади ва қарши майдоннинг 3 зонасида турган 4 чи ўйинчини кузатади. 4 чи ўйинчи ўз устига тўп ташлаб кутилмаганда тўпни сакраб тўр ортига 4,3,2 зоналарнинг бирига йўллайди. Тўп йўналтирилган жойда турган ўйинчи тўпга ўз вақтида чиқиб, энг мақбул усул ёрдамида уни қабул қиласди.

3. Ҳужум зарбасидан қайтган тўпни пастдан икки қўллаб, пастдан икки ва бир қўллаб йиқилиб, юқоридан икки қўллаб йиқилиб қабул қилиш. Зарбани қарши майдондан тренер йўллайди. Зарба чалғитувчи секин тўп ташлаш билан алмаштирилиб турилади.

## **6-Амалий машғулот Волейбол тўпни пастдан узатиш ва қабул қилиш техникасини такомилаштириш**

### **Тўпни икки қўллаб пастдан узатиш.**

#### **Умуривожлантирувчи машқлар.**

1. Қўлларни горизонтал ва вертикал йўналишлар бўйича чалкаштириб ҳаракатлантириш.

2. Жуфтлиқда. Шеригининг қаршилиги билан қўлларни олдинга-юқорига ва ёндан-юқорига кўтариш машқлари.

3. Резиналар ва пружинали амортизаторлар билан қўлларни олдинга-юқорига, ёнга-юқорига кўтариш машқлари.

### **Тайёрлов машқлари.**

1. Турган жойдан ва олдинга ташланиб тўлдирма тўпни икки қўллаб пастдан олдинга-юқорига иргитиш. Ҳудди шундай ён томонга ташланиб бажариш.

2. Ҳудди шундай фақат қадам билан; югуриб; икки қадам қилиб; сакраб.




Рис. 24.




Рис. 25.




Рис. 26.

### **Яқинлаштирувчи машқлар.**

1. Дастреки ҳолатларга ўргатиш.
2. Турган жойда; олдинга ва ёнга ташланиб; қадамлаб; югуриб; сакраб ҳаракатланишлардан сўнг тўпни қабул қилишни имитация қилиш.
3. Илиб кўйилган тўпни қабул қилиш. Тўп бел баробарида илиб кўйилади. Дастрек турган жойдан сўнгра олдинга, ёнга ташланиб тўпни қабул қилиш.
4. Шериги ташлаб берган тўпни қабул қилиш. Тўп турли баландлик ва йўналишларда ташлаб берилади.
5. Худди шундай машқни бажариш, аммо тўр устидан. Масофа 3-4 м.
6. Ўйинга киритилган тўпларни қабул қилиш.

### **Техника бўйича машқлар.**

1. Жуфтликда тўп узатишлар.
2. Турли траекториялар ва йўналишлар бўйича тўп узатишлар.
3. Тўр устидан тўп узатишлар. Масофа ва траекториялари турлича.
4. Тўрнинг турли қисмларидан қайтган тўпни қабул қилиш.
5. Турли усулда (дастрек пастдан тўғридан) ўйинга киритилган тўпларни қабул қилиш.

### **Тўпни ўйинга киритишни ўргатиш.**

### **Умумивожлантирувчи машқлар.**

1. Дастреки ҳолат - бир қўл юқорида, бир қўл пастда - қўлларни олдинга-орқага силташ. Қўллар ҳолати алмаштирилади.
2. Қўлларни олдинга-орқага катта айлана бўйича айлантириш. Худди шундай машқлар, фақат олдинга юза бўйича.
3. Олдинга энгашган ҳолда «Тегирмон» машқи.
4. Резинка ва амортизаторлар билан машқлар.
5. «Овчилар ва қуёнлар», «Тўп отиш» ҳаракатли ўйинлари. Тўпни турли усулларда қўллаш билан, ҳар хил вариантларда.

### **Тайёрлов машқлари.**

1. 1кг оғирликдаги тўлдирма тўпларни турли усулларда бир қўлда ирғитиш: пастдан, юқоридан, ёндан олдинга-юқорига.
2. Тўлдирма тўпларни бир қўл билан итариш.
3. Тўлдирма тўпни тўр устидан белгиланган нишонларга (зоналарга) тушириш. Масофа тайёргарлик даражасига қараб белгиланади.

## **Яқинлаштирувчи машқлар.**

1. Түпни киритиши имитация қилиш. Дикқат гавда, оёқ ва қўлларнинг ўзаро мувофиқ ҳаракатланишига қаратилади.
2. Түпни ташлашни ўргатиш.
3. Илиб қўйилган тўпга зарба бериш.
4. Деворга тўп узатиш. Масофа - 6-7 м.
5. Шеригига тўп узатиш. Масофа - 8-9 м.
6. Тўр устидан қисқартирилган масофадан киритилган тўпни пастдан қабул қилиш.


## **Техника бўйича машқлар.**

1. Тўп киритиши чизигидан тўпни ўйинга киритиши.
2. Тўпни учиш йўналишини ўзгартириб ўйинга киритиши.
3. Тўпнинг траекториясини ўзгартириб.
4. Узайтирилган ва қисқартирилган оралиқлар бўйича.
5. Тренернинг топшириғи бўйича белгиланган зоналар-га тўп киритиши.
6. Турли усулларни навбатлаштириб тўп киритиши.
7. Ўйиннинг бошқа техник усулларини (тўсиқ, тўп узатиш ва ҳоказо) бажаргандан сўнг. Турли вариантларда қўллаш.
8. Тўп киритиши бўйича турли вариантларда мусобақа ўтказиши.

## **Тўпни қабул қилиш**

Тўп ўйинга киритилганда, ҳужум зарбасидан сўнг ва тўсиқдан қайтганда амалга оширилади.

Ҳозирги замон волейболида тўпни қабул қилишнинг қуидаги усуллари ва варианatlari мавжуд: пастдан икки қўллаб (жуда кам ҳолларда бир қўл билан); юқоридан икки қўллаб; сон қисми билан ва орқага думалаб бир қўллаб пастдан; олдинга кўкрак-корин қисмлари билан йиқилган ҳолда бир қўллаб пастдан.



*Рис. 57.*

Ўйинга киритилган тўпни сифатли қабул қилиш ҳужум ҳаракатларининг қанчалик самарали бўлишини белгилайди. Ўйинга киритилган тўпни қабул қилишнинг энг кўп тарқалган ва самарали шакли бу тўпни икки қўллаб пастдан қабул қилишдир. 15-расмда икки қўллаб пастдан тўп қабул қилаётган ўйинчининг ҳолати тасвирланган. Оёқлар букилган, бир оёқ олдинда, қўл кафтлари бирлаштирилган ҳолда пастга туширилган. Тўпни қабул қилиш вақтида

тирсакларни букиш мумкин эмас. Кўллар билан олдинга-юқорига ҳаракат қилинади. Тўпга нисбатан кучли қарама-қарши ҳаракат қилиш керак эмас. Бунда қўллар тўп томон яқинлаштирилиб унинг тагига киритилади. Оёқларни букиб-ёзиш билан тўпга керакли йўналиш берилади. Тўпни пастдан қабул қилишда энг асосийси тўпнинг йўналиши, тезлигини тўғри баҳолай олиш ва боғловчи ўйинчини кузатиш ҳисобланади. Ўйинчи зарур жойни эгаллай олмаган бўлса-ю, тўп ўнг томонга йўналаётган бўлса, тўпни қабул қилувчи қўлларни тўғри олдинга чиқаради ва ўнг қўлни юқорига чиқариб буради, чап томонга йўналаётган бўлса чап қўл юқорига чиқарилади.

Тўпни пастдан икки қўллаб қабул қилиш хужум зарбасини қабул қилишда ҳам асосий усул ҳисобланади. Ўйинга киритилган тўп ёки хужум зарбасининг сифасиз қабул қилиниши (паст траекторияда узатиш, боғловчи ўйинчига етказиб бермаслик) боғловчи ўйинчи томонидан хужум учун бериладиган тўп узатишни самарасиз бўлишига олиб келади. Шунинг учун машғулотлар вақтида турли тезликда, йўналишда ва кучланишда келаётган тўпларни пастдан икки қўллаб қабул қилишга катта эътибор бериш зарур.

Тўпни бир қўллаб қабул қилиш таянч ҳолатда ва йиқилиб амалга оширилади. Таянч ҳолатда бажариладиган усул ўйинчининг ёнига тезлик билан тушаётган тўпни қабул қилишда фойдаланилади. Тўпни қабул қилиш ёпиқ ҳолдаги кафт юзаси билан бажарилади.

Орқага ёки ён томонга йиқилиб, бир қўл билан тўпни қабул қилиш қўп ҳолларда аёллар волейболига хосдир. Ҳаракат сўнгида ён томонга катта қадам ташланиб, қўл тўп томон тўғри узатилади. Бунда МОК (марказий оғирлик кучи) кескин пасаяди.




Рис. 58.

Тўпга зарба берилгандан сўнг, ўйинчи таянч оёқнинг учида йиқилиш томонга бурилиб, оёқ товони билан ўтиради ва дўмбалоқ ошади.

Жароҳат ва лат ейишнинг олдини олиш мақсадида гавданинг орқа ўрта қисми билан эмас, балки бир оз ёнбош билан дўмбалоқ ошилади, даҳан кўкрак қисмiga теккизиб олинади.

Кўкрак-қорин қисми билан сирғалиб йиқилган ҳолда бир қўл билан тўпни қабул қилиш усули эркаклар волейболига мансуб усул ҳисобланади. Ўйинчи

охирги қадамда кескин ҳаракат билан гавдани пастга-олдинга  $25^{\circ}$ - $30^{\circ}$  бурчак остида майдончага ташлайди. Таянчсиз ҳолда кафтнинг орқа ёки олди томони билан тўпга зарба бериб, қўлларини олдинга чўзади ва қўллари майдончага тегиши билан оёқларини тизза қисмида букади, қўллар эса орқага-ёнга итарилиши билан гавданинг горизонтал ҳолатга келишига ёрдам беради. Бош ўз вақтида максимал орқага ташланади.




Рис. 59.

### **7-Амалий машғулот Волейбол тўпни ўйинга киритиш усуллари ва техникасини такомилаштириш**


#### **Тўп киритиш**

Бу техник усул орқали тўп ўйинга киритилади. Бу усулнинг асосий мақсади тўпни рақиб жамоасига иложи борича қийин қилиб беришdir. Шунинг учун бу усул хужум техникасининг воситаси бўлиб ҳисобланади. Тўпни киритиш дастлабки ҳолатдан ва учта кетма-кет фазалар: тайёргарлик (тўпни ташлаш, қўлни силкиш), асосий (зарба бериш) ва якунловчи (қўлни тушириш ва кейинги ҳаракат) фазалардан иборат.

Волейболда пастдан тўғри, юқоридан тўғри, ёндан юқоридан ва сакраб тўғри тўп киритиш усуллари мавжуд.


Бу усулларни бажаришда тўпга зарба бериш турли тарздаги кетма-кетликда бажарилади. Биринчи навбатда тўпга айланма ҳаракат бериш, сўнгра айланма ҳаракат бермасдан тўп киритиш (бир мунча мураккаб бўлганлиги сабабли) усуллари ўргатилади ёки такрорланади.

**Пастдан тўғри тўп киритиш.** Ўйинчи олдинга энгashiб, оёқларини тизза қисмида буккан, бир оёғини (зарба берувчи қўлга нисбатан қарама-қарши) олдинга чиқарган ҳолатда туради.



Тўп тирсак қисмида бир оз букилган қўл бел баробарида ушлаб турилади. Тўп гавдага нисбатан 20-30 см оралиқда ташланади. Зарба беришда қўл кескин равишда орқага ҳаракатлантирилади. Зарба пастдан юқорига-тўғрига бажарилади. Ўйинчи бир вақтнинг ўзида орқа оёқни тўғрилайди ва гавданинг оғирлигини олдинги оёққа ўтказади. Зарбадан сўнг қўл ҳаракати тўпни “кузатиб” бориш билан тугалланади. Пастдан тўғри тўп киритиш аниқлиги асосий учта омил билан аниқланади: қўлни силкиш (замах) йўналиши билан – у кескин орқага ҳаракатланиши керак; тўп ташлаш баландлиги билан – у баланд бўлмаслиги керак; тўпга зарба бериш – у тахминан бел баробарида амалга оширилиши зарур.


**Юқоридан тўғри тўп киритиш.** Ўйинчи тўрга қараган ҳолда юқори ҳолатни эгаллайди .



Тўп кўкрак сатҳида ушлаб турилади, бир оёқ олдинга қўйилади (зарба берувчи қўлга нисбатан қарама-карши). Тўп 1 м юқорига олдинга ташланиб, ўйинчи қўлини юқорига-орқага ҳаракатлантиради ва зарба берувчи қўл - елкасини орқага-юқорига олиб боради. Зарба тўғри қўл билан бирмунча олдинда бажарилади. Бу усул икки хил вариантда: тўпга айланма ҳаракат бериб ва айланма ҳаракат бермасдан амалга оширилиши мумкин. Тўпга айланма ҳаракат бермасдан тўп киритиш усули бирмунча мураккаб усул ҳисобланади. Бу усулда қўйидаги элементларнинг бажарилишига қатъий амал қилиш зарур. Булар: тўпнинг қоқ ўртасига зарба бериш; тўп ташлашнинг нисбатан пастлиги (0,5 м гача); зарба берувчи қўлни орқага нисбатан қиска ҳаракатлантириш; кучли (тезкор), ва “алдамчи” (секин) зарбалар бериш. Ҳужум зарбасини 2 йўл билан бажариш мумкин: тўғри (тўрга нисбатан тўғри турган ҳолда) ва ён томон билан (тўрга нисбатан).

**Юқоридан ён томон билан тўп киритиш.** Юқоридан ён томон билан тўп киритиш усулида ўйинчи тўрга нисбатан ён томон билан оёқларини тиззадан

буккан ҳолда туради. Тўп 1 м гача баландликда елка устига ташланади. Ўнг қўл билан зарба берилганда, у пастдан орқага ҳаракатланади, бунда елка пастга туширилиб, гавданинг оғирлиги ўнг оёққа ўтказилади. Зарба берувчи қўл орқадан-юқорига ёй бўйича ҳаракатлантирилиб, зарба амалга оширилади. Гавда чапга бурилади ва оғирлик қучи чап оёққа кўчирилади. Бу ҳаракат зарбанинг қучини оширишга хизмат қиласди.



12-расм

**Сакраб тўп киритиш.** Хозирда сакраб тўп киритиш усули кенг қўлланилмоқда. Бу усулнинг асоси орқа (ҳимоя) зонадан хужум зарбасини беришга ўхшашлиги сабабли унинг моҳияти қуйироқда ёритилади.

## МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Баскетбол уйинини келиб чикиш тарихи.
2. Баскетбол уйини техникаси.
3. Баскетбол уйини тактикаси.
4. Баскетбол уйинида туп узатиш усуллари ва уларнинг ахамияти.
5. Баскетбол уйини коидалари.
6. Баскетбол уйинида саватга туп ташлаш усуллари.
7. Баскетбол майдони хажми ва уйин коидалари.
8. Баскетбол уйин очколар хисоби, котиб, хакамликнинг вазифалари.
9. Баскетбол мусобакасида айланма системасининг ахамияти.
10. Олимпийский система мусобака утказиш тартиби.
11. Майдондаги хакамлар ва уларнинг вазифаси.
12. Мусобака низоми ва унинг ахамияти.
13. Баскетбол уйинини ривожланиши.
14. Узбекистонда баскетбол уйини ривожланиши.
15. Спорт тренировкасини пронтспилари.
16. Баскетбол майдонда ҳаракат килиш техникаси.
17. Баскетбол туп билан бажариладиган усуллари техникаси.
18. Баскетбол тупини саватга туп отишлар техникаси.
19. Баскетбол мусобакаларни ташкил килиш ва утказиш.

- 20.Баскетбол мусобакасида чикиб кетиш системаси буйича буйича мусобакалар утказиш.
- 21.Баскетбол мусобакалар тугрисида низом.
- 22.Жой танлаш ва химоячи таъкибидан қутилиш.
- 23.Тупсиз ҳаракат килаётган баскетболчилар бажарадиган тусиклар.
- 24.Волейбол уйин тарихи.
- 25.Волейбол уйинининг собик итифокда ривожланиши.
- 26.Узбекистонда Волейболнинг ривожланиши.
- 27.Волейбол уйин техникаси.
- 28.Волейбол уйин тактикаси.
- 29.Волейболчиларнинг тезкорлигини ошириш омиллари.
- 30.Волейболчилар чакконлигини ошириш омиллари.
- 31.Волейбол майдони хажмлари ва уйин коидалари.
- 32.Волейбол уйин очколар хисоби, котиб хакамнинг вазифаси.
- 33.Волейбол мусобакасида айланма системасининг ахамияти.
- 34.Олимпия тизимида мусобака утказиш тартиби.
- 35.Волейбол уйинида хакамлар ва уларнинг вазифалари.
- 36.Волейбол уйинининг низом ива унинг ахамияти.
- 37.Волейбол уйинининг ривожланиши.
- 38.Узбекистонда Волейбол уйинини ривожланиши.
- 39.Волейбол уйини тренировкасининг принциплари.
- 40.Волейбол майдонида ҳаракат килиш техникаси.
- 41.Волейбол тури билан бажариладиган усуллар техникаси.
- 42.Волейболдан мусобакалар ташкил кили шва утказиш.

## ГЛОССАРИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР МОҲИЯТИ

**Техника** – юононча “технус” сўздан келиб чиқсан бўлиб, ўзбек тилида “санъят” маъносини англатади. Спорт амалиётида ва хусусан, баскетболда “техника” ҳаракат малакалари, уйин усулларининг тузилиш шакли, мазмuni ва ижро этиш тартибини ифодалайди. Муайян ҳаракат (уйин усули – тўп узатиш, тўп отиш ва ҳ.к.) техникаси маҳсус машқлар ёрдамида қанчалик кўп ва узоқ вақт такомиллаштирилса, у шунчалик гўзал, чиройли, енгил, биоенергетик жиҳатдан тежамли, самарали, аниқ ва “санъят” даражасида ижро этилади.

**Тактика** – юононча “тактикус” сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилида “тартиблаштириш” маъносини англатади.

**Баскетболда уйин тактикаси** – муайян жамоанинг иккинчи бир жамоа устидан якка, гурух ва жамоа ҳаракатлари ёрдамида ғалабага эришиш санъатини англатади.

**Тактик комбинатсия** – бу бир уйинчига ҳужум қилиши учун қулай шароит яратиб беришга қаратилган бир неча уйинчининг ҳаракат фаолиятидир.

**Стратегия** – (стратегиа) юононча сўздан олинган бўлиб, ҳарбий соҳада, сиёсий партияларда энг самарали йўл, усул ёки воситани танлаб, ғалаба сари олиб бориш маъносини ифодалайди.

**Ўйин малакалари** – ўйин воситалари (тўп узатиш, тўп қабул қилиш, тўсик, тўп олиб юриш ва ҳ.к.)ни ифодаловчи ҳаракат турларини англатади.

**“Крюк”** – кўлни баланд ҳолатида яrim айланма ҳаракатда узатиш ва отиш тушунилади.

**Ўйин усуллари** – ўйин малакаларини турлича усуллар (юқоридан ва пастдан икки қўллаб ҳамда бир қўллаб тўп узатиш, бир ва икки қўллаб тўп отиш, тўп олиб юриш турлари ва ҳ.к.)да ижро этишни ифодалайди.

**Ўйин интизоми** – ҳар бир ўйинчи фаолиятининг жамоа фаолиятига бўйсуниши, бўлажак ўйинда режалаштирилган тактик қўрсатмаларни амалга ошириш, ўйин қоидалари ва умуминсоний хислатларга амал қилиш ва ҳоказо.

**Тактик ҳаракат** – самарали натижа ёки ғалабага қаратилган ҳамда якка, гурух ва жамоа иштирокида ижро этиладиган малакаларни англатади.

**“Эшелон” комбинатсиясида** икки ҳужумчи бир йўналишда ҳаракатланади, тўп биринчи ҳужумчига ҳалқага ҳужум қилиши учун узатилади, ҳужум муваффақиятли якун топмаса иккинчи ҳужумчи ҳужумни давом эттиради.

**“Крест” комбинатсиясида** икки ҳужумчи бир-бирига тўп узатган ҳолда параллел равишда ҳаракатланади, тўп марказий ўйинчига узатилади ва йўналиш марказий ўйинчи олдидан кесишиб ўтиш билан давом эттирилади, мувофиқ узатилган тўпдан мувофиқ ҳужумчи тўпни ҳалқага отади.

**Техник тайёргарлик** – техник маҳоратни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён.

Ушбу жараённинг натижаси техник маҳоратни ўсганлик даражасини қўрсатади.

**Тактик тайёргарлик** – тактик маҳоратни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён.

Ушбу жараённинг натижаси тактик маҳоратни ўсганлик даражасини қўрсатади.

**Машғулот юкламаси** – муайян ҳажм, шиддат, муддат, тақрорланиш, йўналишда ижро этиладиган ва спортчи организмига (иш қобилиятига) таъсир этувчи машқлар йиғиндинсини ифодалайди.

**Мусобақа юкламаси** – мусобақа давомида бажариладиган ва иш қобилиятига таъсир этадиган ўйин юкламасини англатади.

**Танлов ва ўйин ихтисослиги (амплуа)га йўналтириш** – наслий ва ҳаёт давомида эришилган жисмоний (бўйи, вазни, куч, тезкорлик, сакровчанлик, чаққонлик, чидамкорлик, эгилувчанлик ва ҳ.к.) ва психофизиологик (ҳаракат реаксияси, кўриш доираси, кўриш ўткирлиги, дикқатни жамланиши, эслаб қолиш қобилияти, юракни қисқариш частотаси, нафас олиш частотаси, артериал қон босими ва ҳ.к.) қўрсаткичларни баҳолаш асосида спорт турига саралаб олиш ҳамда бошланғич тайёргарлик якунига бориб ва ўқув-тренировка босқичи давомида ўйин ихтисослигига йўналтириш

жараёнларини ўз ичига олади. Танлов кўп қиррали, кенг қамровли ва кўп босқичли жараён бўлиб, ҳар ўқув-тренировка йили якунида ўтказилиши тавсия этилади. Терма ва клуб жамоаларига қабул қилиш (саралаш.) ҳам танлов асосида амалга оширилади.

**Финг** – чалғитувчи ҳаракатлар маъносини англатади.

**Прессинг** – ҳимоя ҳаракатларида рақибларга зич қарши ҳаракат кўрсатиш маъносини ифодалайди.

**Позитцион** – ҳужумни барча тарафлама уюштириш ҳаракатларига айтилади.

**Страховка** – қўриқлаш маъносини ифодалайди.

**Дроблинг** – ҳужумда рақиб ёки рақибларни айланиб ўтиб ҳаракат қилиш маъносини билдиради.

**Фоллар** – жазоли ва танбеҳли хатолар тушунилади.

**Волейбол** – учар тўп

**Леберо** - жамоага ҳакамни рухсатисиз кириб чиқадиган ўйинчи

**Антене** – тўсиқ

**Судя** – ҳакам

**Тайм аут** – танаффус

**Партия** – бўлим

**За, аут** – майдондан ташқари

**Очко** - сон

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**

“TASDIQLAYMAN”

\_\_\_\_\_ SH.SHaripov

“KELISHILDI”

Oliy va o'rtta maxsus ta'lism vazirligi

201\_\_ yil “\_\_\_”\_\_\_\_\_

201\_\_ yil “\_\_\_”\_\_\_\_\_

Ro'yxatga olindi: BD -5112000-3.03

201\_\_ - yil “\_\_\_”\_\_\_\_\_

**SPORT MAHORATINI OSHIRISH**

**FAN DASTURI**

Bilim sohasi:

100000 – Gumanitar

Ta`lim sohasi:

110000 – Pedagogika

Ta`lim yo'nalishi:

5112000 – Jismoniy madaniyat

**Toshkent – 2018\_\_**

Fan dasturi Oliy va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi yo‘nalishlari bo‘yicha O‘quv-uslubiy birlashmalar faoliyatini Muvofiglashtiruvchi Kengashning 201\_\_ -yil “\_\_\_” \_\_\_\_ dagi \_\_\_ -sonli bayonnomasi bilan ma’qullangan.

O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 201\_\_ -yil “\_\_\_” \_\_\_\_ dagi \_\_\_ -sonli buyrug‘i bilan ma’qullangan fan dasturlarini tayanch oliy ta’lim muassasasi tomonidan tasdiqlashga rozilik berilgan.

Fan dasturi Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universitetida ishlab chiqildi.

### **Tuzuvchilar:**

- Radjapov U.R. - Nizomiy nomidagi TDPU “Jismoniy madaniyat” kafedrasi dotsenti
- Zayniddinov T.B. - Nizomiy nomidagi TDPU “Jismoniy madaniyat” kafedrasi katta o‘qituvchisi
- Miraxmedov F.T. - Nizomiy nomidagi TDPU “Jismoniy madaniyat” kafedrasi o‘qituvchisi

### **Taqrizchilar:**

- Raximqulov K.D. - O‘zbekiston Davlat jahon tillari universiteti “Jismoniy madaniyat va sport” kafedrasi dotsenti.
- Mo‘minov X.T. - Chilonzor pedagogika kolleji “Jismoniy tarbiya” kafedrasi mudiri

Fan dasturi Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Kengashida ko‘rib chiqilgan va tavsiya qilingan (201\_\_\_\_\_ yil \_\_\_\_\_ -sonli bayonnomma).

## **I. O‘quv fanining dolzarbligi va oliy kasbiy ta’limdagi o’rni**

Ushbu dastur jismoniy tarbiya darslarida gimnastika, yengil atletika va sport o‘yinlari bo‘yicha mashg‘ulotlarni tashkil qilish hamda o‘tkazish metodlari haqida ma`lumot berish, talabalarni gimnastika, yengil atletika va sport o‘yinlarini tashkil qilish jarayonida mashqlar texnikasi, o‘yin texnikasi va taktikasini o‘rgatishni takomillashtirish, mazkur sport turlari bo‘yicha mahoratini oshirishga oid amaliy ko‘nikma va malakalarini oshirish hamda takomillashtirishdan iborat.

Sport mahoratini oshirish fani asosiy ixtisoslik fan hisoblanib 2, 4-7 semestrlarda o‘qitiladi. Dasturni amalga oshirish o‘quv rejasida rejalshtirilgan umumiyligi, umumiyligi, jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi, jismoniy tarbiya gigiyenasi va sportning tibbiy-fiziologik asoslari, gimnastika va uni o‘qitish metodikasi, yengil atletika va uni o‘qitish metodikasi, sport va harakatli o‘yinlarni o‘qitish metodikasi, kurash turlari va uni o‘qitish metodikasi, suzish va uni o‘qitish metodikasi, sport turlari bo‘yicha musobaqalar o‘tkazish va hakamlik qilish kabi fanlardan yetarli bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lishlikni talab etadi.

Jismoniy madaniyat yo‘nalishi bo‘yicha bakalavrlarni tayyorlashda sport turlari gimnastika, yengil atletika, futbol, voleybol, basketbol va gandbol asosiy vosita hisoblanib, sport turlari bo‘yicha talabalarni sport mahoratini oshirish va takomillashtirish, jismoniy sifatlarni rivojlantirish va tarbiyalashda, nazariy va amaliy bilim, ko‘nikma hamda malakalarini oshirish va takomillashtirishda muhim ahamiyatga egadir.

## **II. O‘quv fanining maqsadi va vazifasi**

Fanni o‘qitishdan maqsad – gimnastika va yengil atletika sport turlarining mashq elementlarini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish, sport o‘yinlari futbol, voleybol, basketbol, gandbol o‘yinlarida harakatlanish va to‘jni boshqarish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish, hujum va himoya texnikasi hamda taktikasini o‘rgatishni takomillashtirish, o‘yinlarda qo‘llanadigan turli usullarni o‘rgatishni takomillashtirish, fintlarni o‘rgatishni takomillashtirish va tarbiyalash, talabalarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash va barkamol avlodni tarbiyalashga mos bilim, ko‘nikma va malakalariga oid sport mahoratini oshirish hamda takomillashtirishdan iboratdir.

Fanning vazifasi – talabalarda sport mahoratini oshirish fanini o‘tkazish bo‘lajak mutaxassislarga gimnastika, yengil atletika va sport o‘yinlarining mashq elementlarini o‘rgatishni takomillashtirish, gimnastika, yengil atletika va sport o‘yinlari bo‘yicha mashg‘ulotlarni tashkil qilish, talabalarga sport turlari bo‘yicha mashg‘ulotlarni o‘tkazish uchun atroflicha bilim berish, futbol, voleybol, basketbol,

gandbol o‘yinlarida harakatlanish va to‘pni boshqarish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish, hujum va himoya texnikasi hamda taktikasi haqida nazariy va amaliy bilimlarni o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish, o‘yinlarda qo‘llanadigan turli usullar, fintlar bilan amaliy harakat mahoratini oshirish, jismoniy sifatlarni rivojlantirish va tarbiyalash yo‘llarini o‘rgatishni takomillashtirishdan iborat.

Fan bo‘yicha talabalarning bilim, ko‘nikma va malakasiga quyidagi talablar qo‘yiladi. **Talaba:**

- sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda sportning o‘rni va ahamiyatini bilishi; gimnastika, yengil atletika va sport o‘yinlari (futbol, basketbol, voleybol, gandbol)ni o‘yin hamda mashqlar texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; gimnastika, yengil atletika va sport o‘yinlari (futbol, basketbol, voleybol, gandbol) ni o‘yin hamda mashqlar taktikasini o‘rgatishni takomillashtirish; saf va umumiyl rivojlantiruvchi mashqlarni o‘rgatishni takomillashtirish **haqida bilimlarga ega bo‘lishi kerak.**

- emaklab o‘tish, tirmashib chiqish, muvozanat saqlash, uloqtirish, oddiy sakrashlar, erkin mashqlar, akrobatika, ommaviy gimnastik chiqishlar uchun mashqlar, dastakli ot, halqalar, tayanib sakrashlar, bruslar, baland va past turnik, baland-past bruslar, xodalarda mashqlar bajarishni takomillashtirish; yengil atletika mashqlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; yengil atletika turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; yengil atletika mashg‘ulotlarida joyida va harakat davomida bajariladigan umumiyl rivojlantiruvchi hamda maxsus mashqlarini o‘rgatishni takomillashtirish; yengil atletika bilan shug‘ullantirishni o‘rgatish takomillashtirish asoslari; yengil atletika mashg‘ulotlarida qo‘llaniladigan metodlarni o‘rgatish; ta‘lim muassasalarida yengil atletika mashg‘ulotlarini tashkil qilish; futbol o‘yinida harakatlanish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; futbol o‘yinida to‘pni olib yurish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; futbol o‘yinida to‘pni uzatish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; basketbol o‘yinida holat va harakatlarga o‘rgatishni takomillashtirish; basketbol o‘yinida to‘pni olib yurish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; basketbol o‘yinida to‘pni uzatish va qabul qilish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; voleybol o‘yinida holat va harakatlarga o‘rgatishni takomillashtirish; voleybol o‘yinida to‘g‘ri yiqilish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; voleybol o‘yinida to‘pni yuqorida uzatish va qabul qilish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; voleybol o‘yinida to‘pni pastdan uzatish va qabul qilish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; gandbol o‘yinida holat va harakatlarga o‘rgatishni takomillashtirish; gandbol o‘yinida to‘pni olib yurish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish; gandbol o‘yinida to‘pni uzatish va qabul qilish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish **haqida ko‘nikmalarga ega bo‘lishi kerak.**

- gimnastika va sport-mashqlari asosi, gimnastik chiqishlar va bayramlar, umumiyl o‘rta ta‘lim, kasb-hunar ta‘lim muassasalari dasturi «Alpomish» va «Barchinoy» majmuasiga kiruvchi gimnastik materiallarni tahlil qilish, gimnastika bo‘yicha ilmiy-tadqiqot ishlarni olib borish, sportcha yurish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish, yugurish turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish, sakrash turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish, uloqtirish turlari texnikasini

o'rgatishni takomillashtirish, ko'p kurash turlarini texnikasini o'rgatishni takomillashtirish, futbol o'yinida to'pga zarba berish texnikasini o'rgatishni takomillashtirish, futbol o'yinida to'pni to'xtatish texnikasini o'rgatishni takomillashtirish, futbol o'yinida darvozaga zarba berish texnikasi va hujum taktikasini o'rgatishni takomillashtirish, futbol o'yinida jarima va erkin to'pga zarba berishni o'rgatish va himoya taktikasini takomillashtirish, futbol o'yinida darvozabonni o'zin texnikasini o'rgatishni takomillashtirish, basketbol o'yinida to'pni yaqin va o'rta masofalardan savatga tashlash texnikasini o'rgatishni takomillashtirish, basketbol o'yinida jarima to'pni savatga tashlash texnikasini va o'zin taktikasini o'rgatishni takomillashtirish, basketbol o'yinida uzoq masofadan to'pni savatga tashlash texnikasini va o'zin taktikasini o'rgatishni takomillashtirish, basketbol o'yinida harakatda uzoq masofadan to'pni savatga tashlashni o'rgatishni takomillashtirish, voleybol o'yinida to'pni o'yinga kiritish texnikasini o'rgatishni takomillashtirish, voleybol o'yinida sakrab to'pga zarba berish texnikasini o'rgatishni takomillashtirish, voleybol o'yinida to'siq qo'yish usullarini o'rgatishni takomillashtirish, voleybol o'yinida himoya va hujumning texnik-taktik harakatlarini o'rgatishni takomillashtirish, gandbol o'yinida to'pni darvozaga uloqtirish texnikasini o'rgatishni takomillashtirish, gandbol o'yinida jarima va erkin to'plarni otishni o'rgatishni takomillashtirish, gandbol o'yinida himoya va hujumning texnik-taktik harakatlarini o'rgatishni takomillashtirish, gandbol o'yinida to'pga to'siq qo'yish usullarini o'rgatishni takomillashtirish, gandbol o'yinida darvozabonni o'zin texnikasini o'rgatishni takomillashtirish ***malakalariga ega bo'lishi kerak.***

### **III. Asosiy nazariy qism (ma'ruza mashg'ulotlari)**

#### **1-modul. Gimnastika**

##### **1-mavzu. Gimnastikada umumiylar va maxsus tayyorgarlik mashqlari bo'yicha mahoratini oshirish.**

Saf va umumiylar rivojlantiruvchi mashqlarni o'rgatishni takomillashtirish. Tirmashib chiqish, muvozanat saqlash, uloqtirish, oddiy sakrashlar, erkin mashqlar, akrobatika mashqlarini o'rgatishni takomillashtirish va sport mahoratini oshirish bo'yicha nazariy ma'lumotlarga ega qilish.

##### **2-mavzu. Gimnastika sport jihozlarida mashqlar bajarish bo'yicha mahoratini oshirish.**

Dastakli ot, halqalar, tayanib sakrashlar, bruslar, baland va past turniklarda mashqlar bajarish, gimnastika turlari texnikasini o'rgatishni takomillashtirish, gimnastika mashg'ulotlarida joyida va harakat davomida bajariladigan umumiylar rivojlantiruvchi hamda maxsus mashqlarini o'rgatishni takomillashtirish, sport mahoratini oshirish bo'yicha nazariy ma'lumotlarga ega qilish.

##### **3-mavzu. Gimnastikada tayyorgarlik turlarining o'rni.**

Gimnastikada jismoniy, ruhiy va texnik tayyorgarlik turlariga oid sport mahoratini oshirish bo'yicha nazariy ma'lumotlarga ega qilish.

## **2-modul. Sport o‘yinlari**

### **1-mavzu. Futbol o‘yinida tayyorgarlik turlarining o`rni va ahamiyati.**

Futbol o‘yinida nazariy tayyorgarlik, umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlik, texnik-taktik va ruhiy tayyorgarlik turlariga oid mashqlar orqali sport mahoratini oshirish bo‘yicha nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

### **2-mavzu. Futbol o‘yinida shug`ullanuvchilarining o‘yin texnikasini takomillashtirish va mahoratini oshirish.**

Futbol bilan shug`ullanuvchilarining kun tartibini rejalashtirish, o‘yin texnikasini takomillashtirishni nazorat qilish, namunaviy umumiy va maxsus mashqlar tuzish hamda ulardan foydalanish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

### **3-mavzu. Futbol o‘yin mashqlar texnikasi va taktikasi usullarini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish.**

Futbol o‘yin texnikasini takomillashtirish, himoyachilar va hujumchilarining o‘yin texnikasini takomillashtirish, darvozabon o‘yin texnikasi takomillashtirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish. Futbol texnikasini bo‘limlarga bo‘linishi, harakatlanish texnikasi va to‘pni boshqarish texnikasi usullari bo‘yicha mahoratini oshirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

Futbol o‘yin taktikasini takomillashtirish, o‘yin taktikasining bo‘linishi himoya va hujum taktikalarini mustahkamlash bo‘yicha nazariy ma`lumotlar berish.

Futbol o‘yinida jamoaviy, guruhli va yakka holda hujum hamda himoya taktikalari bo‘yicha mahoratini oshirish va takomillashtirish to‘g‘risida, hujumga qarshi tez qarshi hujum taktikalari, o‘yinchilarni joylarini almashtirish, to‘psiz harakat qilish texnikasi va taktikasi bo‘yicha mahoratini oshirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

### **4-mavzu. Basketbol o‘yinida tayyorgarlik turlarining o`rni va ahmiyati.**

Basketbol o‘yinida nazariy tayyorgarlik, umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlik, texnik-taktik va ruhiy tayyorgarlik turlariga oid mashqlar orqali sport mahoratini oshirish bo‘yicha nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

### **5-mavzu. Basketbol o‘yinida shug`ullanuvchilarining o‘yin texnikasini takomillashtirish va mahoratini oshirish.**

Basketbol bilan shug`ullanuvchilarining kun tartibini rejalashtirish, o‘yin texnikasini takomillashtirishni nazorat qilish, namunaviy umumiy va maxsus mashqlar tuzish hamda ulardan foydalanish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

### **6-mavzu. Basketbol o‘yin mashqlar texnikasi va taktikasi usullarini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish.**

Basketbol o‘yin texnikasini takomillashtirish, himoya va hujum o‘yin texnikasini takomillashtirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish. Basketbol texnikasini bo‘limlarga bo‘linishi, harakatlanish texnikasi va to‘pni boshqarish texnikasi usullari bo‘yicha mahoratini oshirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

Basketbol o‘yin taktikasini takomillashtirish, o‘yin taktikasining bo‘linishi himoya va hujum taktikalarini mustahkamlash, jamoaviy, guruhli va yakka holda hujum hamda himoya taktikasi bo‘yicha mahoratini oshirish va takomillashtirish

to‘g‘risida, hujumga qarshi tez qarshi hujum taktikalari, o‘yinchilarni joylarini almashtirish, to‘psiz harakat qilish texnikasi va taktikasi bo‘yicha mahoratini oshirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

**7-mavzu. Voleybol o‘yinida tayyorgarlik turlarining o`rni va ahamiyati.**

Voleybol o‘yinida nazariy tayyorgarlik, umumiyligi va maxsus jismoniy tayyorgarlik, texnik-taktik va ruhiy tayyorgarlik turlariga oid mashqlar orqali sport mahoratini oshirish bo‘yicha nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

**8-mavzu. Voleybol o‘yinida shug`ullanuvchilarining o‘yin texnikasini takomillashtirish va mahoratini oshirish.**

Voleybol bilan shug`ullanuvchilarining kun tartibini rejalashtirish, o‘yin texnikasini takomillashtirishni nazorat qilish, namunaviy umumiyligi va maxsus mashqlar tuzish hamda ulardan foydalanish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

**9-mavzu. Voleybol o‘yin mashqlar texnikasi va taktikasi usullarini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish.**

Voleybol o‘yin texnikasini takomillashtirish, himoya va hujum o‘yin texnikasini takomillashtirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish. Voleybol texnikasini bo‘limlarga bo‘linishi, holatlar, harakatlanishlar texnikasi va to‘pni boshqarish texnikasi usullari bo‘yicha mahoratini oshirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

Voleybol o‘yin taktikasini takomillashtirish, o‘yin taktikasining bo‘linishi himoya va hujum taktikasini mustahkamlash, guruhli va yakka holda to‘siq qo‘yish, to‘pni o‘yinga kiritish taktikasi bo‘yicha mahoratini oshirish va takomillashtirish to‘g‘risida, o‘yinchilarni joylarini almashtirish, to‘psiz harakat qilish texnikasi va taktikasi bo‘yicha mahoratini oshirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

**10-mavzu. Gandbol o‘yinida tayyorgarlik turlarining o`rni va ahamiyati.**

Gandbol o‘yinida nazariy tayyorgarlik, umumiyligi va maxsus jismoniy tayyorgarlik, texnik-taktik va ruhiy tayyorgarlik turlariga oid mashqlar orqali sport mahoratini oshirish bo‘yicha nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

**11-mavzu. Gandbol o‘yinida shug`ullanuvchilarining o‘yin texnikasini takomillashtirish va mahoratini oshirish.**

Gandbol bilan shug`ullanuvchilarining kun tartibini rejalashtirish, o‘yin texnikasini takomillashtirishni nazorat qilish, namunaviy umumiyligi va maxsus mashqlar tuzish hamda ulardan foydalanish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

**12-mavzu. Gandbol o‘yin mashqlar texnikasi va taktikasi usullarini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish.**

Gandbol o‘yin texnikasini takomillashtirish, himoyachilar va hujumchilarining o‘yin texnikasini takomillashtirish, darvozabon o‘yin texnikasi takomillashtirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish. Gandbol texnikasini bo‘limlarga bo‘linishi, harakatlanish texnikasi va to‘pni boshqarish texnikasi usullari bo‘yicha mahoratini oshirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

Gandbol o‘yin taktikasini takomillashtirish, o‘yin taktikasining bo‘linishi himoya va hujum taktikalarini mustahkamlash bo‘yicha nazariy ma`lumotlar berish.

Gandbol o‘yinida jamoaviy, guruhli va yakka holda hujum hamda himoya taktikasi bo‘yicha mahoratini oshirish va takomillashtirish to‘g‘risida, hujumga qarshi

tez qarshi hujum taktikasi, o‘yinchilarni joylarini almashtirish, to‘psiz harakat qilish texnikasi va taktikasi bo‘yicha mahoratini oshirish haqida nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

### **3-modul. Yengil atletika**

#### **1-mavzu. Yengil atletikada umumiylar va maxsus tayyorgarlik mashqlari bo‘yicha mahoratini oshirish.**

Yengil atletika turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish, yengil atletika mashg‘ulotlarida joyida va harakat davomida bajariladigan umumiylar rivojlantiruvchi hamda maxsus mashqlarini o‘rgatishni takomillashtirish, yengil atletika bilan shug‘ullantirishni o‘rgatish takomillashtirish asoslari, yengil atletika mashg‘ulotlarida qo‘llaniladigan metodlarni o‘rgatish, ta‘lim muassasalarida yengil atletika mashg‘ulotlarini tashkil qilish, sportcha yurish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish, yugurish turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish, sakrash turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish, uloqtirish turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish, ko‘p kurash turlarini texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish hamda sport mahoratini oshirish bo‘yicha nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

#### **2-mavzu. Yengil atletika sport jihozlarida mashqlar bajarish bo‘yicha mahoratini oshirish.**

Yengil atletikada yugurib kelib uzunlikka va balandlikka sakrash turlari, uloqtirish turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish, ko‘p kurash turlarini texnikasini o‘rgatishda yengil atletika sport jihozlaridan foydalanishni takomillashtirish hamda sport mahoratini oshirish bo‘yicha nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

#### **3-mavzu. Yengil atletikada tayyorgarlik turlarining o‘rnini.**

Yengil atletikada jismoniy, ruhiy va texnik tayyorgarlik turlariga oid sport mahoratini oshirish bo‘yicha nazariy ma`lumotlarga ega qilish.

## **IV. Amaliy mashg‘ulotlar bo‘yicha ko‘rsatma va tavsiyalar**

Amaliy mashg‘ulotlarda talabalar gimnastika, yengil atletika, sport o‘yinlari bo‘yicha mashg‘ulotlarni tashkil qilish va o‘tkazishni, gimnastika, yengil atletika, sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol va gandbol) bo‘yicha mashqlar va o‘yin texnikasining elementlari hamda taktik harakatlar yuzasidan sport mahoratini oshirish hamda takomillashtirish amaliy o‘rgatiladi va baholanadi.

Amaliy mashg‘ulotlarda tavsiya etiladigan mavzulari.

1. Saf va umumiylar rivojlantiruvchi mashqlarni o‘rgatishni takomillashtirish.
2. Tirmashib chiqish, muvozanat saqlash, uloqtirish, oddiy sakrashlar, erkin mashqlar, akrobatika mashqlarini o‘rgatishni takomillashtirish.
3. Dastakli ot, halqalar, tayanib sakrashlar, bruslar, baland va past turniklarda mashqlar bajarishni o‘rgatish va takomillashtirish.
4. Futbol o‘yinida harakatlanish (yugurish, sakrash, to‘xtash, burilish) texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish va mahoratini oshirish.

5. Futbol o‘yinida to‘pni boshqarish (to‘pni olib yurish, to‘pga zarba berish, to‘pni to‘xtatish, to‘pni uzatish, to‘pni olib qo‘yish va to‘p bilan aldamchi harakatlar, jarima va erkin to‘plarga zarba berish) texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish va mahoratini oshirish.
6. Futbol o‘yin texnikasi va taktikasini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish.
7. Basketbol o‘yinida harakatlanish (yurish, yugurish, sakrash, to‘xtash, burilish) texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish va mahoratini oshirish.
8. Basketbol o‘yinida to‘pni boshqarish (to‘pni olib yurish, to‘pni savatga tashlash, to‘pni ilib olish, to‘pni uzatish, to‘pni olib qo‘yish va to‘p bilan aldamchi harakatlar, jarima to‘plarni tashlash) texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish va mahoratini oshirish.
9. Basketbol o‘yin texnikasi va taktikasini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish.
10. Voleybol o‘yinida holatlar va harakatlanishlar (turish, siljish, sakrash, to‘xtash, burilish) texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish.
11. Voleybol o‘yinida to‘pni boshqarish (to‘pni o‘yinga kiritish, to‘pni qabul qilish, to‘pni uzatish, to‘pga to‘sinq qo‘yish, to‘pga zarba berish) texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish va mahoratini oshirish.
12. Voleybol o‘yinida hujum va himoya texnikasi hamda taktikasini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish.
13. Sportcha yurish texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish.
14. Yugurish turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish.
15. Sakrash turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish.
16. Uloqtirish turlari texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish.
17. Ko‘p kurash turlarini texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish.
18. Gandbol o‘yinida harakatlanish (yugurish, sakrash, to‘xtash, burilish) texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish va mahoratini oshirish.
19. Gandbol o‘yinida to‘pni boshqarish (to‘pni olib yurish, to‘pni uzatish, to‘pni darvozaga zarba berish, to‘pni ilib olish, to‘pni olib qo‘yish va to‘p bilan aldamchi harakatlar, jarima va erkin to‘plarga zarba berish) texnikasini o‘rgatishni takomillashtirish va mahoratini oshirish.
20. Gandbol o‘yin texnikasi va taktikasini o‘rgatishni takomillashtirish hamda mahoratini oshirish.

